



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



YANGI O'ZBEKISTON
YOSHLARI,
BIRLASHAYLIK!



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожии-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 29.07.2025 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8,8 босма табок.

Буюртма № 2. Адади 1950.

Баҳоси келишилган нархда.

“OLTIN NASHR” МЧЖ

матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 42-уй

Телефон: +998 97 735 11 88

МУНДАРИЖА

4

ТАҲЛИЛ

СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН
ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ

6

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОВУҚ ҚУРОЛ
ЁКИ БОШҚА АШЁЛАР ЁРДАМИДА
СОДИР ЭТИЛАДИГАН АЙРИМ
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

9

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

ТЕНГЛИК ВА ҲУРМАТ: АЁЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ
КАФОЛАТИ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ОМИЛИ

ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ

12

ТАДБИРКОР ВА ФУҚАРО МАНФААТЛАРИ:
СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

14

НУҚТАИ НАЗАР

ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИГА ДОИР
АЙРИМ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР:
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ МИСОЛИДА

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

16

ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ОИД
ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

18

ГЛОБАЛЛАШУВ

ЯНГИЛАНГАН САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА АМАЛИЁТИ:
ТАЖРИБА ВА ТАРАҚҚИЁТ

МУҲИМ МАВЗУ

20

ОНАЛИК ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАСИНИНГ
НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

22

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

ҚЎРИҚЛАШ ШАРТНОМАСИНИНГ ТУРЛАРИ ВА
УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ТАЛҚИН

25

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДНИНГ ШАКЛЛАНИШ
ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

26

СУДЬЯ МИНБАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДА СУД ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ
ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ КЕНГ ЖОРИЙ ҚИЛИШ

27

ОИЛАВИЙ НИЗОЛАРДА БОЛАЛАР
МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ:
СУД АМАЛИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

28

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА
БАРЧАМИЗ БИРДЕК МАСЪУЛМИЗ
СУДЛАРДА ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙ МУҲИТ
ШАКЛЛАНМОҚДА

29

“ЎЗБЕКИСТОН 2030” СТРАТЕГИЯСИДА
СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ
АЛОҲИДА ХУСУСИЯТЛАРИ

30

ЕРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ – ДАВР ТАЛАБИ

ТАДҚИҚОТ

31

СУДЛАР ФАОЛИЯТИГА АҲБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

32

АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА
ПРОКУРОР НАЗОРАТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

34

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА
ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШНИНГ
КРИМИНАЛИСТИК ТАВСИФИ

36

ТЕРГОВ ЁКИ СУД ИШЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШГА
АРАЛАШИШ

38

ҲУҚУҚНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ:
НАЗАРИЙ АСОСЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

40

УЙ ҚАМОФИ ТАРЗИДАГИ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИ:
МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА
РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

42

ҲАРБИЙ СУДЛАРДА МАЪМУРИЙ-
ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ НИЗОЛАР:
ҚОНУНЧИЛИК ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

43

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДАГИ ПРОЦЕССУАЛ
ЧИҚИМЛАРНИ ҚОПЛАШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

44

“ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН
ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ
БИЛАН УЙГУНЛАШУВИ

45

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК
СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҚОНУНИЙ
КАФОЛАТЛАРИ

46

ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА
ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАРНИ
ЭГАСИЗЛАНТИРИШ ТАРТИБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

47

ПРОЦЕСС

ПОДХОДЫ К РЕГУЛИРОВАНИЮ
МИКРОФИНАНСОВОГО (ПОТРЕБИТЕЛЬСКОГО)
КРЕДИТОВАНИЯ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ В РЕСПУБЛИКЕ
УЗБЕКИСТАН И РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ

МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА

52

ПОНЯТИЙНЫЙ АНАЛИЗ ОХРАНЫ ТРУДА И
НЕСЧАСТНЫХ СЛУЧАЕВ НА ПРОИЗВОДСТВЕ:
ПОДХОДЫ В ПРАВОВОЙ НАУКЕ

54

ВАЖНАЯ ТЕМА

ОБЩЕСТВЕННЫЙ КОНТРОЛЬ ОРГАНОВ
САМОУПРАВЛЕНИЯ ГРАЖДАН В
ПРОТИВОДЕЙСТВИИ КОРРУПЦИИ

ТЕМА ДНЯ

58

ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОШЛИНА-КАК ОДНА ИЗ
СОСТАВЛЯЮЩИХ БЮДЖЕТА ГОСУДАРСТВА

59

IMPORTANT TOPIC

ISSUES OF RECOGNITION AND ENFORCEMENT OF
DECISIONS OF FOREIGN COURTS AND ARBITRAL
TRIBUNALS BY ECONOMIC COURTS IN THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ANALYSIS

62

LEGAL ASPECTS OF INHERITANCE REGISTRATION
BASED ON A WILL

СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АННОТАЦИЯ: мақолада суд ишларини юритишда сунъий интеллектни қўллашнинг ҳолати, уни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари, сунъий интеллектнинг фойдали жиҳатлари, Ўзбекистонда сунъий интеллектдан суд ишларини юритиш соҳасидаги ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалалари ва сунъий интеллектни суд тизимида қўллаш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ёритилиб, “Суд ишларини юритишда сунъий интеллектдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг мазмун ва таркибий қисмлари бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: суд ишларини юритиш, сунъий интеллект, ҳуқуқий асос, сунъий интеллектнинг ҳуқуқий мақоми, хорижий тажриба, ҳуқуқий меъёр.

Ўзбекистонда сунъий интеллектдан суд ишларини юритишда фойдаланиш масаласи ҳали ҳуқуқий асосга эга эмас. Ҳозирча айрим идораларда судьяларга кўмакчи сифатида рақамли ёрдамчилардан фойдаланиш тажриба тариқасида синовдан ўтказилмоқда, аммо улар мустақил қарор қабул қилмайди.

Турли хорижий давлатларда сунъий интеллектни суд тизимида қўллаш бўйича қуйидаги тажрибалар мавжуд:

Хитой Халқ Республикасида “Ақлли суд” тизими йўлга қўйилган бўлиб, у суд ишларини таҳлил қилади ва суд қабул қиладиган қарорлар бўйича тавсиялар тайёрлайди. Эстонияда майда фуқаролик даъволарини кўриб чиқиш учун “робот-судья” синовдан ўтказилмоқда. АҚШда алгоритмлар суд амалиётини таҳлил қилиб, эҳтимолий қарорларни прогноз қилади. Францияда суд қарорларини таҳлил қилиш учун автоматлаштирилган тизимлар жорий этилган, аммо қарор қабул қилишда чекловлар ўрнатилган.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин ва бу мисоллар сунъий интеллектни қонунчилик асосида тартибга солиш орқали унинг суд тизими самарадорлигини оширишда муҳим восита бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Халқаро тадқиқотлардан олинган маълумотларга қараганда, 75 фоиз судьялар сунъий интеллект суд ишларини тезлаштиришга ёрдам бериши мумкин деб ҳисоблайди, 60 фоиз адвокатлар сунъий интеллект қарорларининг шаффофлиги борасида хавотир билдирган, 80 фоиз фуқаролар сунъий интеллектдан фойдаланишни қўллаб-қувватлайди, лекин қарорларни қайта кўриб чиқиш имконияти бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Бу каби сўров натижалари ҳам сунъий интеллектни тартибга солувчи аниқ ҳуқуқий механизмлар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Судда иш кўриш жараёнида сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш бўйича судьялар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровлар қуйидаги натижаларни кўрсатган: 55 фоиз судья сунъий интеллект фақат ёрдамчи функцияни бажариши керак деб ҳисоблайди, 30 фоиз судья эса сунъий интеллект оддий ишлар бўйича қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлиши мумкин деб ўйлайди, 15 фоиз сунъий интеллект суд ишларида қўлланишига мутлақ қарши.

Бу каби сўров натижалари сунъий интеллектни суд тизимида босқич-ма-босқич ва қатъий ҳуқуқий назорат остида жорий этиш зарурлигини кўрсатади.

Судда иш кўриш жараёнида сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифларга тўхталадиган бўлсак, сунъий интеллектнинг суд тизимидаги мақоми ва қўллаш чегараларини белгиладиган норматив-ҳуқуқий ҳуж-

жатлар ишлаб чиқишга зарурат мавжуд. Шу ўринда қонун лойиҳасида қуйидаги талаблар бўлиши лозим:

- сунъий интеллект алгоритмларининг шаффофлиги, тушунарлилиги ва текширувга очиқлиги бўйича талабларни жорий этиш;
- суд органлари учун сунъий интеллект дастурларини сертификатлаштириш ва аудит тизимини яратиш;
- сунъий интеллект иштирокида қабул қилинган қарорларни қайта кўриб чиқиш механизмларини ишлаб чиқиш;
- фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига тааллуқли ишлар бўйича сунъий интеллект қўлланилишини чеклаш;
- судьялар учун сунъий интеллект билан ишлаш бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этиш.

Шу ўринда судьялар ва суд аппарати ходимларининг рақамли саводхонлиги ва малакасини доимий ошириб бориш ҳам муҳим саналади. Бинобарин, ЮНЕСКО томонидан ўтказилган сўнгги сўровнома бу борада ташвишланарли тенденцияни аниқлади.

Унга кўра, судьялар, прокурорлар ва адвокатлар каби суд операторларининг 44 фоизи фаолиятида ChatGPT каби сунъий интеллект воситаларидан фойдаланмоқда. Бирок, уларнинг атиги 9 фоизи институционал тайёргарлик ёки расмий кўрсатмаларга эга.

96 та давлатдан судьялар иштирок этган ушбу сўров натижалари суд тизимидаги жиддий фарқни кўрсатиб, муҳим этик ва ҳуқуқий муаммоларни юзага келтирмоқда.

Сўров натижаларига биноан, иштирокчиларнинг 93 фоизи сунъий интеллект технологиялари – ChatGPT, Google Bard ва Bing Chat каби воситалар билан таниш. Улардан 44 фоизи эса ушбу технологияларни фаол равишда қуйидаги вазифалар учун ишлатмоқда: матнларни қисқартириш, электрон хатлар ёзиш, ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ва юридик тадқиқотлар ўтказиш. Бундай юқори даражадаги фойдаланиш суд тизимларида сунъий интеллектга бўлган тобелик ортиб бораётганини кўрсатади.

Сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича расмий йўриқномалар ва тайёргарлик дастурларининг жиддий етишмовчилиги кузатилмоқда.

Суд тизими ходимларининг атиги 9 фоизи ушбу технологиядан фойдаланиш бўйича ташкилотлар томонидан махсус йўриқномалар ёки ўқув курслари ташкил этилганини маълум қилган. Мазкур етишмовчилик сунъий интеллектдан жавобгарликни ҳис қилган ҳолда ҳамда этикага мос равишда фойдаланишга тўсқинлик қилади. Бирок, айрим давлатлар, масалан, Янги Зеландия ва Буюк Британия ушбу соҳада олдинга қадам ташлаб, конфиденциаллик, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, мутаассибликка қарши огоҳлик, ҳисобдорлик, маълумотларнинг аниқлиги ва хавфсизлиги каби концепцияларни ўз ичига олган йўриқномаларни ишлаб чиққан.

Сўровда қатнашган суд ходимларининг аксарияти (92%) сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича мажбурий тартибга солиш ва ўқитиш зарурлигини қўллаб-қувватлаганлар. Бу талабга жавобан ЮНЕСКО суд ва трибуналларда сунъий интеллект тизимларидан фойдаланиш бўйича махсус йўриқномаларни ишлаб чиқмоқда. Ушбу ҳужжатлар ЮНЕСКО-нинг сунъий интеллект этикаси бўйича тавсиялари асосида ишлаб чиқилиб, сунъий интеллект технологиялари суд жараёнларида адолат, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигига мос равишда жорий этилишини таъминлашга қаратилган.

Суд тизимларида сунъий интеллектдан масъулиятли ва ахлоқий нормаларга амал қилган ҳолда фойдаланишни таъминлаш учун тизимли йўриқномалар ва тайёргарлик дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш бўйича тезкор чоралар кўриш ўта долзарб масала ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, "Суд ишларини юритишда сунъий интеллектдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг мазмуни ва таркибий қисмлари бўйича таклифларимизни илгари сурамиз.

Жумладан, унда қуйидаги асосий тамойиллар назарда тутилиши керак:

1) Қонунийлик ва жавобгарлик. Унга кўра, сунъий интеллект тизимлари ҳуқуқий нормалар доирасида фаолият юритиши, сунъий интеллектдан фойдаланишда масъулият аниқ белгиланиши лозим.

2) Шаффофлик. Сунъий интеллект орқали қабул қилинган қарорлар тушунарли бўлиши, инсон назорати ва шикоят қилиш механизмлари мавжуд бўлиши керак.

3) Камситишларга йўл қўйилмаслик. Сунъий интеллект воситалари бир қилипга тушиб қолмаслиги ва инсонларни камситиш ҳолатларининг олдини олиш учун ишлаб чиқирилиши ҳамда мунтазам назорат қилиниши шарт.

4) Хавфсизлик ва махфийлик. Сунъий интеллектдан фойдаланишда маълумотларни ҳимоя қилишга оид қонунчиликка риоя қилиш, шахсий маълумотларнинг махфийлиги ва ҳимоясини таъминлаш зарур.

5) Инсон назорати. Судьялар ва ҳуқуқшунослар сунъий интеллект тизимлари устидан тўлиқ назорат ўрнатиши, сунъий интеллект фақат ёрдамчи восита сифатида ишлатилиши керак.

Қонунни қўллаш доираси суд ишларини юритиш, ҳуқуқий тадқиқот ва процессуал ёрдам кўрсатишда сунъий интеллектдан фойдаланишни қамраб олади. Шунингдек, сунъий интеллект асосида суд ҳукмларини таҳлил қилиш ва тавсиялар бериш, автоматлаштирилган ҳужжатлар билан ишлаш ва ишларни таснифлаш, судларда сунъий интеллектдан фойдаланиш этикаси бўйича қоида мазкур қонунни қўллаш доирасига қиради.

Қонун лойиҳасида "Умумий қоидалар" деб номланган модда мавжуд бўлиб, унда ушбу қонун суд ишларида сунъий интеллектдан фойдаланиш ва жорий этишни тартибга солиши, сунъий интеллект тизимлари судьялар ва ҳуқуқшуносларга судда ишларни юритиш ва процессуал қарорлар қабул қилишда ёрдамчи восита сифатида хизмат қилиши, бироқ сунъий интеллектнинг қарор қабул қилишига йўл қўйилмаслиги каби муҳим қоида мустаҳкамлаб қўйилиши лозим.

"Ҳуқуқий ва ахлоқий талаблар" деб номланган 2-моддада суд жараёнларида қўлланиладиган сунъий интеллект тизимлари миллий ва халқаро ҳуқуқий меъёрларга мос бўлиши лозимлиги, ахлоқий меъёрлар, жумладан, адолат, жавобгарлик ва шаффофлик, сунъий интеллектнинг ишлаб чиқирилиши ва жорий этилишида инobatта олиниши кераклиги белгилаб қўйилиши шарт.

Шунингдек, мазкур моддада сунъий интеллект орқали қабул қилинган қарорлар ёрдамида тақдим этилган тавсиялар асосли ва тушу-

нарли бўлиши кераклиги, судья эса якуний қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлиши ўз ифодасини топади.

"Шаффофлик ва тушунарлилик" деб номланган 3-моддада сунъий интеллект томонидан тавсия этилган қарорлар судьялар ва суд жараёнида иштирок этувчи томонлар учун очиқ ва тушунарли бўлиши шартлиги, сунъий интеллект ёрдамида қабул қилинган қарордан жабрланган ҳар қандай шахс ушбу қарорни инсон томонидан қайта кўриб чиқирилиши талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши назарда тутилади.

"Маълумотларни ҳимоя қилиш ва хавфсизлик" номли 4-моддада суд жараёнларида сунъий интеллект тизимлари миллий маълумотларни ҳимоя қилишга доир қонунчиликка риоя қилиши ва иш материалларининг махфийлиги таъминланиши кераклиги белгиланади.

Сунъий интеллект жараёнлари бузилишини олдини олиш учун хавфсизлик протоколлари ишлаб чиқирилиши ва қўлланилиши лозим.

"Камситишга йўл қўйилмаслик ва адолатлилик" деб номланган 5-моддада сунъий интеллектнинг суд жараёнларида қўлланилиши дискриминация ва оғиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида мунтазам назорат қилиб борилиши, сунъий интеллект тизимларининг ҳолислиги ва адолатчилигини баҳолаш учун мунтазам аудит ўтказилиши шартлиги мустаҳкамлаб қўйилади.

"Инсон назорати ва масъулият" номли 6-моддада эса сунъий интеллект фақат маслаҳат воситаси сифатида ишлайди, якуний қарор инсон томонидан қабул қилиниши шартлиги, суд органлари сунъий интеллектдан фойдаланиш жараёнини назорат қилиш ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилиш учун назорат органларини ташкил этиши кераклиги баён этилади.

"Жорий этиш ва мониторинг" деб номланган 7-моддада суд жараёнларида сунъий интеллектдан фойдаланишни назорат қилиш учун махсус тартибга солувчи орган ташкил этилиши, сунъий интеллектдан фойдаланувчи суд органлари унинг самарадорлиги ва таъсири бўйича мунтазам равишда ҳисобот тақдим этиши лозимлиги белгиланади.

Якуний қоидалар (8-модда)да эса ушбу қонунни қўллаш қўлини сана-си кўрсатилади. Шу ўринда суд органлари сунъий интеллект сиёсатини жорий этиш ва зарур ҳимоя чораларини кўриш учун муайян муддатга эга бўлишлари талаб этилади.

Масъул тартибга солувчи орган судларда сунъий интеллектдан фойдаланишнинг техник ва амалий талаблари бўйича қўшимча кўрсатмалар чиқариш ваколатига эга бўлиши ҳам ушбу қонунда кўрсатилиши лозим.

Мазкур қонунни қабул қилиш суд жараёнларига сунъий интеллектни тартибли ва хавфсиз жорий этишга ёрдам беради, шу билан бирга, асосий ҳуқуқий тамойиллар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

Йўлдошали АБДУФАТТОВ,

Фаргона вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мамасиддиқов М.М. Илмий фаолиятда сунъий интеллект имкониятлари. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг "Ҳуқуқ" газетаси, 2025 йил 9 январь 2-сон.
2. Мамасиддиқов М.М., Тиллабасов М.А., О.Окюлов. Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва бу соҳадаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. Монография. -Тошкент, "Noshirlik yog'dusi" нашриёти, 2017 йил.
3. Искусственный интеллект сквозь призму права. Интервью с академиком Талией Хабриевой. Информация взята с портала "Научная Россия" (<https://scientificrussia.ru/>) <https://scientificrussia.ru/articles/iskusstvennyj-intellekt-skvoz-prizmu-prava-intervyu-s-akademikom-taliej-habrievoj>
4. ЮНЕСКО тадқиқоти суд операторлари ўртасида сунъий интеллектни ўқитишдаги муҳим камчиликларни аниқлади. <https://www.unesco.org/en/articles/unesco-survey-uncovers-critical-gaps-ai-training-among-judicial-operators-0>

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОВУҚ ҚУРОЛ ЁКИ БОШҚА АШЁЛАР ЁРДАМИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН АЙРИМ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

Бугунги кунда фуқаролар, айниқса, ёшлар орасида совуқ қурол ва бошқа ашёларни қурол сифатида олиб юриш, ўзаро жанжал вақтида уларни қўллаш билан қўрқитиш ёки амалда фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолатлари кўпайган.

Жумладан, баданга ўртача оғир, оғир тан жароҳати етказиш ва безорилик жиноятлари таҳлил қилинганда, 2020 йилда судлар томонидан 1 880 нафар (2024 йилда 2 780 нафар) шахс баданга ўртача оғир ва оғир тан жароҳати етказиш жиноятлари учун судланган бўлса, безорилик жинояти содир этганлиги учун 2020 йилда 1 448 нафар (2024 йилда 3 223 нафар) шахс судланган. Бу кўрсаткичлар ушбу тоифадаги жиноятлар сони охириги йилларда ошганлигидан далолат бермоқда.

Ўз навбатида, 2020 йилда 499 нафар вояга етмаганлар судланган бўлса, 2024 йилда ушбу кўрсаткич 2 214 тани ташкил қилиб, 2024 йилда судланган вояга етмаганлар сони 2020 йилга нисбатан бир неча баравар ортганлигини кўриши мумкин.

Шунингдек, судлар томонидан 2020 йилда 426 717 нафар шахсга нисбатан 341 469 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар кўрилган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 740 994 нафар шахсга нисбатан 613 142 та ишни ташкил қилиб, 2024 йилда кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар сони ҳам 2020 йилга нисбатан ошганлигини кўрсатмоқда.

Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар орасида жамоат жойларида алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш, енгил тан жароҳати етказиш, майда безорилик, совуқ қурол ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни олиб юриш каби маъмурий ҳуқуқбузарликлар кўпайганлиги ташвишли ҳолатдир.

Бундай статистика соғлом фикрли ҳар бир инсонни ташвишга солади. Бир ўйлаб кўринг, агар одамлар ёнида олиб юрган бу ашёлар руҳий носоғлом ёки жиноятга мойил шахслар қўлига тушиб қолса, анчагина кўнгилсиз воқеаларга олиб келиши мумкин. Айниқса, ёшлар томонидан ёнида пичоқ, ўткир тигли жисмлар олиб юриши оқибатида содир бўлган ҳуқуқбузарликлар кишини ўйлантирмай қолмайди.

Кўп ҳолларда ёшлар арзимаган сабаблар билан жанжаллашиб, ўртадаги муносабатларни совуқ қурол ёрдамида ҳал қилишлари — бу маънавий таназзул ва фарзандлар тарбиясига етарли эътибор бермаслик фожиасидир. Энг ачинарлиси, ушбу ҳолатларнинг аксарияти танишлар, қариндошлар орасида содир бўлаётганидир.

МЖТКнинг 14-моддасига кўра, мазкур Кодекснинг 183, 185²-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик ўн олти ёшдан бошланади.

Совуқ қурол ёки совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёларни олиб юриш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни айниқса ёшлар орасида камайтириш мақсадида 2020 йил 5 ноябрдаги ЎРҚ-645-сонли қонун билан амалдаги Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодексига янги 185² ва 185³-моддалар киритилди.

Ушбу кодекс 185²-моддасининг биринчи қисмида фуқаролар томонидан жамоат жойларида, касбий ёки спорт фаолиятида ёхуд хўжалик-маиший мақсадларда совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни очиқ ҳолда, гилофсиз олиб юрганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан — бир бараваригача миқдорда жарима жазоси белгиланди.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида касбий фаолиятда, спорт фаолиятида ёки хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда, фуқаровий қуролни, совуқ қуролни ва совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган, спорт ва хўжалик-маиший мақсадлар учун мўлжалланган ашёларни жамоат жойларида олиб юрганлик учун ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан — беш бараваригача миқдорда жарима жазоси белгиланди.

Шунингдек, МЖТКнинг 185³-моддаси билан Ўзбекистон ҳудудида фуқаровий ва хизмат қуроли сифатида муомалада бўлиши тақиқланган ашёларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши тақиқланди.

Бироқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига юқоридаги янги моддалар киритилгани билан совуқ қурол ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни жамоат жойларида олиб юриш ҳолатлари камайиш ўрнига, сўнгги йилларда бир неча баравар ошганлиги кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, амалдаги Кодексларни қайтадан ислоҳ қилишни талаб қилмоқда.

Айниқса, вояга етмаганларга нисбатан МЖТКнинг 185²-моддаси билан боғлиқ ишлар кўрилиб, маъмурий жарима жазоси тайинланган бўлишига қарамасдан, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликлар камайиш ўрнига такроран содир этиш ҳолатлари учрамоқда. Назаримизда, бунинг асосий сабабларидан бири — мазкур модда санкциясида фақат жарима жазоси белгилангани ва унинг миқдори шахсни қайта тарбиялаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилишини олдини олишга хизмат қиладиган даражада таъсирчан эмаслигидадир. Натижада, судлар томонидан вояга етмаганларга дастлабки ҳуқуқбузарлик учун тайинланган маъмурий жарима жазоси ижро қилинмасдан такроран жарима берилиши ортидан суд қарорларини жаримага оид ундирувнинг кўпайишига ва уларни ундиришдаги муаммолар юзага келишига ҳамда жазо таъсирчанлигини камайишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Шунга кўра, амалдаги МЖТКнинг 185²-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали, мазкур модда биринчи ва иккинчи қисмларининг санкциясида ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, жарима миқдорини ошириш ва маъмурий қамоқ жазосини киритиш ҳамда ушбу моддани янги учинчи қисм билан тўлдириб, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган тақдирда – ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, жарима солишни белгилаш билан бир қаторда маъмурий қамоққа олиш жазоси киритиш орқали жавобгарлик кучайтирилса, ўйлаймизки, совуқ қурол ёки совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёларни жамоат жойларида олиб юриш ҳолатлари кескин камайган бўларди.

Шунингдек, вояга етмаган болалар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда уларнинг ота-онаси ёки ўрнини босувчи шахсни маъмурий жавобгарлик масаласи МЖТКнинг 47-моддасида белгиланган бўлсада, бироқ, вояга етмаган болаларни маъмурий ҳуқуқбузарликка қараганда ижтимоий хавфлилиги юқори бўлган, яъни жиноят содир этганлиги учун уларнинг ота-оналари ёки ўрнини босувчи шахсларнинг жавобгарлик масаласи кодексда белгиланган.

Шунга кўра, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг вояга етмаган болаларга тарбия ва таълим беришдаги масъулиятини янада ошириш мақсадида, амалдаги МЖТКнинг 47-моддаси биринчи қисмининг диспозициясини “ёки жиноят” деган сўзлар билан тўлдирган ҳолда ушбу модданинг биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда юритиш таклиф этилмоқда, хусусан:

“Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этишига олиб келиши”.

Ўйлаймизки, ушбу ўзгартириш киритилган тақдирда ота-оналарнинг фарзандлари тарбияси ва кунлик назорат қилишга бўлган эътиборининг ортишига ҳамда пировард мақсадда вояга етмаган болалар томонидан келгусида ҳуқуқбузарликларнинг камроқ содир этилишига хизмат қилади.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик масаласи алоҳида бўлим ёки боб билан тартибга солинмаган бўлиб, уларнинг жавобгарлик масаласи фақат МЖТКнинг 14-моддаси билан қисман қамраб олинган, холос.

Масалан, Қозоғистон Республикаси МЖТКда вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик масаласи алоҳида боб билан тартибга солинган бўлиб, ушбу бобда вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги, маъмурий жазо чораларни қўллашнинг хусусиятлари, маъмурий жазо чораларини қўллаш, маъмурий жавобгарлик ва жазодан озод этиш, тарбиявий таъсир чораларини қўллаш, уларнинг мазмунини, жавобгарлик ва жазони ижро этиш муддатлари ҳамда маъмурий жазо қўлланиш

муддатлари назарда тутилган бўлиб, вояга етмаганларнинг жавобгарлик масаласи тўлиқ тартибга солинган. Жумладан, Қозоғистон Республикаси МЖТКга кўра, вояга етмаганларга қонунни тушунтириш каби тарбиявий таъсир чораси қўлланилиши мумкинлиги белгиланган бўлиб, ушбу таъсир чорасини қўллашдан мақсад вояга етмаганларга қонунларни тушунтириш орқали уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш билан келгусида ҳуқуқбузарликлар содир этилиш ҳолатларини камайитиришга ҳам қаратилган десак муболаға бўлмайди. Маълумки, вояга етмаганларга фақат жазо қўллаш орқали ҳуқуқбузарликларни камайитириб бўлмайди, уни камайитиришнинг энг самарали йўли эса – бу қонунлар мазмунини тушунтириш орқали тарбиялашдир.

Шу нуқтаи назардан, бошқа хорижий давлатларнинг бу борадаги қонунчилигининг ижобий ва самарали томонларини ўрганиб амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга вояга етмаганларнинг жавобгарлигига бағишланган алоҳида боб киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Келгусида фуқаролар, айниқса, ёшлар томонидан жиноятларнинг содир этилишини камайитириш — биз таҳлил қилаётган мавзунинг асосий мақсади ҳисобланиб, ушбу ашёларни қўллаб қасддан баданга шикаст етказиш билан боғлиқ жиноятлар учун судлар томонидан жазо тайинлашда инобатга олинadиган ҳолатлар доирасини кенгайтириш масаласини кўриб чиқиш лозим бўлади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига кўра, суд жазо тайинлашда ушбу моддада назарда тутилмаган ҳолатларни оғирлаштирувчи вазият деб топиши мумкин эмаслиги, ушбу ҳолатлар Кодекс Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмаслиги белгилаб қўйилган.

Амалдаги жиноят кодексига, қурол, совуқ қурол ёки совуқ қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ашёларни ишлатиб жиноят содир этилиши Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида зарурий белги сифатида ҳар доим ҳам назарда тутилмаган.

Қурол, совуқ қурол ёки бошқа ашёлар оғирлаштирувчи ҳолатлар қаторига киритилмаганлиги сабабли судлар томонидан ушбу ашёлардан фойдаланиб жиноят содир этган шахсларга, шу жумладан вояга етмаганларга жазо тайинлашда инобатга олинмаяпти.

Шу сабабли, Жиноят Кодексининг 56-моддасига оғирлаштирувчи ҳолат сифатида “п” бандни киритиб, уни қуролни, совуқ қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб жиноят содир этиш деб юритиб, келгусида қурол, совуқ қурол ёки совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган жиноят моддада жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилмаган бўлса, оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этиш мумкин бўлади. Бу банднинг киритилиши шахснинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришда, оғирроқ жазо тури ва миқдорини белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

Тергов ва суд амалиётида совуқ қурол ёки совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёларни қўл-

лаб содир этиладиган энг кўп жиноятлар сирасига шахсга қарши ҳамда безорилик жиноятлари киради. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104, 105, 109, 126¹, 277-моддаларида юқоридаги ашёларни қўллаб содир этиладиган ушбу жиноятлар бўйича шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилиш ва жазо тайинлашда ҳам бир қатор баҳсли ҳолатлар учрамоқда.

Маълумки, “баданга шикаст етказиш” деганда, инсон органлари ёки организми тўқималари анатомик тўқислиги ёки улар физиологик вазифасининг ташқи таъсир оқибатида бузилиши тушунилади.

Амалдаги Жиноят кодексининг 104-моддаси 2-қисми “л” банди, 105-моддаси 2-қисми “м” банди ва 109-моддаси 2-қисми “в” бандини, 126¹-моддаси 5-қисми “и” банди ва 7-қисми “ж” бандида қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Қурол тўғрисида”ги қонунида совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёга таъриф берилган бўлиб, унга кўра касбий, ишлаб чиқариш ёки спорт фаолиятида ёхуд хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган, саноат усулида ёки қўлбола тарзда ясалган тигли, кесувчи ашёлар (пичоқлар, бигизлар ва бошқа учи ўткирланган санчиладиган, кесувчи ашёлар), жисмоний куч ишлатганда шикаст етказиши мумкин бўлган ашёлар (бейсбол биталари, софтбол ўйини учун биталар) совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашё деб топилади.

Амалиётда шахс баданига шикаст етказиш жиноятларини турли ашёларни (ёғоч, тош, темир ва шу каби тигли, кесувчи бўлмаган) қўллаб содир этиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бироқ, қонунчилик мазмунидан келиб чиқилганда ушбу ашёларни совуқ қурол сифатида фойдаланилиш мумкин бўлган ашё, деб топиб бўлмайди. Ҳатто, суд-криминалистика соҳасидаги экспертлар ҳам айрим турдаги ашёларни совуқ қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ашё деб топиб бўлмаслиги ҳақида фикрлар беришмоқда. Ваҳоланки, ушбу ва бошқа айрим турдаги ашёлар амалда шахснинг соғлигига шикаст етказиши мумкин бўлган ашёлар ҳисобланади.

Ўз навбатида, Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми “в” бандида совуқ қурол ёки кишининг соғлиги учун амалда шикаст етказилиши мумкин бўлган нарсаларни намойиш қилиб, уларни қўллаш билан кўрқитиб ёхуд қўллаб жиноят содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, бу эса, совуқ қурол сифатида фойдаланилиш мумкин бўлган ашё билан кишининг соғлиги учун амалда шикаст етказилиши мумкин бўлган нарсаларни фарқлашда, квалификация қилишда турли чалкашликларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Шу боис Жиноят кодексининг 104-моддаси 2-қисми “л” банди, 105-моддаси 2-қисми “м” банди ва 109-моддаси 2-қисми “в” бандини, 126¹-моддаси 5-қисми “и” банди ва 7-қисми “ж” бандини “қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб ёхуд кишининг соғлиги учун амалда шикаст етказилиши мумкин бўлган нарсаларни қўллаб содир этилган бўлса” деган тахрирда, шунингдек, Жиноят кодексининг 277-моддаси

2-қисми “в” бандини “совуқ қурол ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб ёхуд кишининг соғлиги учун амалда шикаст етказилиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намойиш қилиб, уларни қўллаш билан кўрқитиб ёхуд қўллаб” деган тахрирда ўзгартириш таклиф этилмоқда.

Юқорида айтилгандек, шахсга қарши жиноятларда совуқ қурол ёки совуқ қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ашёларни қўллаб содир этиш ҳолатлари, айниқса вояга етмаганлар орасида кўпайганлиги ва амалиётда юзага келиши мумкин бўлган муаммоли ҳолатларга ечим бериш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорини янги 18¹-банд билан қуйидаги мазмунда тўлдириш таклиф этилмоқда:

“18¹. Судларга тушунтирилсинки, қилмишни ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “л” банди, 105-моддаси 2-қисмининг “м” банди, 109-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан квалификация қилиш учун қуролни, совуқ қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ёхуд кишининг соғлиги учун амалда шикаст етказилиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) қўлланган ҳолда, жабрланувчига нисбатан тан жароҳати етказиш тушунилади.

Судлар жиноят қуролини қурол, совуқ қурол ёки совуқ қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ашё деб топишда Ўзбекистон Республикасининг “Қурол тўғрисида”ги қонунида баён этилган тушунчаларга амал қилишлари лозим. Зарур ҳолларда ушбу масала бўйича қарор қабул қилиш учун суд-криминалистик экспертизаси тайинланиши мумкин.

Шахснинг соғлигига амалда шикаст етказиши мумкин бўлган бошқа нарсалар туркумига айбдор томонидан ўша мақсадларда фойдаланилган ҳар қандай нарсалар киради”.

Юқорида қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида берилган таклифлар авваломбор, келгусида фуқаролар, айниқса, ёшлар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини камайитириш, шахснинг хатти-ҳаракатларини тўғри малакалаш ва жазо тайинлаш масаласида юзага келаётган муаммоли ҳолатлар ва тушунмовчиликларга ечим топишда хизмат қилади.

Санджар ДУСМАНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ўқитувчиси, (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (<https://lex.uz/docs/6445145>).
2. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (<https://www.lex.uz/acts/97664>).
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси (<https://www.lex.uz/acts/111453>).
4. Ўзбекистон Республикасининг “Қурол тўғрисида”ги қонуни (<https://lex.uz/uz/docs/4445288>).
5. - М.И.Пилиякин: Понятие холодного оружия, его видов в современном правовом поле.
6. - Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сон қарори. (<https://lex.uz/docs/1592419>).
7. Судлар фаолияти бўйича статистик маълумотлар: жиноят ишлари бўйича судлар (<https://stat.sud.uz/criminal>).

ТЕНГЛИК ВА ҲУРМАТ: АЁЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ОМИЛИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик, унга қарши кураш, зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш ва барҳам берилиши масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, Янги Зеландия, Канада, Австралия каби давлатларнинг хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳуқуқий тажрибаси таҳлил қилинди ҳамда натижалари ёритилди.

Калит сўзлар: хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, тазйиқ ва зўравонлик, оилавий (маиший) зўравонлик, зўравонликка қарши кураш, Омбудсман, "Оила судьялари", ҳимоя ордери, зўравонлик иштирокчилари реабилитацияси.

ЖССТнинг маълумотига кўра, дунёдаги ҳар учинчи аёлга ўз умр йўлдоши томонидан жисмоний тазйиқ ўтказилади. Тадқиқотларга кўра, тазйиқ ва зўравонлик оқибатида ўлим келиб чиққан ҳолларнинг 38 фоизда унинг турмуш ўртоғи ёки у билан бирга умумий рўзғор асосида яшаётган шахснинг айби бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, 1995 йил 6 майда БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенциясига қўшилган. Шунингдек, Оналикни ҳимоя қилиш, Меҳнат ва касб соҳасидаги камситиш тўғрисидаги конвенциялар ва бошқа халқаро ҳужжатларни ратификация қилган.

Таъкидлаш лозимки, хотин-қизлар ҳуқуқларига эътибор бу билан тўхтаб қолмади. Қисқа давр ичида соҳага доир халқаро стандартларга мос миллий қонунчилик базаси шакллантирилди. Жумладан, сўнгги 5 йилда соҳага оид 80 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. "Хотин-қизлар ва эркаларга тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги муҳим қонунлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари гендер тенглик сиёсатини тўғри йўлга қўйиш ва унинг тўлақонли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида 2030 йилга қадар мўлжалланган Гендер Стратегиясининг қабул қилинганлиги ва уни барча соҳа ва тармоқларга жорий қилиш ишларининг жадаллик билан олиб борилаётганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Шу билан бирга, Президентимиз 2025 йилнинг 9 апрелида Ўзбекистон Республикасининг "Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги Қонунни имзолади. Ушбу қонун билан Оила кодексининг 40-моддасига суд оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахснинг талабига кўра ярашиш учун муҳлат тайинламаслиги ҳақидаги норманинг киритилиши хотин-қизлар ҳуқуқларининг таъминланиши, уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка қарши курашишда муҳим қадам бўлди¹.

Биринчидан, ушбу норманинг киритилиши оилавий зўравонликдан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтиришга, шунингдек, хотин-қизларнинг фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, мазкур норма никоҳдан ажратиш масаласи ўз вақтида ҳал қилинмаслиги оқибатида юзага келиши

мумкин бўлган зўравонликдан жабр кўрган аёлларнинг ўз жонига қасд қилиши, бевақт ўлими каби аянчли оқибатларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

Ўз навбатида, Омбудсман томонидан ҳам зўравонликка дуч келган хотин-қизларнинг мурожаатлари ўрганилиб, ваколат доирасида чоралар кўрилмоқда.

Таҳлилларга кўра, 2024 йил давомида Омбудсман томонидан кўриб чиқилган мурожаатларнинг 409 таси хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик, шахсий ҳаётга аралаштириш ҳамда оилада аёлни таҳқирланиши масаларида келиб тушган. Ушбу мурожаатлар умумий мурожаатларнинг 1,9 фоизини хотин-қизлардан келиб тушган мурожаатларнинг эса 4,3 фоизини ташкил қилди.

Мазкур йўналишдаги энг кўп мурожаатлар Қашқадарё (76) ва Сурхондарё (51) вилоятлари, шунингдек Тошкент шаҳрида (59) яшовчи фуқаролардан келиб тушган.

Шу билан бирга аниқланишича, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик юзасидан қилинган мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатадики, зўравонлик ҳолатларининг катта қисми аёлларнинг турмуш ўртоғи ҳамда унинг оила аъзолари томонидан содир этилган оилавий-маиший зўравонлик ҳолатларидир.

Мурожаатлар ўрганилиши натижасида 8 нафар хотин-қизларга "ҳимоя ордери" берилишида кўмаклашилди. Шу билан бирга, хотин-қизларнинг мурожаатлари асосида Омбудсманнинг прокуратура органлари сўровларига биноан 2 та ҳолатда айбдорга нисбатан ЖКнинг 126¹-моддаси 5-қисми "в" банди, 1 ҳолатда 126¹-моддаси 7-қисми "в" банди, 112-моддаси 1-қисми билан асосан ва яна 1 ҳолатда 126¹-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Айни соҳадаги ишлар, хусусан, аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, аёлларни ҳимоя қилишнинг институционал асосларини такомиллаштириш, гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорликни ошириш каби муҳим йўналишларда ҳукумат томонидан ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга "Ҳимоя ордери" берилиши тартибининг жорий этилганлиги¹, тажриба тариқасида фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар, Наманган туманлараро ва Мирзо Улуғбек туманлараро судларида "Оила судьялари" ташкил этилганлиги² эътиборлидир.

Аммо, ҳимоя ордери олган хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонликнинг давом эттирилаётганлиги, ҳаттоки бундай ҳолатларнинг ўлим билан якунланиши ҳолатлари ҳам учраб турибди. Ушбу ҳолатлар ҳимоя ордери берилиши,

қолаверса хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш ва зўравонликка барҳам берилиши масалаларининг нақадар муҳим эканлигини кўрсатиб турибди.

Шу ўринда, хорижий мамлакатларнинг тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Янги Зеландия қонунчилигига кўра, Оила судлари зўравонликдан ҳимоя қилиш учун зўравонликка учраган шахснинг аризасига кўра ҳимоя ордери (Protection Order) бериш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Агар кўрилатган иш оилавий зўравонлик билан боғлиқ бўлса, судья шахснинг аризасисиз ҳам Ҳимоя ордери берилиши ҳақида қарор қабул қилиши мумкин³.

Агар жабрланувчига дарҳол ҳимоя керак бўлса судья вақтинчалик ҳимоя ордери (Temporary Protection Order) берилиши ҳақида қарор қабул қилади.

Янги Зеландия қонунчилигига кўра, жавобгар томонидан ҳимоя ордери талабларига риоя қилмаслик 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунга ўхшаш норма Канаданинг Алберта провинциясида ҳам мавжуд. Оилавий зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун (Protection Against Family Violence Act²)га кўра оилавий зўравонликдан жабрланган шахс(лар)га Ҳимоя ордери (protection order, emergency protection order, King's Bench protection order) суд томонидан берилади. Қонунга кўра, агар судья ишни кўриш жараёнида оилавий зўравонликни аниқласа, жабрланувчининг аризасисиз ҳам Ҳимоя ордери берилиши ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Ҳимоя ордери қоидаларини 1-марта бузиш 5 000 АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда жарима ёки 90 кунгача озодликдан маҳрум қилиш, 2-марта бузиш 14 кундан 18 ойгача озодликдан маҳрум қилиш, 3-марта ёки кейинги бузишлар 30 кундан 24 ойгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

“Туяқушга ўхшайди баъзи одамлар. Уч десанг туяман дейди, юк таши десанг қушман дейди”.

* * *

“Маънавий тўйинганлик – моддий эҳтиёжларни тияди”.

**Донолар
бисотидан**

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, зўравонликка барҳам бериш масалаларининг мамлакатимизда амалга оширилатган ислохотларнинг муҳим босқичларидан бири эканлигидан келиб чиқиб, қуйидаги масалаларга эътибор қаратилиши лозим:

Биринчидан, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш юзасидан мажбурий ўқув курслари жорий этиш ва ушбу курсларда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ва унинг оқибатлари юзасидан дарс машғулотларини амалга ошириш.

Бунинг учун, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 820-сонли қарори билан тасдиқланган Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказларида машғулотларни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги Низомда (кейинги ўринларда Низом) белгиланган никоҳни қайд этиш учун ариза берган шахсларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказларида ихтиёрий ўқитиш нормасининг мажбурий тартибда ўқитиш нормасига ўзгартирилиши.

Иккинчидан, зўравонлик содир этган шахсларнинг тузалиши юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш.

Қайд этиб ўтиш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва 2020 йил 4 апрелдаги 3-сонли қарори билан тасдиқланган “Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахсларни тузатишнинг намунавий дастури ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу дастурнинг самарадорлиги ёки амалиётда қўлланиши бўйича маълумотлар мавжуд.

Шунга кўра, ушбу тузатиш дастурини такомиллаштириш лозим. Бунда, тузатиш дастурини соҳа мутахассислари иштирокида халқаро тажрибанинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда қайта кўриб чиқиб, уни ўтказишни масъул битта давлат ташкилотига юклаш лозим бўлади.

Янги Зеландияда кўп ҳолларда суд жавобгарни баҳолаш ва зўравонликдан воз кечиш дастурларига (an assessment and a non-violence programme) юборади. Агар жавобгар буни бажармаса 5 000 долларгача жарима ёки 6 ойгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин².

Шунингдек, Австралияда 2022 йил октябр ойида 2022-2032 йилларга мўлжалланган Аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш миллий режаси (National Plan to End Violence against Women and Children 2022-2032) эълон қилинган. Ушбу режа зўравонликнинг олдини олиш, зўравонликка учраш хавфи юқори бўлган шахсларни аниқлаш, зўравонлик қурбони бўлган жабрланувчиларга ёрдам бериш ва зўравонлик қилган шахсларни жавобгарликка тортиш, зўравонлик иштирокчилари реабилитацияси чораларини ўз ичига олади³.

Австралияда зўравонликка қарши кураш мақсадида ташкил қилинган Эркаклар хулқ-атворини ўзгартириш дастурлари (Men's Behavior Change Program (MBCP)) мавжуд. Ушбу дастур эркакларнинг зўравонлик хатти-ҳаракатларини тан олишлари ва зўравонликдан фойдаланишни тўхтатиш стратегияларини ишлаб чиқишлари учун улар билан ишлашга қаратилган.

Дастур доирасида эркакларга психологик ёрдам кўрсатилади ва тренинглар ўтказиш орқали уларга зўравонликдан фойдаланишни тўхтатиш стратегиялари тушунтирилади⁴.

АҚШнинг Иллинойс штатида Зўравонликнинг олдини олиш маркази (Center for prevention of abuse) фаолият олиб боради. Ушбу марказ фақат зўравонликдан жабрланганларга эмас, балки зўравонлик қилган шахсларга ҳам ёрдам беради.

Марказнинг зўравонликни амалга оширган шахсларни салбий ва зарарли хатти-ҳаракатлардан қутулишига ёрдам берадиган дастури (Partner Abuse Intervention Program) орқали зўравонлик иштирокчилари (эркаклар ва аёллар) учун 26 ҳафталик ўқув курсидан иборат.

Ушбу дастур давомида зўравонлик қилган шахсларга ўзлари қилган зўравонликни тан олиш, ўз хатти-ҳаракатлари учун бошқаларни айбламаслик, ҳаракатлари оқибатларини тушуниш, шеригига нисбатан ҳурматни сақлаш, уни қўлаб-қувватлаш, шеригининг шикоятларига нисбатан муносабат билдириш каби кўникмалар орқали зўравонликдан қутулиш ўргатилади.

Кўриниб турибдики, қатор мамлакатларда оилавий зўравонликни камайтириш ва унга қарши кураш фақат жабрланувчиларни эмас, балки зўравонлик қилган шахсларни ҳам реабилитация қилиш, улар билан махсус тренинг ва дастурлар доирасида ишлаш йўлга қўйилган.

Учинчидан, маиший зўравонликнинг кутиб бўлмас ҳолатларида, тезкор реакция қилиш учун мобиль илова ишлаб чиқиш, бунда мобиль иловани қўриқлаш хизматлари дастурига бириктириш тавсия этилади.

Аҳамиятлиси, бу ҳолда бутунлай автоном янги мобиль илова яратилиши ёки ушбу мобиль илова қўриқлаш хизматларининг мавжуд дастурий тизимларига бириктирилиши мумкин.

Мобиль иловада "хавотирли қўнғирок" (тревожный вызов/сигнал) функциясини жорий қилиш орқали, ушбу функциядан фойдаланган маиший зўравонлик жабрланувчиси ёки эҳтимолий жабрланувчиси турар жойи бўйича (геолокация маълумотлари орқали) қўриқлаш хизматлари ходимлари етиб келиши кўзда тутилиши лозим.

Таъкидлаш лозимки, Оила ва хотин қизлар қўмитасининг туманлардаги МФЙларда фаолият олиб бораётган ходимларида мавжуд маълумотлар асосида муаммоли оилалардаги хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини кўзлаган ҳолда ушбу мобиль илованинг улар томонидан юклаб олинишини тарғиб қилиниши ва фойдаланиш учун имконият яратиб берилиши лозим ҳисобланади.

Мобиль илованинг жорий этилиши, келгусида оилаларда маиший зўравонлик ҳолатларини камайтиришга хизмат қилади.

Яна бир ҳолатни эсда тутиш лозимки, маиший зўравонлик ҳолатлари содир этилаётган вақтда жабрланувчи томонидан мавжуд ишонч телефонлари ёки ИИБларга телефон қилиш имконияти бўлмаслиги мумкин ва эҳтимолий жабрланувчига зўравонлик қилиш ҳолати охиригача амалга оширилишига йўл қўйиб берилиши мумкин. Бунинг натижасида эса, зўравонликни бартараф этиш эмас, унинг оқибати билан ишлашга тўғри келади. Мобиль илова ушбу эҳтимолларни бартараф этишга кўмаклашади.

Тўртинчидан, олий таълим муассасалари талабалари учун хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг

олдини олишга қаратилган қисқа курслар ташкил этилиши тавсия этилади.

Буюк Британиянинг Лондон Метрополитан Университетида магистратура босқичи талабалари учун Аёлларга нисбатан зўравонлик: Муаммолар, Тадқиқот ва Сиёсат (Violence Against Women: Issues, Research and Polic) номли қисқа курслар мавжуд. Ушбу курс сиёсатчилар сифатида ишлайдиган ёки маҳаллий, минтақавий ёки миллий даражада зўравонликни бошдан кечирган аёллар ва болалар учун махсус хизматларда ишловчи, шунингдек, ушбу соҳаларда ишлаш ниятида бўлганларга қаратилган⁵.

Австралиянинг Australian National Университетида магистратура босқичи талабалари учун Австралия, Осиё ва Тинч океанида аёлларга нисбатан зўравонлик (Violence Against Women in Australia, Asia and the Pacific) курси мавжуд. Ушбу курс зўравонликнинг хилма-хиллиги, кўлами ва характерини ҳамда сабаблар ҳақидаги назарий тушунтиришларни кўриб чиқади ва Австралия, Осиё ва Тинч океанидаги аёлларга нисбатан зўравонликка алоҳида эътибор қаратган ҳолда индивидуал ва жамоавий зўравонлик ва тажовузни даволаш усуллари таҳлил қилишга асосланган. Курс тўртта асосий ёндашувга – ҳуқуқ, соғлиқни сақлаш, жиноят ва тартибга солиш масалаларига қаратилган⁶.

Шу билан бирга, маиший зўравонлик, хотин-қизларга тазйиқ ишлари билан боғлиқ ишларни кўриб чиқадиган давлат органлари ва ташкилотлари ходимларига соҳанинг етук мутахассислари иштирокида тажриба ва кўникмаларини ошириш учун махсус тренинг дастури ишлаб чиқилиши ва ўтказилиши тавсия қилинади.

Швециянинг Uppsala Университетида Зўравонлик бўйича онлайн курс (Online Course on Violence) ташкил этилган. Курс ўз фаолияти давомида зўравонликка учраган аёллар ва болалар ёки зўравонлик содир этганлар билан учрашадиган мутахассисларнинг малакасини оширишга қаратилган. Мазкур курс ижтимоий хизмат ходимларига мўлжалланган, аммо соғлиқни сақлаш, таълим ёки ҳуқуқ каби бошқа соҳаларда ишлайдиган ходимлар ҳам ушбу курсдан фойдаланишлари мумкин⁷.

**Барно БОБОМУРОВА,
Сухробжон МАМАЖОНОВ,**

*Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили
(омбудсман) Котибияти ходимлари.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www.justice.govt.nz/family/family-violence/court-orders-for-family-violence/protection-orders>
2. <https://www.justice.govt.nz/family/family-violence/court-orders-for-family-violence/protection-orders>
3. <https://www.dss.gov.au/national-plan-end-gender-based-violence/resource/executive-summary-national-plan>
4. <https://dcj.nsw.gov.au/service-providers/supporting-family-domestic-sexual-violence-services/dfv-programs-funding/men-s-behaviour-change-program.html#Practice0>
5. <https://www.londonmet.ac.uk/courses/short/violence-against-women-issues-research-and-policy-short-course>
6. <https://programsandcourses.anu.edu.au/2020/course/reg8007>
7. <https://www.uu.se/en/centre/nck/for-professionals/online-course-on-violence>

ТАДБИРКОР ВА ФУҚАРО МАНФААТЛАРИ: СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Маъмурий одил судлов тизимининг Ўзбекистонда ривожда Президентимизнинг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон фармони, “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-107-сонли қарори ҳамда “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сон фармони асос бўлиб хизмат қилди.

Амалга оширилган ислохотларга кўра, маъмурий судлар ваколатидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш олиб ташлангани, маъмурий судлар умумий юрисдикция судларидан алоҳида тарзда сақлаб қолингани, маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилган 120 мингга яқин ариза ва шикоятларнинг 57 фоизи қаноатлантирилиб, маъмурий судлар зиммасига шикоятларни кўриб чиқишда “фаол иштирок этиш” таъминли асосида низони тўғри ҳал қилиш учун далилларни мустақил йиғиш мажбурияти юклангани, суд қарори ижросини таъминламаган мансабдор шахсларга жарима қўллаш ваколати берилгани, судга тааллуқлилик масаласидаги ўзгаришлар маъмурий одил судлов ривожда жуда катта қадамлар бўлди.

Шундай бўлса-да, бугунги кунда маъмурий судлар фаолиятига илғор хорижий тажрибада ўзини оқлаган институт ва тартибларни кенг қўллаш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ушбу судларнинг ролини ошириш, шу жумладан, давлат органи ҳужжатига ишониб фаолият юритган фуқаро ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини қўшимча равишда кучайтириш зарурати вужудга келмоқда.

Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳамда ишончли ҳимоя этилишини таъминлаш ва маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартлардан келиб чиқиб мазкур соҳани сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш орқали янада такомиллаштириш мақсадида 2025 йил 30 январда Президентимизнинг “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-33-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга кўра, Ўзбекистон Республикасида маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ишончли

ва самарали ҳимоя этилишини устувор равишда таъминлаш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклашда суднинг фаол иштироки принципини қўллаш механизмларини кенгайтириш;

давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш;

маъмурий суд ишларини юритишда низоларни судгача ҳал қилиш механизмларини такомиллаштириш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш орқали аҳолининг суд тизимида бўлган ишончини янада ошириш;

давлат органлари томонидан суд қарорлари ижро этилиши устидан назоратнинг таъсирчан механизмларини тўлиқ жорий этиш;

маъмурий юстиция тизими ривожланган давлатлар тажрибаси асосида маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштириб бориш.

Бугунги кунда маъмурий суд ишларини олиб бориш сифатига жиддий таъсир ўтказаятган айрим муаммолар ечими ҳам Президентимизнинг ПҚ-33-сонли қарори билан келтириб ўтилмоқда. Жумладан, айрим ҳолларда жавобгар томондан иштирок этадиган давлат органи вакили иштирок этмаслиги юзасидан қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган давлат органи мансабдор шахси ёки унинг вакили суд мажлисида мажбурий иштирок этишини таъминлаш; судга мурожаат қилиш муддатларига риоя этилиши, манфаатдор шахс ёки учинчи шахсларнинг тегишлилигига қараб суд процессида иштирокини таъминлашга қаратилган маъмурий суд иш юритувида дастлабки эшитув институтининг жорий этилиши, аризадаги талаблар ва ишдаги далилларга судья томонидан дастлабки ҳуқуқий баҳо (талабларни аниқлаштириш, ишга дахлдор бўлмаган тарафларни алмаштириш, қўшимча жавобгарни жалб қилиш ва бошқалар) берилиш механизмнинг жорий этилиши, маъмурий судга низоларни ҳал этиш жараёнида судга хурматсизлик қилиниши ва суднинг хусусий ажрими

бўйича чоралар кўрмасликка оид ҳуқуқбузарликлар аниқланганда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш ваколатини бериш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар ҳимоясини кучайтиришга қаратилган ишончнинг ҳимоя қилиниши принципини маъмурий суд иш юритувида татбиқ этилишини кенгайтириш кабилар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг вақт ва маблағ билан боғлиқ ортиқча харажатларини қисқартириш мақсадида 2025 йил 1 майдан бошлаб тадбиркорлик субъекти томонидан тан олинган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича солиқ органи томонидан ушбу тадбиркорлик субъектининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тартибини ҳамда 2025 йил 1 июнга қадар назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари тан олган ҳуқуқбузарликлар бўйича молиявий жарималарни қўллаш (бундан солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича жарима қўллаш мустасно)га оид қоидаларни жорий этиш назарда тутилмоқда.

Президент қарори билан маъмурий суд иш юритувида халқаро стандартларга ва илғор хорижий тажрибага мувофиқ оммавий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ўзини оқлаган янги институт ва тартибларни имплементация қилиш юзасидан ишларни давом эттириш, хусусан, суднинг фаол иштироки принципини қўллаш доирасини кенгайтириш, маъмурий суд ишларини юритишда низоларни судгача ҳал қилиш механизмларини янада кенгайтириш, давлат органлари томонидан суд қарорлари ижро этилиши устидан назоратнинг таъсирчан механизмларини такомиллаштириш, суд ишларини юритишда манфаатдор шахс тушунчасининг ҳуқуқий таърифини аниқлаштириш, шахснинг манфаатдорлиги масаласини аризани судга қабул қилиш жараёнида ҳал этиш тартибини жорий этиш, судга мурожаат этиш муддатларини маъмурий даъво турларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш, айрим турдаги низолар (масалан, ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаб) бўйича судга мурожаат қилишнинг махсус муддатларини белгилаш, маъмурий судларга жамоавий аризалар бериш тартиби ва асосларини белгилаш, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар билан бир қаторда унга сабабий боғланишда бўлган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги талабнинг маъмурий суд томонидан кўрилишига оид нормаларни ривожлантириш, маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокига оид нормаларни халқаро стандартлардан келиб чиқиб такомиллаштириш ҳам назарда тутилмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, совет даври маъмурий юстициясининг таъсири сифатида мамлакатимизда бугунга қадар маъмурий одил судлов сифатига салбий таъсир кўрсатаётган жид-

дий омиллардан бири сифатида маъмурий даъво ва маъмурий акт институтларининг тан олинмаётгани муаммосига ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-33-сонли қарори билан ечим таклиф қилинмоқда. Жумладан, маъмурий суд ишларини юритишга маъмурий даъво институтини киритиб, даъво турларини аниқ белгилаш (ҳақиқий эмас деб топиш, бекор қилиш, маъмурий ҳужжатни қабул қилиш мажбуриятини юклаш, муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажаришдан тийилиш мажбуриятини юклаш, тан олиш ҳақидаги даъволар), даъво турлари бўйича маъмурий иш юритишнинг алоҳида тартиблари, жумладан, мурожаат қилувчи шахслар доираси, мурожаат қилиш муддатлари, исботлаш мажбуриятлари, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ва уларни ижро этишнинг процессуал қоидаларини белгилаш, маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорига оид қоидаларда халқаро стандартлардан келиб чиқиб, маъмурий акт концепцияси қоидаларини қўллаш амалиётини жорий этиш мамлакатимиз қонунчилигига илк мартаба киритилмоқда, деб айтишимиз мумкин.

Бу ўз навбатида аризачи бўлмиш фуқаро ва тадбиркорлик субъектини шунчаки шикоят қилувчи мақомидан судга даъво қилиш орқали давлат органидан муайян муаммо ечимини талаб қилиш мақомига ўтишини таъминлаб берадиган концептуал ўзгариш бўлиб ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этишга қаратилган давлат раҳбарининг юқорида қайд этилган қарорининг қабул қилиниши давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичларига эришиш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш орқали аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш, оммавий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қилувчи қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллизияларни бартараф этиш, маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш, одил судловга оид халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатимиз ўрнини яхшилашга имкон беради.

Жўрабек НЕМАТОВ,

*Тошкент давлат юридик университети профессори,
юридик фанлар доктори.*

ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИГА ДОИР АЙРИМ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР: ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ МИСОЛИДА

АННОТАЦИЯ: мақолада юридик шахсларнинг жавобгарлигига доир айрим фикр мулоҳазалар, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни ва соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида унинг мазмун-моҳияти таҳлил қилинган ҳамда ўрганилган.

Калит сўзлар: жавобгарлик, юридик шахс, фермер хўжалиги, фермер хўжаликлари мажбуриятлари бўйича жавобгарлик, ҳуқуқ нормалари, суд амалиёти материаллари, мол-мулк, хўжалик юритувчи субъектлар, соҳавий қонунчилик, шартнома.

Юридик адабиётларда “жавобгарлик” масаласи фуқаролик қонунчилигида мураккаблиги билан ажралиб туради ва кўплаб суд ҳуқуқ соҳаларида ҳам учрайди. Ҳолбуки, жавобгарлик масаласи ҳуқуқ соҳалари учун муайян умумийликка эга бўлса-да, ҳар бир ҳуқуқ соҳасида турлича талқин этилишини кузатиш мумкин. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинишини айтиб ўтиш лозим. Айниқса, улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг қонун асосида тартибга солиниши ва иштирокчиларнинг қонун нормаларини бузганлиги учун жавобгарлигини алоҳида қайд этиш керак. Хусусан, фермер хўжаликлари ҳам қонунда белгиланган ҳуқуқлардан ташқари, бир қатор мажбуриятларга эга. Шунга кўра, фермер хўжалиги тадбиркорлик субъекти сифатида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишда шартномавий муносабатларга киришади ва ўз зиммасига қонунда назарда тутилган мажбуриятларни олади. Аслида, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар каби фермер хўжаликлари ҳам ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлик учун жавобгар бўлиши Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (ФК, 48-модда) ва “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддаси (“Фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича жавобгарлик”) билан тартибга солинишини таъкидлаб ўтиш лозим.

Қолаверса, суд амалиётида мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги оқибатида бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича манфаатдор шахслар томонидан киритилган даъволар кўпчиликти ташкил қилишини кузатиш мумкин. Масалан, суд амалиёти материалларига кўра, Шеробод туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг даъвогар – Шеробод туманидаги “AKMAL OLTIN-DONI” фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, Шеробод туманларо иқтисодий суди жавобгар Шеробод туманидаги “BARAKALI DUNYO-M EKSPORTI” масъулияти чекланган жамиятидан 84 045 813 сўм асосий қарз ва 41 014 356 сўм пеня ундириш тўғрисида 2022 йил 3 мартда 4-1902-2201/187-сонли иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилган бўлиб, даъво аризаси қисман қаноатлантирилган¹. Ишнинг мазмунига кўра, жавобгар шартнома шартларини лозим даражада бажармаганлиги оқибатида даъвогарнинг асосий қарз ва пеняни ундиришига сабаб бўлган. Натижада, суд даъвои қаноатлантириб, асосий қарзни ундириш билан, мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш усулларида ҳисобланган неустойканинг пеня шаклини кўзлаб, даъвогарнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаган.

Таҳлил этилган суд ҳужжатларидан шундай хулосага келиш мумкинки, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари қонунчиликда алоҳида белгилаб қўйилиши муҳим аҳамиятга эга.

Биринчидан, тарафлар зиммасидаги мажбуриятларни лозим даражада ва ўз вақтида бажаришини таъминлаш учун хизмат қилади. Натижада мажбурият муносабатларига киришган фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини талаб даражасида таъминланишига олиб келади;

иккинчидан, асосий мажбуриятни лозим даражада ва ўз вақтида бажармаслик тараф зиммасига қўшимча мажбурият юкланишига олиб

келади. Бу ҳолат тараф молиявий аҳволининг ёмонлашувида олиб келиши ва ишчанлик обрўсига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шунинг учун ҳам Фуқаролик кодексининг 324-339-моддаларида мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидаларнинг қайд этилиши, бу нафақат тарафлар ўртасидаги мажбуриятлар бажарилишига сабаб бўлади, балки муҳим тарбиявий вазифани бажариш баробарида, тарафларни зиммасига олган мажбуриятларга қатъий амал қилишга ундайди.

Фикримизча, фермер хўжаликлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг қонун ва шартномалар интизомига қатъий риоя қилиши тарафлар ўртасида шартнома шартлари тўлиқ бажарилишига хизмат қилади.

Юридик адабиётларда қайд этилганидек, жавобгарликнинг юридик ва фактик асослари бир-биридан фарқ қилади. Хусусан, “қонунда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик таркиби юридик асос бўлиб хизмат қилади, фактик асос эса аниқ, содир этилган ҳуқуқбузарликдир”². Ҳақиқатдан ҳам содир этилган ҳуқуқбузарлик учун юридик жавобгарлик қонунчиликда белгиланган. Зеро, бу қонунийлик тамойили пойдеворини ташкил этадиган, ҳамма учун умум тан олинган қоидадир. Мисол учун, жиноий, маъмурий ва меҳнат ҳуқуқлари бўйича фақат қонун бузилган ҳолларда, ҳуқуқбузарлик содир этилган деб топилса ва жавобгарликка тортилса, қонун асосида фуқаролик ҳуқуқи бўйича қонун ва шартномага асосан жавобгарликка тортиш лозимлиги ушбу қоиданинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шундай қилиб, юқоридаги фикрлар ва тушунтиришларни инобатга олиб, юридик шахсни мажбуриятлари бўйича жавобгарлик масаласида ҳуқуқшунос олимларнинг қуйидаги фикрларига эътибор қаратсак. Д.М.Караходжаеванинг фикрига кўра, “махсус ҳуқуқ лаёқати бузилган ҳолатларда юридик шахслар қонун ёки таъсис ҳужжатида белгиланган жавобгарликка тортиладилар. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг оқибати турлича бўлиб, битимни ҳақиқий эмас деб топиш, лицензияни бекор қилиш ва юридик шахсни тугатишга сабаб бўлиши мумкин”³. Н.Ҳ.Эгамбердиевнинг фикрича, “... жавобгарлик юридик шахснинг органида фаолият юритувчи жисмоний шахсларга эмас, айнан юридик шахснинг ўзига юкланади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шартномавий мажбуриятлар юзасидан вужудга келганда ҳам, деликт мажбуриятлари натижасида белгиланганда ҳам юридик шахслар жавобгар бўлади”⁴. Г.К.Матвеевнинг таъкидлашича, “юридик шахснинг вакили унинг ходими бўлиши баробарида, вужудга келган вазиятнинг қандайлигидан қатъий назар, юридик шахс жавобгар бўлишини уқтиради”⁵.

Фикримизча, фуқаролик қонун ҳужжатлари асосида ташкил этилган юридик шахс (корхона, муассаса, ташкилотлар) фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъекти сифатида, шартномадаги мажбуриятлари юзасидан фақат ўзига тегишли бўлган мол-мулк доирасида, шартномадаги – тарафлар контрагентлар олдида жавоб беради.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, “юридик шахслар ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг субъекти сифатида алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлади. Юридик шахсларнинг жавобгарлик масаласи фуқаролик ҳуқуқида анча мураккаб ва ҳажми жиҳатидан унлаб, балки юзлаб тадқиқотларни талаб этишини ҳисобга олиб, тадқиқот ишида юридик шахсларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг субъекти сифатида умумий қоидалари таҳлил

этилади. Зеро, ҳар бир юридик шахснинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги ўзига хосдир⁷⁶. Демак, ушбу фикрга қўшилган ҳолда, фермер ҳўжаликлари ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиқнинг субъекти сифатида алоҳида ҳуқуқий мақомга эга эканини таъкидлаш жоиз.

Қолаверса, амалдаги Фуқаролик кодексининг 48-моддаси биринчи қисмида белгиланишича, "юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради". Демак, Фуқаролик кодексининг 48-моддаси биринчи қисмини таҳлил қилишга уриниб кўрамиз. Дастлабки хулоса шуки, юридик шахс ўз мажбуриятлари учун ўз мол-мулки билан жавоб беради. Яъни, юридик шахс жавоб бериши лозим бўлган пайтда унинг ҳисобида қанча мол-мулк бўлса, жавобгарлик ҳам шу мол-мулк доирасида амалга оширилиши лозим. Лекин, Фуқаролик кодексига ёки таъсис ҳужжатларида ва қонунда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, юридик шахс мол-мулкнинг эгаси сифатида бошқа мажбуриятлар бўйича жавоб бермайди. Чунки, юридик шахснинг жавобгарлиги чегараси фақатгина мажбуриятлар бўйича ўзига қарашли мол-мулклар билан жавоб беришини билдиради.

Юридик адабиётларда ёзилишича, "... юридик шахснинг жавобгарлиги унинг ўзига қарашли барча мол-мулки билан мажбуриятлари юзасидан жавоб бериши ва етказилган зарарларни қоплашини англатади. ФКнинг 48-моддаси биринчи қисмида белгиланган норма умумий қондан ифода этили билан бирга, юридик шахс ҳуқуқ субъекти сифатида ўз мажбуриятлари билан жавоб бериш лаёқатига эгаллигини билдиради ҳамда унинг жавобгарлиги ўзига тегишли мол-мулк доирасида бўлишини асосий қоида сифатида мустаҳкамлайди⁷⁸.

Умуман олганда, юридик шахслар жавобгарлигига доир ҳуқуқий меъёрлар 1998 йил 29 августда қабул қилинган "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўз аксини топган. Ушбу қонуннинг 24-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ҳўжалик шартномаларини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун юқоридаги қонуннинг 25-32-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилиши билдирилган⁷⁹.

Қолаверса, МДХ давлатларида юридик шахсларнинг жавобгарлиги асосан фуқаролик-ҳуқуқий қонунларда белгиланганини, жумладан, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг (1994 йил 30 ноябрь) 56-моддаси юридик шахснинг жавобгарлиги тўғрисида бўлиб, ушбу модданинг биринчи қисмида "юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича барча мол-мулк билан жавоб берса"⁸⁰, Украина Фуқаролик кодексининг (2003 йил 16 январь) 96-моддаси 1-бандида юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича мустақил жавоб бериши назарда тутилган бўлиб, 2-бандида юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича барча мол-мулки билан жавоб бериши⁸¹, назарда тутилган.

Тан олиш керак, Беларусь Республикаси Фуқаролик кодексининг (1998 йил 7 декабрь) эътиборли жиҳати бу мазкур кодекснинг 1151-модда (Дехқон (фермер) ҳўжаликлари) ва 1152-модда (Дехқон (фермер) ҳўжалигининг мулк)ларида дехқон (фермер) ҳўжалиги тижоратчи ташкилот дехқон (фермер) ҳўжалигидир деб, номланиши юридик шахс сифатида қайд этилгани ва унга тегишли мулк фақат унга мулк ҳуқуқи билан тегишли эканини билдиради. Бундан ташқари ушбу Фуқаролик Кодексининг 52-моддаси 1-бандида юридик шахслар, мулкдор томонидан молиялаштириллаган муассасалар бундан мустасно, ўз мажбуриятлари бўйича барча мол-мулки билан жавоб бериши белгилаб қўйилган⁸².

Демак, МДХ давлатларида юридик шахсларнинг жавобгарлиги масаласи асосан фуқаролик-ҳуқуқий қонунлар билан тартибга солинишини таъкидлаб ўтиш керак. Худди шунга яқин нормаларни Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий корхона тўғрисида"ги қонунининг (2003 11 декабрь) 3-моддаси учинчи қисмида ("хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб бериши"⁸³) учратиш мумкин.

Юридик адабиётларда "фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик субъекти сифатида, ким фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлса, фуқаролик ҳуқуқининг

субъекти ҳисобланса, ҳуқуқий муносабатда ҳам ўша шахс иштирок этади"⁸⁴. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиқнинг субъекти фуқаролик ҳуқуқининг субъекти ҳисобланади, дейиш мумкин. Масалан, "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддаси биринчи қисмида фермер ҳўжалиги "тадбиркорлик субъектидир", деб белгилаб қўйилган.

Аслида миллий қонунчилигимизда ҳам қонун чиқарувчи томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлар жавобгарлиги масалаларида жиддий ишлар амалга оширилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунининг "Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик" деб номланган V бобида юридик шахсларнинг жавобгарлигига доир қоидалар жой олган. Айниқса, "Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг жавобгарлиги"га бағишланган 35-модда олиб бораётган тадқиқотимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, "шартнома мажбуриятлари ҳўжалик юритувчи субъект мансабдор шахснинг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, унинг томонидан ҳўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулки мақсадга мувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган, тўлов интизоми бузилган, ҳўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, ҳўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка, тортилиши мумкин"⁸⁵.

Юқоридаги таҳлилларга асосланган ҳолда, хулоса қиладиган бўлсак, фермер ҳўжаликлари мажбуриятлари бўйича жавобгарлик масалалари ўзининг долзарблигини йўқотмайди. Сабаби, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда жавобгарлик институти муҳим ўрин тутди.

Жумладан, ушбу институти ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда кенг доирада Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимига, шунингдек, албатта, мажбурият шартларига эътибор қаратиш ва муурожаат этиш ҳамда ривожланган хорижий давлатлар фуқаролик қонунчилиги асосида таҳлил қилиб, босқичма-босқич такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хусниддин ДАМИНОВ,

*Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сурхондарё вилояти Шеробод туманлараро иқтисодий суди архиви материаллари.
2. Иоффе О.С. Вина и ответственность по праву // Государство и право. 1972. - № 9. 3-с.
3. Караходжаева Д.М. Гражданское право: субъект, объект и содержание правоотношения в условиях рынка. - Ташкент: ТГЮИ. 2004. - С. 57-58.
4. Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик ҳуқуқий - жавобгарлиқнинг асослари ва шакллари: юрид. фан. номз. ...дис. - Тошкент: 2006. 59-б.
5. Матвеев Г. Основания гражданско-правовой ответственности. - М., Юридическая литература, 1970. 225-с.
6. Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиқнинг асослари ва шакллари: юрид. фан. номз. ...дис. Автореферати. - Тошкент: 2006. 14-б.
7. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова.
8. Имомов Н. Юридик шахс моҳиятининг фуқаролик-ҳуқуқий талқини (назарий масалалар) / Монография. - ТДЮУ, 2017. 98-б.
9. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 170-модда.
10. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_5142/25421eebf7e6a29b0668369dddbd95c5e7176b/.
11. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30418568&pos=6;-106#pos=6;-106.
12. <https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9800218>.
13. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 8-модда.
14. Иоффе О.С. Ответственность по советскому гражданскому праву. - Ленинград: Изд-во Ленинградского университета, 1955. 34-с.
15. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 170-модда.

ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ОИД ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка оид илмий-назарий қарашлар ва ёндашувлар, халқаро ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги талаблари таҳлил қилиниб, мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликни қўллашда миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича айрим фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: шартнома, кредитор, қарздор, мажбурият, зарар, реал зарар ва бой берилган фойда, зарарни қоплаш, санкция, Вена конвенцияси, УНИДРУА, компенсация.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат сифатида мажбурият ҳар доим кредитор ва қарздор ўртасидаги ўзаро келишувдан келиб чиқиб, бир шахснинг иккинчи бир шахс олдида бирор ҳаракатни амалга ошириши ёки амалга оширмаслигини англатади. Мажбурият муносабатларида тарафлар, яъни кредитор ва қарздор ўз ихтиёри билан зиммасига муайян мажбурият олади.

Шу сабабли ҳам мажбуриятларни бажариш, яъни ундан кўзланган мақсадга эришиш¹ нормал ҳолат сифатида қабул қилиниб, уни бажармаслик эса кредитор томонидан қарздорга нисбатан қонун ёки шартномада белгиланган талабларни қўйиш ҳуқуқини вужудга келтиради.

Мажбуриятларни бажармаслик ёки уни келишувдаги белгиланган барча шартлар ва қоидаларга мувофиқ ҳолда адо этмаслик мавжуд фуқаролик-ҳуқуқий муносабатнинг бузилишига олиб келади ва бу ўз навбатида мажбуриятларнинг бузилиши бўлиб, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келтиради².

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг эътирофича, “фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик – ҳуқуқбузар учун субъектив фуқаролик ҳуқуқлардан маҳрум бўлиши ёки зиммасига янги ёҳуд кўшимча фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлар юклатилиши тарзидаги салбий оқибатлар келтириб чиқарувчи ҳуқуқбузарлик учун жазо чораси”дир³. Ф.Ю.Шодмонов ҳам мажбуриятни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қарздор зиммасига кўшимча мулкӣ йўқотишларни олиб келувчи чора сифатида тавсифлаб⁴, шунга яқин фикрни билдирган.

Бугунги кундаги цивилистик тафаккур фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчасига нисбатан янгича ёндашувларни талаб этмоқда. Жумладан, мажбуриятларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни фақат кўшимча мулкӣ мажбуриятлар, муайян ҳуқуқдан (масалан, ҳақ олиш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш ёки муайян имкониятга эга бўлмаслик сифатида талқин этиш бугунги кун нуқтаи назаридан мазкур тушунчани тўлақонли очиб бермайди. Бу ўринда О.Оқюловнинг қуйидаги мулоҳазалари асослидир: “ҳозирги даврда қўлланилаётган фуқаролик-ҳуқуқий таъсир чоралари нафақат моддий зарарни қоплаш, балки моддий зарарни тўлақонли равишда қоплаш (бой берилган фойдани ҳисобга олган ҳолда) ва айни пайтда маънавий зарарни қоплаш кўринишида

намоён бўлади. Маънавий зарарни қоплаш характери моддий зарарни қоплаш характери билан айнан мос келмайди ва уларни бир хил маънода қўллаш мумкин эмас”⁵.

Дарҳақиқат, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг замонавий тенденциялари нафақат реал зарар ва бой берилган фойдани қоплаш билан бирга маънавий зарарни ундириш, балки компенсация, яъни товон тўлашни ҳам назарда тутаяди. Бу ўз навбатида, фуқаролик қонунчилиқда ўрнатилган мажбуриятларни бузганлик учун қарздор зиммасига юклатиладиган таъсир чоралари сифатида кўрилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик кредиторнинг бузилган ҳуқуқини тиклаш билан бирга неустойка кўринишидаги муайян иқтисодий фойда келтириши ҳам мумкин. Мазкур жавобгарлик ҳуқуқи бузилган тарафнинг ҳуқуқини тиклашни, унга етказилган моддий ва маънавий зарарни жавобгар томонидан тўлиқ қоплашни таъминлаши керак.

Мажбуриятларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашга нисбатан хорижий юрисдикцияларда ҳам қатор ёндашувлар мавжуд.

Мажбуриятни бузишнинг ҳуқуқий оқибатлари фақат шартномавий жавобгарлик чоралари билан чекланмайди, жумладан зарарни қоплаш ва неустойкани ундиришдан ташқари, шартномани бекор қилиш, реал бажариш, синаллагматик (икки томонлама) шартномада бажаришни тўхтатиб туриш ёки бажаришдан бош тортиш, пул мажбуриятларида йиллик фойзлар ва баҳони камайтиришни ҳам ўз ичига олади.

Европа хусусий ҳуқуқидаги тенденциялардан бири ҳуқуқий ғимоя воситаларига комплекс ёндашиш ҳисобланиб, бунда “ҳуқуқий ғимоя воситалари” тушунчаси миллий ҳуқуқда қабул қилинган “жавобгарлик чораси” тушунчасидан анча кенгрокдир. Шунинг учун шартномавий жавобгарлик ҳақида эмас, балки мажбуриятни бузиш муаммоси ва шу муносабат билан ҳуқуқий ғимоя воситаларини қўллаш имкониятлари ҳақида гапириш ўринлидир. Умумий ҳуқуқ тизимига хос бўлган бу ёндашув БМТнинг 1980 йилги “Товарлар халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисида”ги Вена конвенцияси⁶, УНИДРУА⁷ халқаро тижорат шартномалари принциплари, Европа Шартнома ҳуқуқи принциплари⁸ каби уйғунлаштирилган ҳужжатларда акс этган.

Француз адабиётида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка ягона институт сифатида шаклланган анъанавий ёндашув танқид қилинади, бундай ёндашувда умумий концепцияни шакллантиришда деликт жавобгарлигининг устунлиги шартнома жавобгарлигининг хусусиятларини мақбул акс эттиришга имкон бермайди⁹. Германияда эса ислохот арафасида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликни мажбурият ҳуқуқининг умумий қисмида эмас, балки шартнома ҳуқуқининг умумий қисмида тартибга солишни таклиф қилганлар¹⁰.

Айрим муаллифлар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчасини ҳуқуқий феномен сифатида санкция тушунчаси билан ҳам солиштириб, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик "давлат мажбурлашининг бир кўриниши сифатида суд томонидан ҳуқуқбузардан жабрланувчи фойдасига мулкӣй санкцияларни ундиришдан иборат"¹¹ деган хулосага келадилар. Баъзилар эса, "ҳуқуқбузар (қарздор) томонида мулкӣй ва номулкӣй тусдаги ноқулай оқибатлар кўринишида намоён бўлувчи, давлат мажбурлаши билан таъминланган ва ҳуқуқбузарлик ҳамда унинг субъектини қоралаш билан қўшилган ҳуқуқий муносабат сифатида белгиланиши мумкинлигини"¹² кўрсатадилар. Айримлар назарига кўра, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик деганда фақат ҳуқуқбузар учун қўшимча юктамалар билан боғлиқ санкцияларни тушуниш керак¹³; Бошқа бир олимлар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқбузардан ҳеч қандай компенсациясиз мол-мулкни олиб қўйишдан иборат деб ҳисоблайдилар¹⁴.

Баён этилган фикрларга асосланиб, қуйидаги нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаш лозим: фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик – бу моддий (мулкӣй) санкциялар турларидан бири бўлиб, у қарздор (яъни, зарар етказувчи шахс) учун унинг мулкӣй соҳасида салбий оқибатлар юзага келиши билан тавсифланади ва шу орқали жабрланувчига унинг ҳуқуқи бузилгунга қадар мавжуд бўлган ҳолатни тиклаш имконини беради.

Айрим муаллифлар фикрича, қонунчиликда (фақат фуқароликда эмас) оммавий манфаатлар хусусий манфаатлар билан боғлиқ ва мувофиқ равишда ҳисобга олинмагунича, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг аниқ, равшан ва барқарор тушунчаси мавжуд бўлмайди¹⁵.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка оид илмий ёндашувлар тенденцияларини таҳлил қилган ҳолда қуйидаги илмий хулосаларни шакллантириш мумкин:

1. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик – бу ҳуқуқбузарлик учун давлат томонидан қўлланиладиган мулкӣй санкция бўлиб, қарздорнинг мулкӣй манфаатларига салбий таъсир кўрсатади. Асосий мақсад – бузилган ҳуқуқни тиклаш, жабрланувчини илгариги ҳолатга қайтариш ва келгусидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.

2. Жавобгарлик реал мажбуриятни ижро этишдан фарқ қилади, яъни мажбуриятни мажбурлаб бажарилишининг ўзи жавобгарлик сифатида қаралмаслиги лозим. Чунки мажбуриятни амалга ошириш — бу унинг табиий ижроси ҳисобланади, жавобгарлик эса

ҳуқуқбузарликдан кейин келадиган салбий ҳуқуқий оқибат.

3. Жавобгарлик – бу санкциянинг амалий шаклга айланган ҳолатидир. Санкция ҳуқуқий нормаларда назарда тутилади, аммо жавобгарлик фақат ҳуқуқбузарлик рўй берганда амалга ошади.

4. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни реал ижродан, санкциядан ва бошқа оператив таъсир воситаларидан ажратиб кўрсатиш зарур. Шу билан бирга, жавобгарлик умумий фуқаролик-ҳуқуқий институт сифатида қонуний жиҳатдан тўлиқ ва мустақил тарзда шакллантирилиши лозим.

Миллий фуқаролик қонунчиликини такомиллаштиришда жавобгарликнинг адолатли мезонларини белгилаш, мажбуриятнинг бузилиши даражаси ва жавобгарлик чораси ва миқдорининг ўзаро мутаносиб мезонларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

Адҳам ОДИНАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бошлигининг ўринбосари в.б. ю.ф.ф.д., профессор, адлия маслаҳатчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. – Тошкент: ТДҲОИ, 2009. – 458 б.
2. Оқюлов О.Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари // Қонун ҳимоясида. – Тошкент, 1999. – №9. – Б. 16-19.
3. Раҳмонкулов Ҳ.-А. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). / Ҳуқуқшунослик ихтисоси бўйича олий ўқув юртлири "Хусусий ҳуқуқ" йўналиши магистратура талабалари учун. – Тошкент: ТДҲОИ, 2005. – 142 б.
4. Шодмонов Ф.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари: юрид. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент: 2002. – Б.20-21.
5. Fuqarolik huquqi: Darslik. I qism/ Mualliflar jamoasi. – T.: TDYU nashriyoti, 2017. -251 b.
6. Халқаро товар сотиш шартномалари тўғрисидаги БМТ Конвенцияси (инглизча номи: United Nations Convention on Contracts for the International Sale of Goods), баъзан Вена конвенцияси деб ҳам аталади.
7. Международный институт унификации частного права, сокращённо УНИДРУА (фр. UNIDROIT); Источник – <https://ru.wikipedia.org>.
8. https://www.uaipit.com/uploads/legislacion/files/141535888_5EN_Principles_of_European_Contract_Law_parts_I_and_II_31_07_1998.pdf
9. Remy, Philippe. La „responsabilité contractuelle“: histoire d'un faux concept // Revue trimestrielle de droit civil (RTD civ.) (2) avr.-juin 1997. p.p. 323-355; Savaux, Eric. La fin de la responsabilité contractuelle?// RTD civ. (1) janv.-mars 1999. p.p. 1-26; Aubry, Hélène. L'influence du droit communautaire sur le droit français des contrats. Presses Universitaires d'Aix-Marseille. Faculté de Droit et de Science politique. 2002. p. 399-432.
10. Magnus, Ulrich. Der Tatbestand der Pflichtverletzung, in: Reiner Schulze, Hans Schulte-Noelke. Die Schuldrechtsreform vor dem Hintergrund des Gemeinschaftsrechts. – 1. Auflage. – Tübingen: Mohr Siebek, 2001. S. 70.
11. Гражданское право: учебник: в 2 т. / отв. ред. проф. Е.А. Суханов. 2-е изд., перераб. и доп. М.: БЕК, 2015. Т. 1. С. 431.
12. Гражданское право. Часть первая: учебник / под ред. А.Г. Калпина, А.И. Масляева. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юристъ, 2010. – С. 503.
13. Гражданское право: учебник / под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. 4-е изд., перераб. И доп. М.: ПБОЮЛ Л.В. Рожников, 2010. Т. 1. – С. 533.
14. Мартеньянов В.С. Хозяйственное право. – М., 2004. Т. 1. С. 249.
15. Проблемы ответственности в Гражданском праве: Уч пособие / Л.Ф. Нетишинская. – Краснодар, 2020. – 88 с.

ЯНГИЛАНГАН САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА АМАЛИЁТИ: ТАЖРИБА ВА ТАРАҚҚИЁТ

Айтиш жоизки, дунёнинг ривожланган мамлакатларида синовдан муваффақиятли ўтган, сайловчиларнинг хоҳиш-истакларига, талабларига тўла жавоб берадиган сайловларни аҳоли учун энг мақбул бўлган шаклда ташкил этиш ва ўтказиш тартиблари ҳамда сайлов тизимлари мавжудки, айниқса, улар орасида аралаш сайлов тизимидан кўплаб ҳуқуқий демократик давлатларда самарали фойдаланиб келинмоқда. Шу сабабли ҳам, 2023 йил 18 декабрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни билан мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови аралаш сайлов тизими асосида ўтказиш тартиби белгиланганлиги бежиз эмас.

Ушбу Конституциявий қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ва амалдаги етти та қонунга сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибини мамлакатимиз сиёсий ҳаётида амалга оширилган тизимли ислохотлар натижаларига, сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётган ҳалқимизнинг талабларига, шунингдек ривожланган демократик ҳуқуқий давлатларнинг илғор амалиётига уйғунлаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Сайлов қонунчилигидаги ушбу янги нормалар 2024 йил 27 октябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатларининг сайловида амалиётга тадбиқ этилиб, муваффақиятли синовдан ўтказилди.

Бунда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлови аралаш сайлов тизими талабларига мос тарзда ўтганлиги алоҳида аҳамият касб этди. Зеро, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан то 2024 йилга қадар барча даражадаги сайловлар фақат мажоритар сайлов тизими асосида ўтказилган. Ўша сайловларда иштирок этган сайловчи фуқароларимиз анъанавий тарзда ўзлари истиқомат қилаётган ҳудудда ташкил этилган бир мандатли сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилган икки ёки ундан ортиқ депутатликка номзодлар орасидан ўзлари учун маъқул номзодга овоз берган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 150 нафар депутатини сайлаш учун 150 та бир мандатли сайлов округлари ташкил этилган. Ҳар бир сайлов округидан бир нафардан, жами 150 нафар депутат сайланган.

Муҳим янгилик: аралаш сайлов тизими

Аралаш сайлов тизими ўзида моҳиятан иккита – пропорционал ва мажоритар сайлов тизимини уйғунлаштирган. Унда вакиллик органидаги мандатларнинг, яъни депутатлик ўринларининг бир қисми депутатликка номзодларнинг партиявий рўйхатига мувофиқ сиёсий партияларга берилган овозларга мутаносиб равишда, иккинчи қисми эса бевосита сиёсий партия томонидан бир мандатли сайлов округларидан кўрсатилган депутатликка номзодларга берилган овозлар натижасига кўра тақсимланади.

Мамлакатимизда 2024 йилнинг октябрь ойида ўтказилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайлови ушбу янги сайлов тизими асосида ўтказилди.

Бунда, Қонунчилик палатасининг 75 нафар депутати аввалгидек бевосита бир мандатли сайлов округларидан сайланди, қолган 75 нафар депутат эса сиёсий партияларнинг сайловда олган овозлари сонига пропорционал тарзда, партия томонидан тақдим этилган депутатликка номзодларнинг партиявий рўйхати бўйича сайланди.

Мажоритар сайлов тизими бўйича сайловда иштирок этган бешта сиёсий партиянинг ҳар бири бир мандатли сайлов округларининг ҳар

биридан биттадан жами 75 нафардан, умумий ҳисобда 375 нафар депутатликка номзодларни кўрсатди.

Пропорционал сайлов тизимида ягона сайлов округи бўйича сиёсий партия томонидан тақдим этилган депутатликка номзодларнинг рўйхатига камида 75 нафар, кўпи билан 100 нафар номзодлар киритилиши мумкинлиги сайлов қонунчилигида белгиланган эди.

Ушбу қонун талабига асосан сиёсий партиялар ўзларига берилган пропорционал сайлов тизими бўйича депутатликка номзод кўрсатиш ваколатидан максимал фойдаланган ҳолда, сиёсий партиянинг депутатликка номзодлари рўйхати бўйича ҳар бир партия 100 нафардан, умумий ҳисобда 500 нафар депутатликка номзод тақдим этди.

Сайлов кодекси талабларига мувофиқ, партия рўйхатига киритилган номзодлар ушбу сиёсий партиянинг аъзолари ёки партиясиз бўлиши керак. Бошқа сиёсий партиянинг аъзолари ушбу рўйхатга киритилиши мумкин эмас. Айни бир номзод фақат битта партия рўйхатига киритилиши мумкин.

Бир мандатли сайлов округлари бўйича кўрсатилган номзодлар партия рўйхатига киритилиши мумкин эмас. Депутатликка номзодларни танлаш тартиби сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда белгиланади.

Аёлларнинг сони бир мандатли сайлов округлари бўйича, шунингдек партия рўйхати асосида сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар сонининг камида қирқ фоизини (авваллари бу миқдор ўттиз фоиз эди) ташкил этиши керак. Бунда партия рўйхатидаги кетма-кетликда камида ҳар беш нафар номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши лозимлиги белгиланган бўлиб, сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларда юқоридаги қонун талабларига тўла риоя этилди.

Яна бир янгилик, миллий сайлов тизимига илк маротаба жорий этилган “E-saylov” ахборот тизими орқали сайлов комиссияларининг сиёсий партиялар, номзодлар, кузатувчилар ва ОАВ билан муносабатлари тўлиқ электрон тарзда амалга оширилди. Сайлов жараёни иштирокчилари ушбу ахборот тизимидан профессионал тарзда фойдаландилар. Хусусан, сиёсий партиялар барча даражадаги вакиллик органларининг депутатликка номзодларини тегишли сайлов комиссияларига ушбу ахборот тизими орқали электрон тарзда тақдим этдилар. Ўз навбатида, сайлов комиссиялари ҳам сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган депутатликка номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорларини ушбу ахборот тизими орқали қабул қилдилар.

Сайловнинг барча босқичлари тўлиқ рақамлаштирилиб, миллий сайлов тизимига “E-saylov” ахборот тизимининг муваффақиятли жорий этилгани сайлов жараёнидаги бюрократик тўсиқларни кескин камайтириш, ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олиш, қоғоз сарфини тежаш ва шаффофликни оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар сайлови натижаларини белгилаш тартиби такомиллаштирилиши натижасида бир мандатли сайлов округларида бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган депутатликка номзод сайланган, деб ҳисобланиши жорий этилди. Бошқача айтганда, бу галги сайловда илгари бўлгани каби мутлақ кўпчилик эмас, балки нисбий кўпчилик овози билан депутатлар сайланиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги фуқаролари Қонунчилик палатаси сайловида илк бор пропорционал тизими бўйича овоз беришда иштирок этдилар. Бу чет давлатларда бўлиб турган фуқароларимизнинг сиёсий иродасини рўёбга чиқариш ҳамда уларнинг берган овозини ўзларига алоқаси бўлмаган бошқа сайлов округи ҳисобига ўтказиш каби нотўғри амалиётга барҳам берди.

Сайлов кодексига маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказиш учун сайлов округлари тегишли депутатлик ўринларига тенг миқдорда тузилиши, депутатлик ўринлари сони эса аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда аниқ белгилаб қўйилгани ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада мустаҳкамлаш имконини берди.

Юқоридагилар билан бирга, сайловларни профессионал, очик ва демократик тарзда ташкил этиш ва ўтказишни янада такомиллаштириш мақсадида, Марказий сайлов комиссиясининг конституциявий мақоми янада мустаҳкамланди. Сайлов комиссияларининг вертикал тизими, яъни Марказий сайлов комиссияси — ҳудудий сайлов комиссияси — туман ва шаҳар сайлов комиссияси — округ сайлов комиссияси — участка сайлов комиссияси тузилмаси жорий этилгани сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш сифат жиҳатдан яхшилашга хизмат қилди.

Пропорционал сайлов тизими: ўзига хослик нимада?

2024 йил Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловида пропорционал сайлов тизимидан фойдаланилганлиги сабабли, унинг ўзига хос хусусиятлари, хорижий давлатларда қўлланилиш амалиёти ва афзалликлари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтиш лозим.

Сайлов пропорционал тизим асосида ўтказилганда депутатлик мандатлари, яъни вакиллик органидаги мавжуд депутатлик ўринлари сиёсий партиялар томонидан шакллантирилган депутатликка номзодларнинг партиявий рўйхатлари учун сиёсий партияларга берилган овозларга мутаносиб равишда тақсимланади.

Можаритар сайлов тизимидан фарқли ўлароқ, сайловчи бевосита депутатликка номзод шахсга эмас, балки сайловда иштирок этаётган, депутатликка номзодлар рўйхатини тақдим этган сиёсий партияга овоз беради.

Ҳозирги кунда пропорционал сайлов тизими анча кенг тарқалган. Жумладан, Фарбий Европа, Лотин Америкаси, айрим Осиё мамлакатларида сайловлар пропорционал сайлов тизими асосида ўтказилади.

Пропорционал сайлов тизимида сайлов натижаларини аниқлашда қонунчиликда вакиллик органидаги мавжуд депутатлик мандатларига даъвогарлик қилиш учун сиёсий партиялар қўлга киритиши зарур бўлган овозларнинг асосан тўрт ёки беш фоизлик энг кам миқдори (ўтиш планкаси, баръери) белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг сайлов натижаларини белгилаш деб номланган 96-моддасига мувофиқ – Қонунчилик палатасига сайловда ягона сайлов округи бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг камида етти фоиз овозини олган сиёсий партиялар белгиланган тартибда мандатга эга бўлади.

Сайловда иштирок этаётган сиёсий партия қонунчиликда белгиланган энг кам миқдордаги ёки ундан кўпроқ сайловчиларнинг овозини тўплай олсагина, ушбу сиёсий партияга депутатлик мандатлари тақсимланади.

Қайд этиш лозимки, 2024 йил сайловларида иштирок этган мамлакатимиздаги бешта сиёсий партиянинг барчаси ушбу барьердан муваф-

фақиятли ўтиб, Қонунчилик палатасида тегишли депутатлик ўринларига эга бўлди.

Сайлов кодексига мувофиқ Қонунчилик палатасидаги бир юз элликта депутатлик ўринларидан, етмиш бештаси пропорционал сайлов тизими бўйича сиёсий партияларга берилган овозларга мутаносиб ҳолда тақсимланди. Хусусан:

– **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси** – 5 194 041 та ёки 34,75 фоиз овоз тўплади ва тақсимотга кўра 26 та депутатлик ўрнига эга бўлди;

– **Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси** – 2 812 493 та ёки 18,82 фоиз овоз тўплади ва тақсимотга кўра 14 та депутатлик ўрнига эга бўлди;

– **Ўзбекистон Экологик партияси** – 1 960 764 та ёки 13,12 фоиз овоз тўплади ва тақсимотга кўра 10 та депутатлик ўрнига эга бўлди;

– **Ўзбекистон Халқ демократик партияси** – 2 558 016 та ёки 17,11 фоиз овоз тўплади ва тақсимотга кўра 13 та депутатлик ўрнига эга бўлди;

– **Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси** – 2 420 857 та ёки 16,20 фоиз овоз тўплади ва тақсимотга кўра 12 та депутатлик ўрнига эга бўлди.

Пропорционал сайлов тизимининг афзалликларидан бири оралик сайловнинг, яъни муддатидан олдин бўшаб қолган депутатлик ўрни учун сайлов ўтказилмаслигида намоён бўлади. Чунки, сайловчилар сайлов кампанияси даврида, пропорционал сайлов тизими бўйича сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган депутатликка номзодларнинг партия рўйхатини инобатга олган ҳолда сиёсий партияларни ёқлаб овоз бериб бўлган. Ҳар бир партиявий рўйхатда 75 нафардан 100 нафарга қадар депутатликка номзодлар мавжуд. Сайловнинг якуний натижаларига кўра бирор сиёсий партия сайловчиларнинг эллик фоиз овозини олган тақдирда ҳам ушбу сиёсий партия томонидан тақдим этилган партиявий рўйхатдаги депутатликка номзодларнинг кўпи билан 38 нафари депутат этиб сайланади, партиявий рўйхатда қолган 37 нафардан 62 нафарга қадар номзодлар заҳирада туради. Пропорционал сайлов тизими бўйича қайси партиядан сайланган депутатнинг ваколати муддатидан илгари тугатилса, унинг ўрни ушбу партиянинг заҳирада бўлган депутатликка номзодларнинг навбатдагиси ҳисобига тўлдирилади.

Хулоса қилиб айтганда, аралаш сайлов тизими жамиятда сайловчиларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришга, ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишга хизмат қилади. Зеро, сайловчи нафақат номзодларнинг шахси, уларнинг дастурлари, таклифлари билан, балки, сиёсий партияларнинг дастурлари, ғоялари, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқ турмушини янада фаровонлаштириш бўйича илгари сураётган таклифлари билан ҳам яқиндан танишади, ўрганади, уларни нечоғлик реал ҳаётга тадбиқ этиш имкониятлари мавжудлигини баҳолайди. Шундан сўнг, муайян бир қарорга келади ҳамда ўзи лозим топган номзодни ва сиёсий партияни қўллаб-қувватлайди.

Аралаш сайлов тизимида сиёсий партияларнинг масъулияти янада ортади. Қайси сиёсий партия ўз дастури орқали мақсадларини, жозибдор ғояларини ифода этиб, уларни рўёбга чиқариш учун реал имкониятларга эга эканлигига халқни ишонтира олса, бунинг учун муносиб ҳаракат қилса аҳоли томонидан кенгроқ қўллаб-қувватланишга, сайловчиларнинг кўпроқ овозларини олишга эришади.

Худоёр МАМАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси

*Марказий сайлов комиссиясининг котиби,
юридик фанлар доктори, профессор.*

ОНАЛИК ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАСИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада оналикни муҳофаза қилишнинг назарий-ҳуқуқий асослари, оналик муҳофазасини таъминлашга доир тадқиқотлар таҳлили, оналик муҳофазасини таъминлаш ҳуқуқий механизмларининг ўзига хос хусусиятлари, конституциявий кафолатлар, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларнинг хотин-қизлар оналик функцияси билан узвий боғлиқлиги, мазкур ҳуқуқларни амалга оширишда камситишларни бартараф этиш чоралари ҳамда хорижий мамлакатларнинг бу борадаги қонунчилик тажрибаси таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: оналик, оналикни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ижтимоий ҳуқуқлари, ижтимоий қийин вазиятдаги аёл, меҳнат ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш эркинлиги, соғлиқни сақлаш ҳуқуқи, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ёрдам, репродуктив саломатлик.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Билл жамиятнинг барча соҳаларида хотин-қизларнинг энг муҳим ҳуқуқ ва эркинликларини ўз ичига олган бўлиб, давлатларнинг хотин-қизлар ҳуқуқий мақомини қонуний мустаҳкамлашда умумий демократик андоза сифатида хизмат қилади. Шу ўринда Халқаро Билл доирасида хотин-қизларнинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, қийноқ ҳамда бошқа шафқатсиз муомала ва жазо турларидан озод бўлиш; суд орқали ҳимояланиш; эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш эркинлиги; никоҳ муносабатларига киришиш эркинлиги, турар жой дахлсизлиги; сўз эркинлиги; виждон ва дин эркинлиги, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи, меҳнат, дам олиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, оналикни муҳофаза қилиш, билим олиш ва бошқа шу каби ҳуқуқларига оид қоидалар белгиланган. Мазкур қоидалар дунё сиёсий ҳаритасидаги аксарият мамлакатларнинг конституциявий қонунчилигидан ҳам жой олган. Шунингдек бу ўша давр тадқиқотчиларининг илмий ишларида ҳам яққол кўзга ташланади.

Хусусан, XX асрдаги хотин-қизлар масаласига доир илмий ишларни қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак МДХ давлатларида олиб борилган тадқиқотларда хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, шунингдек хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлилиги, оналикни муҳофаза қилишда меҳнат ҳуқуқига оид имтиёзларни қонунчиликда белгиланиши каби масалалар ўрганилган бўлса, Европа давлатларидаги тадқиқотларда хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари, шахсий дахлсизлик, oilaвий муносабатларда тенглик, репродуктив ҳуқуқларда эркинлик, тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш шунингдек, гендер нотенглик, зўравонлик, камситишнинг ҳар қандай кўринишини бартараф этиш бўйича чоралар кўришда ҳукуматлар иштироки каби масалалар таҳлил этилган.

Масалан МДХ давлатларида илк бор С.В.Поленина томонидан аёл ҳуқуқларининг инсон ҳуқуқлари тизимидаги ўрни, аёлларнинг индивидуал ва жамоавий ҳуқуқларининг халқаро стандартларга мослиги, мазкур стандартларнинг миллий қонунчиликка татбиқ этилишининг амалиётдаги ҳолати комплекс тадқиқ этилган¹. Шунингдек, Ю.А.Акимованинг “Эркеклар ва аёллар тенг ҳуқуқлилиги конституциявий тамойили: РФ ва ФРГ давлатлари қонунчилиги мисолида” номи илмий ишида гендер тенгликнинг Россияда 1993 йилда, ФРда 1994 йилда конституциявий тамойил сифатида белгиланиши ҳамда мазкур тамойилнинг ҳуқуқий тизим ва ижтимоий соҳалардаги муносабатларга татбиқ этилиши қиёсий таҳлил қилинган². Гендер тенгликни конституциявий ҳуқуқ нуқтаи назаридан ўрганган ва мавзу юзасидан комплекс тадқиқот олиб борган А. А. Максимов тенг ҳуқуқлилигининг конституцияда мустаҳкамланиши жамиятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларидаги ижтимоий муносабатларга

таъсири ҳамда мамлакатнинг гендер тенгсизлик индексидаги ўрнини белгилаш таҳлил қилинган ва соҳага доир қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича таклифларни илгари сурган. Бундан ташқари МДХ давлатлари тадқиқотчилари томонидан хотин-қизларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлашга оид муаммолар ўрганилган, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Шунингдек оналик муҳофазасига доир Европалик яна бир тадқиқотчи М.К.Эрикссоннинг хотин-қизларнинг репродуктив ҳуқуқларига бағишланган тадқиқоти феминизм ғояларига асосланган бўлиб, унда кулолли можаролар давридаги жинсий зўравонлик ва мажбурий ҳомиладорлик, шунингдек суррогат оналик ва абортни қонунийлаштириш масалалари таҳлил қилинган ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг репродуктив ҳуқуқлар ва жинсий зўравонлик билан боғлиқ ишларнинг кўриб чиқиши танқидий ўрганилган³.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини ўрганган тадқиқотчиларнинг илмий ишларида гендер нотенглик, зўравонлик, камситиш, замонавий куллик, аёллар трафигининг пулланиши, никоҳ муносабатларига оид ҳуқуқларини амалга оширишда, шунингдек, касб танлаш ва таълим олиш ҳуқуқининг учинчи шахслар томонидан чекланиши, маҳкумалар ҳамда ОИВ ва ВИЧ касаллиги билан рўйхатда турувчи хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эркинликларининг жамиятда ижтимоий дискриминацияга учраши, мигрант хотин-қизлар ҳуқуқларининг камситилиши, репродуктив ҳуқуқларни амалга оширишдаги чекловлар каби муаммоларнинг айрим жиҳатлари ўрганилган.

Юқоридаги тадқиқотларни ўрганиш асосида айтишимиз мумкинки оналикнинг муҳофаза қилиниши жамият ва давлатда ўрнатиладиган ижтимоий ва ҳуқуқий меъёрлар билан белгиланади. Хотин-қизлар оналик муҳофазаси учун тақдим қилинадиган имтиёзлардан камситилмасдан фойдаланишлари лозим. Умуман олганда ҳуқуқлар хотин-қизлар ва давлат ўртасидаги муносабатларни акс эттириб ўз моҳиятига кўра фуқаро ва давлат муносабатида миллий ва ҳуқуқий тизимлар принциплар ва нормалари билан қайд этиладиган муносабатларни ўрнатувчи шартнома муносабатларининг асосидир. Шунингдек, мазкур ҳуқуқлар давлатда хотин-қизларнинг оналик мақомини белгилаб, ўз иродасига мувофиқ ҳаракат қилиш имконини яратишни, маълум бир манфаатларга эга бўлишни ёки фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ташкилотлар ва давлат томонидан ҳимоя этилишини белгилаб беради.

Шу ўринда оналик ижтимоий муҳофазаси тушунчасининг юридик табиати тўғрисидаги назарий-ҳуқуқий қарашларни таҳлил қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Замонавий юридик адабиётларга кўра хотин-қизлар ҳуқуқи — бу, ўзини шахс сифатида намоён қилиш, моддий, ижтимоий ва бошқа неъматлардан фойдаланиши учун тақдим этилган юридик имкониятдир. Ушбу ижтимоий ва юридик имкониятлар давлат ва жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий шароитлари ва даврнинг маълум тарихий хусусиятлари билан юзага келади. Ушбу таърифни тавсифлашда қуйидаги ўзига хос хусусиятларни эътиборга олиш лозим:

биринчидан, “хотин-қизлар ҳуқуқлари” тушунчаси инсоннинг юридик ва ижтимоий имкониятлари орқали очиб берилади. Ушбу таърифда хотин-қизлар ҳуқуқлари — жамиятдаги реал эркинликларни даражасини, яъни у жамиятда нимани амалга ошириши мумкинлигини акс эттирувчи мезондир;

иккинчидан, ушбу имкониятлар хотин-қизларга жамиятда ўз олдига қўйган мақсадларини амалга ошириш имконини беради. Мисол учун, шаън, кадр-қиммат, тенглик энг зарурий кадриятлар ҳисобланади ва қонун билан муҳофаза қилинади;

учинчидан, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳар доим аниқ ва ҳар бир давлатда амалга оширишнинг ўзига хос хусусияти мавжуд, бу ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётига боғлиқ.

Хотин-қизлар ҳуқуқларининг ушбу таърифи уни қонун билан боғлайди, яъни мазкур ҳуқуқлар маълум ҳуқ-атвор каби қонун билан алоқадор ва давлат томонидан белгиланади. Хотин-қизлар ҳуқуқларининг эътироф этилиши уларни халқаро ва миллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар даражасида қайд этилиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда уларнинг ҳуқуқларини бирон-бир таҳқирлаш-сиз рўёбга чиқариш муаммосига алоҳида эътибор қаратилади.

Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий эҳтиёжларини қондиришда уларнинг ҳуқуқлари муҳим аҳамият касб этган. Бинобарин, бундай ҳуқуқлардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш хотин-қизларнинг жамиятда ижтимоий-сиёсий фаол шахс сифатида камол топишига ёрдам беради. Бундай ҳуқуқларга давлат бошқарувида иштирок этиш, жамоат бирлашмалари ташкил этиш, меҳнат қилиш, ижтимоий таъминот олиш, ишсизликдан ҳимояланиш, дам олиш, билим олиш, тиббий хизматдан ва маданият ютуқларидан фойдаланиш кабилар қиради. Хотин-қизларнинг мазкур ҳуқуқлари позитив ҳуқуққа тааллуқли бўлиб, уларнинг таъминланиши бевосита қонун ижодкорлиги ҳамда сиёсий иродага боғлиқдир.

В.В. Трубин хотин-қизлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш деганда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта ҳуқуқи, меҳнатга тенг ҳақ олиш ҳуқуқи, оилани, оналик ва болаликни, кексаларни ҳамда ногиронлиги бор шахсларни ижтимоий ва моддий таъминлаш ҳуқуқи, муносиб ҳаёт кечириш ҳуқуқи, шахс ва унинг оиласи соғлигини сақлаш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлашни киритади⁴.

Шу ўринда юқорида таҳлил қилганимиз назарий-ҳуқуқий асосларга кўра ҳукуматлар томонидан жорий этиладиган оналикни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий механизмлари жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш, шунингдек, уларнинг соғлиқни сақлаш ва репродуктив ҳуқуқларини таъминлашнинг механизмларини ўз ичига олади. Хусусан бу механизмлар қуйидаги кафолатларни қамраб олади:

Конституциявий кафолатлар: Конституцияда оналикни муҳофаза қилишга оид асосий принциплар белгилаб қўйилган бўлиб, улар аёлларнинг оналик вазифасини қўллаб-қувватлаш, гендер тенглигини таъминлаш ва камситишни бартараф этишга йўналти-

рилган. Масалан, кўплаб мамлакатларда Конституцияда аёллар учун меҳнат ҳуқуқи, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш ва таълим олиш ҳуқуқи кафолатланади;

меҳнат ҳуқуқи: оналикни муҳофаза қилишнинг муҳим йўналишларидан бири — бу аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашдир. Меҳнат қонунчилигида аёллар учун махсус таътиллар (она ёки ишдан таътил олиш), иш жойидаги шарт-шароитларнинг яхшиланиши ва фарзандни туғишдан кейин ишга қайтишдаги кафолатлар мавжуд;

соғлиқни сақлаш ҳуқуқи: оналикни муҳофаза қилиш учун аёлларга ва болаларга соғлиқни сақлаш хизматларига, шу жумладан, репродуктив саломатликка оид хизматларга кенг ва тенг кириш имконияти яратилган бўлиши лозим. Бу соҳага тегишли қонунлар, масалан, туғишни хавфсиз ўтказиш, ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш, туғруқхоналарни модернизация қилиш ва аёлларнинг репродуктив саломатлигини сақлашга қаратилган дастурлар қиради;

ижтимоий ҳимоя ва ёрдам: оналикни муҳофаза қилишда ижтимоий ҳимоя ва ёрдам тизимларининг муҳим роли бор. Бу ерда аёлларга давлат ёрдами, ижтимоий хизматлар, ижтимоий камситишга қарши кўрсатилган хизматлар ва оналик билан боғлиқ бошқа ёрдамлар назарда тутилади. Агар аёл ижтимоий қийин вазиятга тушса, масалан, камбағаллик ёки бирор сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти бўлмаса, унда давлат бу ҳолатни бартараф этиш учун махсус чоралар кўриши керак.

камситишга қарши курашиш: оналикни муҳофаза қилиш учун жисмоний ва руҳий зўравонликлар, гендер камситиш, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий тенгсизликларга қарши аниқ қонунлар ва жазолар мавжуд. Бу қонунлар аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашга қаратилган, уларнинг ҳуқуқларини бузишга қарши қатъий жазоларни белгилайди.

Ривожланган давлатлар тажрибасига кўра, масалан Финляндияда оналикни муҳофаза қилиш бўйича самарали қонунчилик мавжуд. У ерда аёллар учун узоқ муддатли меҳнат таътили, болаларга оид ижтимоий ёрдамлар ва туғишни қўллаб-қувватлаш тизимлари яхши ривожланган. Бу тажрибаларни ўрганиш ва миллий қонунчиликка интеграция қилиш, оналикни муҳофаза қилишни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ушбу механизмларнинг самарали ишлаши учун уларни илгари суриш ва амалга оширишда аниқ ва қўллаб-қувватловчи сиёсатлар, давлат томонидан қўлланиладиган ресурслар ва жамоатчиликнинг ўзига хос қатъийлиги талаб этилади. Оналикни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқий механизмлар давр талабларига жавоб бериш учун доимо ривожланиб бориши керак.

Дилдора АНВАРОВА,

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т. “Адолат”, 2024.
- 2) Поленина С. В. Права женщин в системе прав человека: международный и национальный аспект. М.: Ин-т государства и права РАН, 2000. 255 с.
- 3) Трубин В.В. Колоколов Г.Р.Мохоныко Н.И. Медицинское право:учебное пособие. М., “Дашков и К”, 2009.
- 4) Svensson, Jonas. Women's human rights and Islam: A Study of Three Attempts at Accommodation. Stockholm: Almqvist & Wiksell International , 2000. , p. 250 <http://nu.diva-portal.org/smash/get/diva2:271685>
- 5) Maja Kirilova Eriksson. Reproductive Freedom: In the Context of International Human Rights and Humanitarian Law. Martinus Nijhoff Publishers, 2000. p.573.
- 9) Anvarova D. A. Analysis of theoretical and legal foundations of ensuring maternity protection// Journal of Intellectual Property and Human Rights, Vol. 4 No. 2 (2025), -P.1-4.
- 10) Анаварова Д. Ўзбекистонда оналик муҳофаза қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари // Siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali // Том 4 Номер 2 –Б.1-3

ҚЎРИҚЛАШ ШАРТНОМАСИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада илмий адабиётларни таҳлил қилиш асосида қўриқлаш шартномаси турларга таснифланган ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: қўриқлаш шартномаси, мол-мулкни қўриқлаш бўйича шартномалар, жисмоний шахсларни қўриқлашга оид шартномалар, жамоат тартибини сақлашни назарда тутувчи шартномалар.

Амалдаги фуқаролик қонунчилиги қўриқлаш шартномаларининг алоҳида турларини батафсил тартибга солимайди. Шу сабабли, ушбу шартномаларни турларга ажратишда умумий қабул қилинган таснифлаш мезонларидан (шартнома субъекти ва объектдан) фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, қўриқлаш хизматларининг кенг қамровли моҳияти турли шаклларда намоён бўлиши сабабли, нафақат уларни турларга ажратиш мумкин, балки зарур ҳамдир.

Бу турдаги ҳар бир шартнома ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, мазкур шартнома турларида қатнашувчи ижрочиларни қисқача белгилаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Давлатга тегишли қўриқлаш ташкилотлари иштирокидаги шартномаларда ижрочи сифатида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги қатнашиши мумкин¹. Хусусий шартномаларда эса бу вазифани хусусий қўриқлаш ташкилотлари бажаради. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 сентябрдаги “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 13-моддасида қўриқлаш фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи субъектлар қаторида хусусий (нодавлат) қўриқлаш ташкилотлари назарда тутилмаган.

Қўриқлаш шартномаларини ижро этувчи субъектларга қараб таснифлашдан ташқари, уларни буюртмачининг хусусиятларига кўра ҳам турларга ажратиш мумкин. Бу асосда қуйидаги шартнома турларини ажратиш мумкин: тадбиркорлар билан тузиладиган қўриқлаш шартномалари, жисмоний шахслар билан тузиладиган қўриқлаш шартномалари ҳамда фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари билан тузиладиган шартномалар.

Қўриқлаш шартномаларини таснифлашнинг навбатдаги мезони – қўриқлаш хизмати объектига боғлиқ бўлган ҳолатдир. Юридик адабиётларда бу мезон асосида қуйидаги асосий қўриқлаш шартномалари турлари кенг тарқалган: **1) мол-мулкни қўриқлаш бўйича шартномалар; 2) жисмоний шахсларни қўриқлашга оид шартномалар; 3) жамоат тартибини сақлашни назарда тутувчи шартномалар.**

Энди ушбу шартномаларнинг ҳар бир турини алоҳида кўриб чиқамиз.

Мол-мулкни қўриқлаш бўйича шартнома фуқаролик муомаласида энг кўп учрайдиган қўриқлаш шартномасининг турларидан бири ҳисобланади. Бу борада қуйидаги фикр адолатли деб ҳисоблаймиз: “агар омонат сақлаш шартномаси асосан кўчар мол-мулкни сақлаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, қўриқлаш шартномаси кўпроқ кўчмас мулкни, яъни бошқа турдаги объектларни сақлашга йўналтирилган бўлади”². Шунга қарамай, қўриқлаш шартномаси фақатгина кўчмас мол-мулкни эмас, балки кўчар мол-мулкни, жумладан, транспорт воситалари, транспортда ташиладиган юкларни қўриқлашни ҳам назарда тутиши мумкин. Бундай объектларни қўриқлаш заруратини, одатда, уларнинг юқори қиймати, уларга зиён етказилиши хавфи ёки йўқ қилиб юбори-

лиши таҳдиди, шунингдек, мол-мулкни ўғирлаш режаси ҳақидаги маълумотлар мавжудлиги каби ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин.

Мол-мулкни қўриқлаш бўйича шартномаларни кейинги навбатдаги таснифлаш объектнинг хусусиятларига ёки уни қўриқлашда қўлланиладиган восита ва усулларга қараб амалга оширилиши лозим.

Шу асосда, кўчар ва кўчмас мол-мулкни қўриқлашга оид шартнома турларига ажратиш мумкин. Кўчар мол-мулкни қўриқлашга оид шартномалар орасида, айниқса, транспорт воситалари ва транспортда ташиладиган юкларни қўриқлашга қаратилган шартномалар алоҳида ўрин тутди. Кўчмас мол-мулкни қўриқлашга оид шартномалар эса, ўз навбатида, қўлланиладиган восита ва усулларга қараб турларга бўлинади. Масалан, қўриқлаш сигнализацияси ўрнатилган ва марказлашган кузатув пултига уланган объектларни муҳофаза қилишга оид шартномалар ҳамда бошқа турдаги объектларни қўриқлаш шартномаларини ажратиш кўрсатиш мумкин.

Мол-мулкни қўриқлаш бўйича ҳар бир турдаги шартнома ўз хусусиятларига эга бўлиб, алоҳида таҳлил қилиниши керак. Масалан, транспортда ташиладиган юкларни транспортировка вақтида қўриқлашга оид шартномалар турли хил ашёларнинг сақланишини таъминлаш зарурати туфайли тузилиши мумкин. Одатда бундай шартномаларнинг объекти турли муҳим (махфий) ҳужжатлар ва қимматбаҳо ашёлардан иборат бўлади. Шунингдек, ташилаётган мол-мулкни қўриқлаш мажбурияти билан бир қаторда, ушбу мол-мулкни ташишда иштирок этаётган шахсни шахсан ҳимоя қилиш мажбурияти ҳам юзага келиши мумкин.

Транспортда ташиладиган юкларни қўриқлаш шартномасининг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқар эканмиз, яна бир муҳим нарсаси эътибор қаратиш лозим. Юк ташиш билан боғлиқ хизматлар, қоида тариқасида, транспорт экспедицияси шартномаси орқали амалга оширилади (ЎР ФК 726-моддаси). Шу билан бирга, қонун ҳужжатларида экспедитор ушбу шартнома асосида кўрсатиши мумкин бўлган хизматларнинг аниқ ва белгиланган рўйхати назарда тутилмаган. Хусусан, экспедиторга “шартномада белгиланган бошқа операциялар ва хизматларни бажариш билан боғлиқ чораларни кўриш”³ мажбурияти юклатилиши мумкин.

Юридик адабиётларда шундай фикрлар ҳам учрайдики, транспорт экспедицияси шартномаси мазмунига экспедиторнинг юкни ҳамроҳликда кузатиш ва қўриқлаш мажбурияти ҳам киритилиши мумкин⁴. Бу ҳолатда юкларни транспортда ташиш пайтида қўриқлаш шартномасининг ҳуқуқий табиати ҳақида савол туғилади. Бизнинг фикримизча, ушбу шартномани транспорт экспедицияси шартномаси деб ҳисоблаш мумкин, фақатгина мол-мулкни ташиш учун махсус (ташиладиган юкни қўриқлаш мажбуриятини ҳам ўз ичига оладиган) юк ташиш шартномаси тузилиши лозим. Бошқа ҳолатларда, масалан, юк тўғридан-тўғри унинг эгаси томонидан ташилаётган бўлса, юкни қўриқлаш муносабатлари алоҳида равишда тузилган ташиш вақтидаги қўриқлаш шартномаси орқали тартибга

солинади. Бундай вазиятда қўриқлаш муносабатлари юк ташиш шартномаси билан эмас, балки мустақил тарзда тузилган қўриқлаш шартномаси билан ҳуқуқий тартибга солинади.

Шартнома қандай ҳуқуқий шаклда тузилишидан қатъи назар, юкларни транспортда ташиш жараёнида уни қўриқлаш мажбуриятининг мазмуни – ушбу мол-мулкни унинг ҳаракати давомида ўғирлик ва бошқа турдаги ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган бўлади. Демак, шартнома қандай турда бўлишидан қатъи назар, унинг амалий мақсади бир хил: юкни белгиланган манзилга бус-бутун етказиш учун зарур хавфсизликни таъминлашдир.

Қўриқлаш сигнализацияси ўрнатилган ва марказлашган кузатув пултига уланган объектларни қўриқлаш шартномалари ҳам бир қатор муҳим хусусиятлари билан ажралиб туради. Бундай турдаги қўриқлаш, одатда, хонадонлар учун қўлланилса-да, уни дала ҳовлилар, гаражлар, фуқароларга тегишли бошқа шахсий мулк сақланадиган жойлар учун ҳам жорий этиш мумкин. Шунингдек, иш вақтларидан ташқари пайтларда дўконлар, киосклар, омборхоналар ва шунга ўхшаш объектларни қўриқлаш ҳам айнан шу усул орқали амалга оширилиши мумкин. Сигнализация қўлланилган ҳолда амалга ошириладиган қўриқлаш турининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, бундай объектларга махсус талаблар қўйилади ва ушбу талабларга риоя қилинмаслиги қўриқлаш тадбирларини амалга оширишни имконсиз қилиб қўяди. Биринчидан, қўриқланаётган объект ёпиқ ҳолатда бўлиши лозим, чунки сигнализация ўрнатишдан кўзланган асосий мақсад – бинода жойлашган мол-мулк дахлсизлигини таъминлашдир. Иккинчидан, бундай турдаги қўриқлаш фақатгина алоқа ёки интернет хизматига улаиш имкони бўлган объектларга нисбатан амалга оширилиши мумкин.

Шу билан бирга, қўриқлаш учун топширилаётган объектни қўриқлаш техник воситалари билан жиҳозлашга доир тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни малакалаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Қўриқлаш фаолияти тўғрисида"ги қонуни 8-моддаси 1-қисми 8-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қўриқлаш бош бошқармасига қўриқлаш учун топширилган объектларни қўриқлашнинг муҳандислик ва техник воситалари билан жиҳозлаш талабларини, тартибини ҳамда шартларини белгилайди⁵. Амалиётга назар ташлайдиган бўлсак, Қўриқлаш бошқармаси билан жисмоний шахслар ўртасида тузилаётган шахсий мулкни техник қўриқлаш пункти орқали қўриқлаш бўйича шартномада Қўриқлаш бошқармаси ўз зиммасига марказлашган назорат пултига уланадиган қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантириш сигнализация воситалари билан жиҳозлаш мажбуриятини ҳам олмокда⁶.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, қўриқлаш учун топширилаётган объектни қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантириш сигнализация воситалари билан жиҳозлаш бўйича тарафлар ўртасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий табиатига ойдинлик киритиш зарур. Айнан ушбу масала Қўриқлаш бошқармаларига қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантириш сигнализацияси воситаларини лойиҳалаш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатиш ҳуқуқи берилганлиги орқали ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Бизнинг фикримизча, хавфсизлик ва ёнғин сигнализация тизимларини лойиҳалаш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатиш муносабатлари ўз моҳиятига кўра айнан пудратга хос бўлиб, хизмат кўрсатиш ҳисобланмайди. Қўриқлаш хизматлари ичида ушбу ишларнинг бажарилиши эса мақбул кўринади. Чунки, амалиётда бундай ишлар қўриқлаш хизматини кўрсатиш ичида бажарилаётганлиги туфайли, "хизматлар" атамаси кенг маънода яъни иқтисо-

дий ва амалий нуқтаи назардан иш бажариш фаолиятини қамраб олган ҳолда қўлланилади.

Шундай қилиб, сигнализация тизими билан жиҳозланган ва марказлашган кузатув пултига уланган объектни қўриқлаш бўйича мажбурият уни бевосита қўриқланишини ўз ичига олади. Бу эса хавфсизлик сигналинни кузатиш ҳамда бинога ноқонуний киришга уриниш ҳолатида қўриқлаш хизмати ходимларининг шошилиш тарзда етиб боришини англатади. Шу билан бирга, ушбу ҳолат қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантириш сигнализацияси ускуналарини лойиҳалаш, ўрнатиш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш каби қўшимча вазифаларни назарда тутувчи қўриқлаш хизмати билан тузиладиган аралаш турдаги шартномаларни истисно қилмайди.

Объектни қўриқлаш тўғрисидаги шартномага келсак, ушбу шартнома, юқорида айтиб ўтилганидек, қўриқлашнинг энг хилма-хил техникаси ва усулларини назарда тутати. Одатда, бундай шартнома орқали нафақат ёпиқ бинолар, балки очик фойдаланиш учун мўлжалланган (масалан, савдо мажмуалари, савдо марказлари) ёки, аксинча, кириш чекланган (масалан, алоҳида цех биноси, офислар) ҳудудларни ҳам ўз ичига олган йирик кўчмас мулк объектларини қўриқлаш таъминланади. Бундан ташқари, ушбу шартнома доирасида очик ҳудудларни қўриқлаш, шунингдек, объектга кириш-чиқиш ва ички тартиб-қоидаларни таъминлаш чоралари ҳам амалга оширилади.

Қўриқланаётган объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб, қўлланиладиган қўриқлаш усуллари ва воситалари ҳам белгиланади. Аксарият ҳолларда бундай шартномалар қўшма, яъни техник ва жисмоний қўриқлаш чораларини назарда тутати. Қўриқлашнинг техник воситаларига турли хил сигнализация тизимлари, видеокузатув қурилмалари, металл қидирувчи ускуналар ва шунга ўхшаш технологиялар киради. Жисмоний қўриқлаш эса махсус қўриқлаш постларини ташкил этиш ва қоровулларни жойлаштириш, назорат-ўтказиш жойларини ташкил этиш, ҳудудда патруллик қилиш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Жисмоний шахсларни қўриқлашга оид шартномалар⁷ ижрочи томонидан "жисмоний шахс ёки шахслар гуруҳи ҳаёти ҳамда соғлиғига таҳдид солувчи ҳужумлар, душманона ҳаракатлар ва хавф-хатарларни олдини олиш ёки уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар"⁸ни амалга оширишни назарда тутати.

Қўриқлаш шартномасининг учинчи тури **жамоат тартибини сақлаш бўйича шартнома** ҳисобланади. Адабиётларда айрим муаллифлар бу шартномани алоҳида, мустақил турдаги шартнома сифатида кўриб чиқади⁹. Бироқ, бизнинг фикримизча, жамоат тартибини сақлашга қаратилган шартнома мустақил шартнома эмас, балки қўриқлаш шартномасининг турларидан бири сифатида қаралиши лозим. Бундай фикрга асос сифатида Ўзбекистон Республикасининг "Қўриқлаш фаолияти тўғрисида"ги қонунининг 8-моддаси 1-қисми 11-бандини келтиришимиз мумкин. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш фаолияти соҳасидаги ваколатлари доирасида қўриқланадиган объектлар ҳудудига жамоат тартибини сақлайди, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади ва уларга чек қўяди¹⁰.

Жамоат тартибини сақлаш бўйича шартномани икки асосий турга ажратиш мумкин: оммавий тадбирлар ўтказилаётган пайтда жамоат тартибини сақлаш бўйича шартнома ҳамда "Ташвиш" тугмаси сигнализацияси билан жиҳозланган объектларда жамоат тартибини таъминлашга қаратилган шартнома. Ушбу шартнома турларининг ҳар бирида ўзига хос жиҳатлар мавжуд бўлиб, улар алоҳида ўрганиш ва таҳлил қилишни талаб қилади.

Оммавий тадбирлар ўтказилиши давомида жамоат тартибини сақлаш бўйича тузиладиган шартнома доирасида “оммавий тадбир” тушунчасига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Ҳукукий адабиётларда “оммавий тадбир” тушунчаси “олдиндан режалаштирилган ва жой, вақт, иштирокчилар сони ва сабаблари белгиланадиган оммавий йиғилиш (одамлар йиғилиши) бўлиб, сиёсий, маданий ёки реклама тадбири ёхуд ишбилармонлик учрашуви характерига эга бўлган тадбир”¹¹ деб таърифланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, оммавий тадбирлар ҳар доим ҳам олдиндан режалаштирилиши ва унда иштирокчилар сони аниқ белгиланиши мумкин эмас. Амалиётда жамоат тартибини сақлаш бўйича қўриқлаш шартномалари ресторанлар, тунги клублар, кафелар ва шу кабилар билан тузилиши кенг тарқалган. Назарий жиҳатдан, бундай шартномаларни ҳам оммавий тадбирлар вақтида жамоат тартибини сақлашга доир қўриқлаш шартномаси сифатида таснифланиши мумкин.

“Ташвиш” тугмаси сигнализацияси билан жиҳозланган объектларда жамоат тартибини сақлаш бўйича шартномага келсак, шуни қайд этиш зарурки, бундай турдаги шартнома фақатгина телефон алоқаси мавжуд бўлган биноларда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида тузилиши мумкин. Ушбу шартноманинг ўзига хос жиҳати шундаки, у зарурат туғилганда “мижозлар учун (дўкон, банк хизматчиси, мактаб, болалар боғчиси, бошқа таълим ёки маданият муассасалари қўриқчиси, хонадон ёки хусусий уй эгаларига) зудлик билан хавфли вазиятлар (талончилик, ҳаёт ёки соғлиққа таҳдид, ёнгин ва бошқа фавқулодда ҳолатлар) тўғрисида хабар бериш имкониятини яратди”¹².

Буюртмачи қўриқлаш хизмати ходимларини чақиришни “Ташвиш” тугмаси орқали марказлашган назорат пултига хабар юбориш орқали амалга оширади. “Ташвиш” тугмаси сигнализациясининг ишлаш принципи қўриқдаги объект ва тезкор ҳаракатланувчи гуруҳи билан туну-кун алоқасини таъминлайди¹³. Дастлабки қарашда, бундай шартномани мол-мулкни қўриқлашга доир шартномалар қаторига киришти мумкиндек туюлади, масалан, қўриқлаш техник воситалари билан жиҳозланган объектларни қўриқлашга оид шартномалар турига. Бироқ амалда бу бундай эмас. Чунки “Ташвиш” тугмаси сигнализацияси билан жиҳозланган объектларда жамоат тартибини сақлаш бўйича шартнома асосида ижрочи томон (яъни қўриқлаш ташкилоти) айнан жамоат тартибини сақлаш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олади. Ушбу ҳулосани қуйидаги асосларга таянган ҳолда бериш мумкин: аввало, қўриқлаш хизматининг асосий мажбурияти фақат “Ташвиш” тугмаси сигнализацияси ишга тушган пайтда объектга ўз вақтида етиб боришдан иборат. Шунингдек, мазкур қўриқлаш хизмати фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ноқонуний ҳаракатлар натижасида етказилган зарар учун моддий жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

Шартномаларни таснифлаш фақат муайян объектларни қўриқлашнинг ўзига хос хусусиятларига асосланган белгилар билангина эмас, балки фуқаролик ҳуқуқида анъанавий равишда ажратиладиган шартнома конструкцияларининг хусусиятларига таяниб ҳам амалга оширилиши мумкин. Жумладан, ЎзР ФКнинг 362-моддасида учинчи шахс фойдасига шартнома тузиш имконияти белгиланган. Бу шартномада тарафлар қарздор мажбуриятни кредиторга эмас, балки шартномада кўрсатилган ёки кўрсатилмаган, ўз манфаати учун ижро талаб қилиш ҳуқуқига эга учинчи шахсга бажариши лозимлиги мустаҳкамлаганлигини аниқлатади. Ушбу қоидага қўра, доктринада шартномалар икки турга бўлинади: учинчи шахслар фойдасига тузилган шартномалар ва иштирокчи-

лар фойдасига тузилган шартномалар¹⁴. Қўриқлаш шартномаси ҳам иштирокчилар фойдасига ёки учинчи шахслар фойдасига тузилиши мумкин. Масалан, юридик шахс ўз ходимларини шахсий қўриқлаш мақсадида шартнома тузса, бу учинчи шахслар фойдасига тузилган шартномага мисол бўлади.

Қўриқлаш шартномалари, яъни жисмоний шахслар, мол-мулк ва жамоат тартибини қўриқлашга доир шартномалар қуйидаги мезонлар асосида янада батафсил таснифланиши мумкин.

Жисмоний шахсларни қўриқлаш шартномалари. Қўриқланадиган шахслар сони ва қўриқлаш усуллари хусусиятлари мезони бўйича:

- шахсий қўриқлаш шартномалари;
- қўриқланадиган объектда бўлган шахсларни қўриқлаш шартномалари.

Мол-мулкни қўриқлаш шартномалари. Мол-мулк тури мезони бўйича:

- кўчар мол-мулкни қўриқлаш шартномалари;
- кўчмас мол-мулкни қўриқлаш шартномалари.

Кўчар мол-мулкни қўриқлаш шартномалари. Қўриқлаш шароитлари мезони бўйича:

- мол-мулкни ташиш жараёнида қўриқлаш шартномалари;
- бошқа кўчар мол-мулкни қўриқлаш шартномалари.

Кўчмас мол-мулкни қўриқлаш шартномалари. Қўлланиладиган қўриқлаш усуллари мезони бўйича:

- марказлаштирилган кузатув пултига уланган хавфсизлик сигнализацияси билан жиҳозланган объектларни қўриқлаш шартномалари;
- бошқа объектларни қўриқлаш шартномалари.

Жамоат тартибини қўриқлаш шартномалари. Қўлланиладиган қўриқлаш усуллари мезони бўйича:

оммавий тадбирлар ўтказишда жамоат тартибини сақлаш бўйича қўриқлаш шартномалари;

“ташвиш тугмаси” билан жиҳозланган объектларда жамоат тартибини сақлаш бўйича қўриқлаш шартномалари.

Олим УМБЕТОВ,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни 13-моддаси // <https://lex.uz/docs/6066682>
2. Горовенко В.В. Гражданско-правовое регулирование частной детективной и охранной деятельности: Дисс. ... к. ю. н. –М., 2001. –С. 75-76.
3. Shartnoma huquqi. Darslik / R.J.Ro'ziyev, M.Sh.Choriyev, A.A.Muxammadiyev va boshqalar. -Toshkent, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, 2022. 232-bet.
4. Витрянский В. В. Договоры о транспортной экспедиции и иных услугах в сфере транспорта. М.: «Статут», 2003. С. 85, 111, 115, 120; Брагинский М. И., Витрянский В. В. Договорное право. Книга четвертая: Договоры о перевозке, буксировке, транспортной экспедиции и иных услугах в сфере транспорта. М.: «Статут», 2004. С. 684,710,714,718.
5. <https://lex.uz/docs/6066682>
6. Қўриқлаш бошқармаси билан жисмоний шахслар ўртасида тузилган шахсий мулкни техник қўриқлаш пункти орқали қўриқлаш бўйича шартнома нусхалари ишнинг 2-иловасида берилган.
7. Изоҳ: Ўзбекистон Республикасининг “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни 3-моддасида қўриқлаш объекти сифатида жисмоний шахслар ҳам назарда тутилган. Бундан ташқари, ушбу Қонуннинг 4-моддасида қўриқлаш фаолиятининг асосий вазифаларидан бири сифатида жисмоний шахсларнинг ҳаётини ва соғлигини тажовузлардан ҳимоя қилиш кўрсатиб ўтилган / <https://lex.uz/docs/6066682>
8. Горовенко В.В. Гражданско-правовое регулирование частной детективной и охранной деятельности: Дисс. ... к. ю. н. –М., 2001. –С. 73.
9. Ручкин О.Ю. Организационно-правовые аспекты участия органов внутренних дел Российской Федерации в договорных обязательствах: Дисс.... к. ю. н. М., 1997. С. 108-113.
10. <https://lex.uz/docs/6066682>
11. Горовенко В.В. Гражданско-правовое регулирование частной детективной и охранной деятельности: Дисс. ... к. ю. н. –М., 2001. С. 78.
12. <https://qbb.uz/uz/alam>
13. <https://qbb.uz/uz/alam>
14. Қаранг: Завидов Б.Д. Договорное право России. М.: ИПК «Лига Разум», 1998. С. 27-28.

ТАЛҚИН

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

1990 йилнинг март ойида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартиришлар киритилиб, Ўзбекистон тарихида илк бора Конституциявий назорат қўмитаси таъсис этилди¹. Мазкур қўмита Ўзбекистон Олий Кенгаши Раисининг тақдимида биноан, раис, раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон вакилини қўшиб ҳисоблаганда 10 йил муддатга 9 аъзодан иборат қилиб сайланадиган бўлди.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ I сессиясида "Ўзбекистонда Конституциявий назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш учун халқ депутатлари орасидан махсус комиссия тузилди. Ушбу комиссия ишлаб чиққан ва мутахассислар томонидан муҳокама этилиб, лойиҳаси пишитилган "Ўзбекистон ССРда Конституцион назорат тўғрисида"ги қонун 1990 йил 20 июнда парламентнинг II сессиясида қабул қилинди² ва Конституциявий назорат қўмитасининг 9 нафардан иборат тўлиқ таркиби сайланди.

Ушбу қонунда Конституциявий назорат қўмитаси фаолиятининг мақсадлари, асосий принциплари ва фаолият тартиби, сайланган шахсларнинг мақоми ҳамда бошқа муҳим масалалар мустаҳкамлаб қўйилди.

Конституциявий назорат қўмитаси 1990 йилдан 2017 йилга қадар мамлакатда дастлаб конституциявий назорат қўмитаси қўринишида ташкил этилиб, 1995 йилдан Конституциявий суд шаклида ўз фаолиятини давом эттирган бўлсада, бироқ, 2017 йилга қадар унинг фаолиятида ривожланиш динамикаси, давлат ва жамият ҳаётидаги роли етарли даражада сезилмади.

Бироқ, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида 2017 йил 31 майда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (80, 93, 108 ва 109-моддалари) ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қонун ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунларда Конституциявий суд фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қанча принципиал янгилликлар ўз аксини топди³.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5482-сонли фармонида мувофиқ, одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатларини кучайтириш мақсадида, шунингдек, Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт Стратегияси"га мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши ва Ўзбекистон Судьялар ассоциациясининг қуйидагилар орқали суд органлари фаолиятининг янада шаффофлигини таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни кенгайтириш ва одил судловни амалга оширишда жамоатчилик ролини кучайтириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш, қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтирилишини суд амалиётига жорий этиш, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан суд ишларини назорат тартибида, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш амалиёти шарҳларини ҳар чоракда эълон қилиш;

2. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг ҳолислиги ва шаффофлиги ишончни ошириш мақсадида ҳар бир ҳудудда судьялар корпусини шакллантиришга қўмаклашувчи комиссиялар тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди⁴. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жиноят ишлари билан бир қаторда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этилиши, қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ноқонуний эмаслигини маъмурий судда исботлаш мажбуриятини, уни қабул қилган мансбдор шахснинг ўзига юклаш тартибига амал қилиниши қатъий таъминланиши, жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини топишига амалий қўмаклашиш учун "дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети"ни бериш тизими жорий қилиниши, ушбу тизим доирасида жазони ўтаб бўлган ва ўзининг тадбиркорлик, меъморчилик, ҳунармандчилик каби йўналишларда аниқ лойиҳаларини тақдим этиб, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга бир марталик моддий ёрдам бериш амалиёти йўлга қўйилиши белгилангани эътиборга молик⁵.

Мамлакатимизда суд ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар бевосита Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятига ҳам тааллуқлидир. Чунки, Конституциявий суд Асосий қонуннинг давлат ҳокимияти органлари, сиёсий партиялар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари томонидан бузилишининг олдини олиш юзасидан конституциявий назоратни амалга оширувчи олий суд ҳокимияти органи ҳисобланади.

Хулоса сифатида айтиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди институтининг ривожланиш босқичлари Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг институт сифатида ташкил этилиши 1990 йилларга бориб тақалса-да, бироқ, унинг ҳақиқий тараққиқ этиши, жонланиши, конституциявий суд сифатида шаклланиши 2017 йилларга тўғри келди десак адашмаган бўламиз. Шу сабабли, Конституциявий суднинг ривожланиш йўлини икки босқичга яъни, 1995-2017 йилга қадар бўлган даврни Конституциявий суднинг "ташкил этилиши ва шаклланиши"ни биринчи босқич сифатида ҳамда 2017 йилдан бугунги кунга қадар бўлган даврни эса "ривожланиш даври"ни – иккинчи босқич сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ.

Феруза АДILКАРИЕВА,

Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори,

1-даражали юрист.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. "Халқ сўзи". 1990, 26 март.
2. Қаранг: Ўзбекистон ССР Олий Советининг ведомостлари. 1990.16-18 сонлар.289 модда, 28-бет.
3. Гафуров А.Б. Ўзбекистонда Конституциявий назорат: Тарихий ривожланиш тенденциялари.-Т.-2022, 57-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5482-сонли Фармони, 13.07.2018 й.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сонли Фармони, 28.01.2022 й. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон; 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон; 03.01.2024 й., 06/24/221/0003-сон.

ЎЗБЕКИСТОНДА СУД ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ КЕНГ ЖОРИЙ ҚИЛИШ

Бугунги кунда суд тизимида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш орқали иш самарадорлиги ва адолатли қарорларни қабул қилишда аниқлик ошмоқда. Айниқса, жиноят ва фуқаролик ишларини саралаш, процессуал хатоларни аниқлаш, судьяларнинг иш юкини камайтиришда сунъий интеллект муҳим воситага айланмоқда.

Хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Сингапурда сунъий интеллект технологиялари суд ишларини таҳлил қилиш ва прогноз қилишда қўлланилса, Германияда сунъий интеллект суд жараёнларида ишларнинг тақсимланиши ва кўриб чиқишида қўлланилади. Бу билан ишларнинг кўриб чиқиши муддатларини 25 фоизга қисқартиришга эришилган.

АҚШдаги “e-Courts” тизими орқали суд ҳужжатлари ва ишларнинг ҳолати онлайн кузатиб борилади. Бу мамлакатда суд ишларининг 90 фоизидан ортиғи электрон шаклда юритилади, бу эса ишларнинг 40 фоиз тезроқ кўриб чиқишига олиб келган.

Жанубий Кореяда эса суд жараёнларида сунъий интеллектни қўллаш орқали ишларнинг натижаларини прогноз қилишда муваффақиятга эришилган.

Давлатимиз раҳбари 2025 йил 27 февраль кuni суд фаолиятини яхшилаш, очиқлик ва рақамлаштириш даражасини ошириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Ислохотлар натижаси аниқ рақамлар ва эришилган ютуқларда яққол кўринади. Бугунги кунда судга ариза бериш, суд ишининг ҳолатини кузатиш, суд ҳужжатларидан электрон нусха олиш каби ўн тўртта хизмат рақамлаштирилди. Олий суднинг махсус порталида хизматлар ва ундан фойдаланувчилар сони кўпайиб бораётганини ҳам қайд этиш лозим.

Шу пайтгача ўн етти миллиондан зиёд суд иши ахборот тизимлари орқали юритилган. Шунингдек, ўн олти миллиондан ортиқ ишлар судьяларга инсон омилисиз тақсимланган. Ўтган йилнинг ноябрь ойидан бошлаб судларнинг ички ҳужжатлар айланмаси тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. Натижада қисқа даврда давлат бюджетидан ажратиладиган талайгина сумма иқтисод қилинган.

Йиғилишда Давлатимиз раҳбари соҳани такомиллаштиришга доир бу каби ишларни изчил давом эттириш, судлар фаолияти самарадорлигини ошириш кераклигини алоҳида таъкидлади. Хусусан, суд муҳокамасининг тахминий натижаси ва кетадиган харажатларни олдиндан аниқлаб бериш, ҳуқуқий ёрдам бўйича виртуал маслаҳатчини яратиш, тайинланган жарималарни онлайн кузатиш ва электрон шаклда тўлаш каби имкониятлар одамларга катта қулайлик яратиши қайд этилди. Президент сунъий интеллектдан фойдаланиб, бу каби кўплаб янгиликларни жорий этиш мумкинлигига алоҳида эътибор қаратди.

Бўлиб ўтган тақдиротда суд ишларини юритишда қоғоздан бутунлай воз кечиш мақсадида “Рақамли суд” концепциясини жорий этиш режалаштирилаётганлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, Олий судда очиладиган марказ бошқа ташкилотлар билан интеграция қилиниб, соҳага дастурий таъминот ва сунъий интеллектни қўллаш билан шугулланади.

Шунингдек, Президентимизнинг 2024 йил 14 октябрдаги “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарориди хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини кенг таҳлил қилган ҳолда, мамлакатимизда сунъий интеллектни ривожлантириш вазифалари белгилаб берилди. Шу нуқтаи назардан, “Рақамли суд” тушунчаси тўғрисида батафсил тўхталиш жоиздир.

“Рақамли суд” – замонавий технологияларни ва сунъий интеллектни суд тизимига жорий қилиш орқали суд ишларини тезлаштириш, самара-

дорлигини ошириш ва шаффофлигини таъминлашга йўналтирилган янги ёндашувдир.

Шу жиҳатдан, “Рақамли суд” концепцияси асосида кўплаб хорижий давлатларда суд иш юритиши йўлга қўйилган, унинг мақсади суд ишларини тўлиқ электрон шаклда юритиш ва суд жараёнларини автоматлаштиришга қаратилгани жуда муҳим.

Айни вақтда Ўзбекистонда судлар фаолиятида, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда, ишларни электрон шаклда юритиш юзасидан амалий тадбирлар аллақачон бошланган.

Хусусан, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд муҳокамаси иштирокчиларини ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилиш каби имкониятлар судлар фаолиятида бир қатор қулайликларни вужудга келтирган.

Бунга мисоллар келтираемиз. Олий суднинг MY.SUD.UZ порталидаги:

- “Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судларга, маъмурий ва иқтисодий судларга электрон шаклда мурожаат қилиш”;
- “Фуқароларнинг судларга мурожаат қилишида ҳужжатларнинг тайёр намуналаридан фойдаланиш имконияти”;
- “Тўлалиши лозим бўлган давлат божни миқдорини аниқлаш”;
- “Барча тўловларни, шу жумладан, давлат божини ҳисобга олиш ва тўлашнинг ягона электрон тизими”;
- “Ишларни суд мажлисида кўриб чиқишга тайинланган санаси ва вақти ҳақида онлайн тарзда хабардор бўлиш”;
- “Олий суд раҳбарияти қабулига электрон рўйхатдан ўтиш” каби яна бир қанча интерактив хизматлар воситасида аҳолига кенг қўламли қулайликлар яратилган.

“Рақамли суд”нинг афзалликлари ҳақида сўз борганда, биринчидан, бу тизим ёрдамида суд ишларининг кўп қисмини автоматлаштириш ва электрон платформалар орқали юритиш имкони туғилганини таъкидлаш лозим.

Бу, ўз навбатида, суд жараёнларининг кечикишига сабаб бўладиган ресурс ва вақтни тежашга имкон бермоқда. Шу билан бирга, электрон ҳужжат айланиши вақтини тежашга ҳам ёрдам беради.

Иккинчидан, блокчейн технологиялари ёрдамида суд қарорлари ва ҳужжатларининг ўзгаришсиз ва хавфсиз сақланиши суд тизимининг шаффофлигини таъминлайди. Аҳоли ўзига тегишли ишлар ҳолатини кузатиши ва суд қарорларига бўлган ишончини ошириш имкониятига эга бўлади.

Учинчидан, ушбу тизим орқали фуқаролар суд жараёнларига масофадан туриб иштирок этишлари, ҳужжатларни онлайн тарзда топширишлари, суд қарорларини тезкорлик билан олишлари мумкин. Бу, айниқса, чекка ҳудудларда яшовчи фуқаролар учун жуда катта қулайлик яратади.

Хулоса қилиб айтганда, рақамлаштириш жараёнлари орқали суд ишлари тезкорлик билан кўриб чиқилади. Бу эса фуқароларнинг судларда сарфлайдиган вақтини тежайди ва ортиқча бюрократик тўсиқларни камайтиради. Масофадан туриб суд жараёнларида иштирок этиш ва ҳужжатлар алмашинувиини автоматлаштириш орқали самарадорлик сезиларли даражада ошади.

Иброҳим АЛИМОВ,

Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари – иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси.

ОИЛАВИЙ НИЗОЛАРДА БОЛАЛАР МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ: СУД АМАЛИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

АННОТАЦИЯ: ушбу мақола оилавий низоларда болалар манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган. Халқаро ва миллий ҳуқуқий нормалар таҳлил қилиниб, суд амалиётидаги муҳим жиҳатлар ва муаммолар кўриб чиқилган. Шунингдек, АҚШ, Швеция каби мамлакатларнинг илғор тажрибалари ўрганилган.

Калит сўзлар: оилавий низолар, болалар манфаатлари, суд амалиёти, медиация, халқаро тажриба, психологик экспертиза, ҳуқуқий ҳимоя.

Оилавий низолар жамиятда кенг тарқалган муаммолардан биридир. Уларнинг оқибатлари энг аввало, болалар манфаатларига зарар етказиши. Дунё тажрибасида бу масалага алоҳида эътибор берилган бўлса-да, Ўзбекистонда оилавий низоларда болалар манфаатларини ҳимоя қилишга доир муаммолар сақланиб қолмоқда.

Бунга мисол сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин.

Болалар фикрини тинглаш: Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 12-моддасига биноан, бола ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқига эга. Бироқ Ўзбекистонда бу жараён амалиётда етарлича қўлланмайди.

Психологик экспертиза: оилавий низоларда болалар манфаатларини аниқлаш учун психологик экспертизалар талаб этилади, ammo бу хизматларнинг сифати ва камрови чегараланган. Яъни болани ким билан яшаши тўғрисида қарор қабул қилинаётган пайтда суд психологик экспертиза тайинлайди. Экспертиза давомида боланинг ота ёки она билан бўлган алоқалари, ҳиссий боғланишлари ва руҳий ҳолати аниқ баҳолалишига юзаки қаралмаслиги керак.

Ўзбекистондаги судлар тажрибасида, масалан, Фарғона вилояти суди томонидан 2023 йилда кўриб чиқилган низода, ота-оналар ўртасидаги можаролар болаларнинг ҳиссий ҳолатига салбий таъсир қилгани аниқланган ва психологик экспертиза орқали бола манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилинган. Лекин, судда болаларнинг фикрини эшитиш ва психологик хулосаларни таҳлил қилишда баъзи чекловлар мавжуд эди. Ушбу мисоллар Ўзбекистон суд амалиётида болалар манфаатларини ҳимоя қилишда дуч келинаётган баъзи камчиликларни кўрсатади.

Энди чет эл тажрибасига юзланадиган бўлсак, АҚШда оилавий низоларни ҳал қилишда болалар манфаатларини ҳимоя қилиш учун махсус психологик экспертизалар ва медиаторлар ёрдамидан самарали фойдаланилади. Судлар болалар манфаатларини ҳисобга олишда аниқ ва қатъий қарорлар қабул қилади.

Швеция моделида эса, оилавий низоларни судгача ҳал қилиш учун махсус оилавий маслаҳатчилар жалб этилади. Бу усул болаларнинг руҳий ҳолатини инобат-

га олишга ва низоларни камроқ руҳий жароҳатларсиз ҳал қилишга ёрдам беради.

Ўзбекистонда оилавий низоларни ҳал қилишда болалар манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини ошириш учун бир қатор ислохотлар зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, болалар манфаатларини ҳимоя қилишда қуйидаги ислохотларни амалга ошириш зарур.

Биринчидан, оилавий низоларда медиация ва муроасага эришиш усуллари кенгайтириш. Медиация, оилавий низоларни тез ва самарали ҳал қилишнинг муҳим воситаси сифатида ривожлантирилиши керак.

Иккинчидан, болалар фикрини эшитиш ва психологик экспертизаларни мажбурий қилиш. Суд жараёнларида болалар фикрини тинглашни таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш учун психологик экспертизаларни кенгайтириш зарур.

Учинчидан, болалар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича махсус судлар ва мутахассисларни тайёрлаш, суд жараёнларида улар иштирокини таъминлаш.

Тўртинчидан, халқаро тажриба асосида қонунларни такомиллаштириш. Ўзбекистон қонунчилигида халқаро тажрибага асосланган ислохотларни амалга ошириш ва болалар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий норматив ҳужжатларни такомиллаштириш зарур.

Ҳабиба ХУДОЙБЕРДИЕВА,

фуқаролик ишлари бўйича

Учтепа туманлараро суди судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Bola huquqlari to'g'risidagi Konvensiya (1989-yil).
2. G'. Shoumarov tahriri ostida. Oila psixologiyasi. Toshkent: Fan nashriyoti, 2018.
3. Usmonova Munira Sayfiddinovna. Oilaviy nizolarda farzand va ota-ona munosabatlari. – Elektron manba: ppedu.jdpu.uz.
4. Oilaviy nizolarda mediatsiyani qo'llash. – Elektron manba: huquqburch.uz.
5. O'zbekiston Respublikasining Oila kodeksi (24.04.1998-yil, o'zgartish va qo'shimchalar bilan).
6. "Bola huquqlarining kafolatlari to'g'risida"gi qonuni (07.01.2008-yil, № ZRU-140).
7. Evropskiy sud po pravam cheloveka. Evropa inson huquqlari konvensiyasi (1950-yil). Strasburg: Rada Yevropa.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА БАРЧАМИЗ БИРДЕК МАСЪУЛМИЗ

“Адолат бор жойда – қонун устуворлиги таъминланади”

Мамлакатимизда энг долзарб бўлиб турган муаммолардан бири бу коррупциянинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бу иллатга қарши мунтазам курашиб келинади.

Жумладан, 2020 йил 29 июнь куни Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли фармонида кўра, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурини изчил рўёбга чиқариш, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгашнинг кенгайтирилган йиғилишида Президентимиз шахсан иштирок этиб, мазкур йиғилишда юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича бажарилган ишларга баҳо бериб, келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди.

Шунингдек, 2025 йил 21 апрелда Президентимизнинг “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-71-сонли фармони қабул қилинди.

Ушбу фармон билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш ҳар йили ҳудудлар кесимида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, прокурорлар ва ички ишлар органлари бошлиқлари билан биргаликда коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, шу жумладан, маиший коррупцияга барҳам бериш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш бўйича “йўл харита”сини тасдиқлаб, ижроси устидан назоратни таъминлаш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, Коррупция ва жиноятчиликка қарши курашишда парламентнинг ролини тубдан ошириш мақсадида Олий Мажлис палаталарига ҳар йили бюджетдан энг кўп маблағ оладиган учта вазирлик ва идорада коррупциявий омилларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш, вазир ва ҳокимлар лавозимига номзодлар тегишлича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари кенгашларида кўриб чиқиладиганда улар томонидан коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ режа ҳимоя қилинишига оид тартибни қонун ҳужжатларида белгилаш, халқаро тажрибани ўрганиб, кибермаконда коррупцияга қарши самарали курашиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий база яратиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш, масъул идоралар вакилларида иборат ишчи гуруҳлар тузган ҳолда “жиноятчиликка қарши курашиш ҳафталиги” давомидида ҳар ойнинг 1 — 5 саналарида режа асосида “қизил” тоифадаги маҳаллаларга тушиб, жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш, туман (шаҳар), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ва ички ишлар органлари бошлиқлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар бериш ҳамда туман (шаҳар) ва маҳаллаларда илгари сурилган халқчил ташаббуслар асосида қонунларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси белгилаб берилди.

Шу билан бирга, мазкур фармон билан ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича прокурор, ички ишлар ва солиқ органлари раҳбарлари секторлар фаолияти бўйича юклатилган вазифалардан озод этилиши, секторлар ишига Бош вазир ўринбосарлари ва Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари масъул эканлиги юзасидан янги тартиб асосида йўлга қўйиш кўрсатилди.

Хулоса сифатида айтиладиган бўлсак, коррупция иллати нафақат давлатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, балки жамият тараққиётининг асосига зарба беради ва унга қўл урган ҳар бир инсоннинг тақдирини пароканда қилади. Ушбу иллатга қарши ҳар биримиз масъулият билан курашмас эканмиз, у ҳолда оилага, жамиятга ва давлатга хиёнат қилган бўламиз.

Хабибулло МАДАТОВ,

Зомин туманлараро иқтисодий суднинг раиси.

Бугунги кунда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу жараёнда тадбиркорларга тезкор, одил ва ишончли ҳуқуқий ечимларни таклиф этадиган замонавий механизмлар жорий этилмоқда. Яъни, эндиликда тадбиркор ўз ҳуқуқи поймол этилган тақдирда судга мурожаат қилишда иши ойлаб чўзилишига эмас, қисқа муддатда ҳал этилишига ишончи комил бўлади.

СУДЛАРДА ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙ МУҲИТ ШАКЛЛАНМОҚДА

Хусусан, баъзи низолар юзасидан суд қарорлари бир неча ҳафта ичида қабул қилиниши мумкин бўлган қисқартирилган иш юритиш тартиби жорий қилинган. Бу тадбиркорлик фаолиятидаги тўсиқларни ўз вақтида бартараф этиш имконини беради. Бизнес тўхтаб қолмайди, фаолият узлуксиз давом этади.

Шу билан бирга, суд тизимида рақамлаштириш ва электрон суд амалиёти орқали янги имкониятлар яратилмоқда. Тадбиркор судга ҳужжатларни онлайн юбориши, ишда масофавий тарзда иштирок этиши, шахсий кабинети орқали ишнинг қайси босқичда эканини кузатиши мумкин. Ҳужжат қабул қилиндими? Суд санаси белгиландими? Барчаси электрон тизим орқали кузатилади. Бу орқали вақт тежалаяди, харажатлар камаяди, иш жараёни шаффофлашади.

Энг муҳими, барча ҳаракатлар тизимга автомат тарзда ёзилиб борилади. Бу эса коррупциянинг олдини олиш, манфаатдорлик ҳолатларининг юзага келишини чеклашда муҳим аҳамият касб этади.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида тадбиркорларга нисбатан ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи қатор янги ҳуқуқий механизмлар ва назорат тизимлари ҳам жорий этилди. Энди судьялар ва суд ходимлари қонундан четга чиқиши мумкин бўлмаган тизим шакллантирилмоқда. Натижада, тадбиркорлар судга мурожаат қилар экан, ўз ҳуқуқларини кўрқмасдан, ишонч билан ҳимоя қила олади.

Судларда кичик ёки йирик бизнес бўлишидан қатъи назар, ҳар бир тадбиркор тенг ҳуқуқли ҳисобланади, унинг фикр ва далиллари суд мажлисида бевосита кўриб чиқилади ва юзага келган низо қонун асосида ҳал этилади.

Умид АЛИЕВ, Зилола РАХМАНОВА,

Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьялари.

“ЎЗБЕКИСТОН 2030” СТРАТЕГИЯСИДА СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АЛОҲИДА ХУСУСИЯТЛАРИ

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси мамлакатнинг барқарор ва инклюзив ривожланишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ва Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ривожланиш йўналишларини белгилайди. Унда турли соҳалардаги ислоҳотлар, иқтисодий ўсиш, таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимларининг такомиллаштирилиши, экологик барқарорликни таъминлаш ва давлат бошқарувини замонавийлаштириш каби мақсадлар кўзда тутилган.

Стратегиянинг тўртинчи йўналиши – қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга.

Унинг 2-банди “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар”га бағишланган бўлиб, унда бир қатор устувор вазифалар белгиланган, жумладан, 84-мақсад “Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашни суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мезонига айлантириш”, деб номланган.

Унда озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш амалиётини 30 фоиздан 20 фоизга тушириш, судлар ҳамда тергов органлари фаолиятида айрим процессуал ҳаракатларни масофадан туриб амалга ошириш имкониятларини камида 2 баробарга ошириш назарда тутилган.

Бундан ташқари, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда маъмурий адлия тизимини янада ривожлантириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш ва унинг фаолиятида очиқликни таъминлаш каби устувор вазифалар ҳам белгиланганки, бу мақсадларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши аҳолида одил судловга бўлган ишончнинг янада ошишига хизмат қилади.

Судларга бевосита мурожаат қилишга тўсқинлик қилаётган омилларни тўлиқ бартараф этиш, судга қадар босқичда низоларни ҳал қилиш самарадорлигини ошириш, маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни кўриб чиқиш натижалари устидан судларга юборилаётган шикоятларнинг электрон шаклда келиб тушишига эришиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига нисбатан кўрилатган жиноят ишларида ҳимоячи ёки жамоат ҳимоячиси иштирокини таъминлашга эришиш юртимизда инсон қадрли тобора улғулиниб, инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун эканлигининг бир исботидир.

Албатта, бу ҳужжат мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожда муҳим қадамлардан бири бўлиб, барча учун дастуриламал ҳужжатлардан саналади.

Шунингдек, адвокатура институтини ўз-ўзини бошқариш тизимига ўтказиш ҳамда унинг давлат органлари ва бошқа тузилмалардан мустақиллигини таъминлаш ўта муҳим вазифадир. Қолаверса, адвокатлар малакасини оширишнинг замонавий ва халқаро стандартларга мос келувчи ва муқобиллик тамойилига асосланган тизимини жорий этиш, адвокатлар ҳамда судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида электрон ҳужжатлар алмашинувини йўлга қўйиш ҳам яратилаётган қулайликлардан бири ҳисобланади.

Эътиборли жиҳати, эндиликда давлат бошқаруви рақамли ҳукумат тизимига босқичма-босқич ўтмоқда. Бевосита бу тизим куйидан юқорига қараб амалга оширилади. Қўйи деганда, маҳаллаларда электрон давлат нуқталарини шакллантириб бориш назарда тутилмоқда. Чунки маҳалла фуқаролар учун энг яқин нуқта ва бу ерда ўша айтилаётган хизматлар амалга оширилади.

Стратегияда Суд-ҳуқуқ соҳаси ислоҳотларини бевосита 3 та йўналишга бўлиш мумкин.

Биринчиси, суд-ҳуқуқ системасини рақамлаштириш йўналиши. Бу ерда биринчи навбатда фуқаролар судларга мурожаат қилган пайтда ҳар бир босқичнинг рақамлаштирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни, ортиқча оврагарчиликларнинг олдини олиш ва фуқароларнинг суд билан тезкор боғланишини таъминлаш учун ҳам бу йўналиш муҳим ҳисобланади. Масалан, фуқарога жиноий иш кўзғатилган пайтда судлардаги жараёни кузатишга ва мавжуд вазият билан танишишга эҳтиёж бор эди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, суд жараёнини тўлиқ электронлаштириш ва вазиятни доимий кузатиб туриш тизими шаклланади.

Иккинчи йўналиш сифатида коррупциянинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни 2030 йилга қадар бутун қонунчилик коррупциядан холи бўлади. Бу ҳам давлат олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Дейлик, давлат харидлари билан боғлиқ соҳаларда ёки манфаатлар тўқнашуви муносабатларида коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш ва бу соҳани ҳам рақамлаштириш асосий мақсад сифатида қаралмоқда.

Учинчи йўналиш сифатида Конституцияда белгиланган актлар, “Миранда қондаси” каби нормаларни амалдаги қонунчиликка сингдиришни ҳам стратегиянинг асосий мақсадларидан бири сифатида қарашимиз мумкин. Умуман олганда, бу йўналишлардан асосий мақсад, судларни, умуман, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни халққа янада яқинлаштириш, халқ билан ўзаро узвий боғлиқликни шакллантириш ҳисобланади.

Ҳуқуқий онгни ривожлантиришда биринчи навбатда давлат органларидан фаоллик талаб этилади ва ўз навбатида, фуқаролар ҳам маълум масалада ҳуқуқий муносабатга киришганда ички ҳиссиётга берилмаслиги керак. Чунки ҳуқуқий муносабатларда ҳиссиётларга ўрин йўқ. Бу жараёнда уларнинг қонунчилик доирасида муносабатга киришгани мақсадга мувофиқ. Мавжуд қонунчиликлардан хабари бор одам, албатта, ўз ҳуқуқининг таъминланишига эришади.

Бекзод ЖАМАЛОВ,

Тошкент туманлараро маъмурий судининг судьяси.

ЕРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Ер умуммиллий бойлик бўлиб, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилонга фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилиниши қонунчиликда белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасида ҳам Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлик эканлиги, улардан оқилонга фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида эканлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 6243-сонли фармони билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига оид ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш, ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш, фойдаланишга бериш, келгусида ажратиш учун захиралаш, бириктириш, ободонлаштириш учун бериш ёки ерларни бошқача йўл билан тасарруф қилиш ваколатлари, улар юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқи 2021 йил 1 августдан бекор қилинган.

Шунингдек, шу Фармон билан Кадастр агентлиги органларига ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ ушбу ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш, ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонини қайтариш ёки унда ноқонуний қурилган иморатларни бузиш юзасидан тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган.

Мамлакатимизда ерга оид муносабатларда тенглик ва шаффофликни, ер ресурсларидан оқилонга ва мақсадли фойдаланилишини таъминлашга ҳамда ер участкалари ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишининг олдини олишга қаратилган тизимли ишлар давом эттирилган ҳолда муҳтарам Президентимизнинг 2024 йил 15 ноябрь куни “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ер участкаларидан самарали фойдаланиш, соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 997-сонли қонуни ҳам имзолаиб Фуқаролик процессуал кодекси 32-боб билан тўлдирилганлиги маълум қилиниб, унга кўра ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, давлат мулкида бўлган ер участкасини қайтариш, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги ишларни юритишнинг ўзига хос хусусиятлари, даъво аризаси бериш, даъво аризасининг мазмуни, илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар, фуқаролик ишлари кўриб чиқиш муддатлари, ҳал қилув қарорининг кучга кириш муддатлари яна бир бор тушунтириб берилди.

Ушбу қонун ерга оид ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер эгаларининг мулкӣ ҳуқуқлари ҳимояси кафолатларини кучайтириш ҳамда мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олишга хизмат қилади.

Қашқадарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ва вилоят прокуратураси ҳамкорлигида ўтказилган семинар юқорида кўрсатилган ерга оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ низоларни судларда кўриш амалиёти, мазкур фуқаролик ишларини кўришда вужудга келаётган муаммолар ва уларнинг ҳуқуқий ечимларига бағишланди.

Семинарда Қашқадарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судьялари, туманлараро судлари судьялари, вилоят прокуратураси бўлим прокурорлари, прокурор ёрдамчилари, вилоят Мажбурий ижро бюро вакиллари ҳамда Кадастр агентлиги Қашқадарё вилоят бўлими вакиллари иштирок этиб, фуқаролик судларида даъво аризаси ва унга илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлардан тортиб, то суд қарори мажбурий ижро бюросига етиб боргунга қадар вужудга келадиган муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида тўхталди.

Семинар якуни билан иштирокчиларга тушунтиришлар берилиб, ерга оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ низоларни судларда кўриб чиқишида барча қонунларга оғишмай риоя қилиши, белгиланган муддатларда тарафлар ва прокурор иштирокини таъминлаган ҳолда кўриб чиқиш, ушбу тоифадаги ишлар бўйича келишув битими ёки медиатив келишув тузиш мумкин эмаслигини, ишни кўришда қонунбузилиш ҳолатларига дуч келинса хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдириши, ўз вақтида ерларни талон-тарож қилишнинг олдини олиш лозимлиги юзасидан тавсиялар берилди.

Шунингдек, келгусида Кадастр агентлиги раҳбариятига шаҳар ва қишлоқ жойларида икки қўшни фуқаролар, икки қўшни тадбиркорлик субъектлари ёки оилавий низолар оқибатида келиб чиққан мурожаатлар асосида бир-бирининг ноқонуний қурилишлари устидан келиб тушган мурожаатларни ўрганишда энг аввало шу ҳудуд маҳалла раиси ва ҳудудий профилактика инспекторлари иштирокида мурожаатда кўрсатилган қонунбузилишларни маҳаллий аҳоли жамоатчиликлари назорати иштирокида тўлиқ таҳлил қилган ҳолда хулоса қилиниб, ҳуқуқбузар фуқароларга қонунларни тўғри тушунтирган ҳолда, сўнг ўша тушунтириш ва хулосаларни илова қилган ҳолда судларга даъво аризаси бериш мақсадга мувофиқлигини тушунтирди.

Қонунчиликка кўра белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Бу шахс қурган иморатини тасарруф этишга — сотишга, ҳадя этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас.

Ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим.

Юқоридаги қонун талабларидан келиб чиқиб, фуқароларимизга белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларига қурилиш қилмаслик, ерларни фақатгина тегишли тартибда электрон онлайн-аукцион орқали сотиб олиш, иморат қуриш учун зарур рухсатнома олган ҳолда, архитектура ва қурилиш нормаларига риоя қилган ҳолда қурилиш ишларини амалга ошириш тавсия этилади.

Қамол НАМАЗОВ,

Қашқадарё вилоят суди раис ўринбосари, фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси.

СУДЛАР ФАОЛИЯТИГА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сонли фармони билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида эса матбуот хизматлари ташкил этилиши белгиланганди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги қарори билан 2020-2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури тасдиқланди. Дастурда 2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш; 2021 йил 1 июлдан бошлаб апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш; 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида "SMS" хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш; 2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш; 2022 йил 1 июлга қадар суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш; 2023 йил 1 январдан бошлаб суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш; судлар, Судьялар олий кенгаши ҳамда Судьялар олий мактабида ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини янада яхшилаш назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги "Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-11-сон фармони билан тасдиқланган "2023 - 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси"да судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, идоралараро электрон маълумот алмашинувини яхшилаш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди. Шунингдек, Стратегиянинг 3.7.-бандида судларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш назарда тутилган бўлиб, унда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш ишларини янада жадаллаштириш; судлар фаолиятига фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, суд ҳужжатларини автоматик тайёрлаш ва суд қарорларини таҳлил қилиш йўналишида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича чоралар кўриш каби тартиблар назарда тутилди.

2025 йилнинг 25 январь кунида "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қилишишнинг яго-

на электрон тизими" (project.gov.uz (loyiha.adliya.uz)) орқали "Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини янада кенгроқ жорий этиш ва суд соҳасида рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси муҳокамага қўйилди.

Ўзбекистонда судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг ретроспектив таҳлили ва ҳуқуқий асосларини ўрганиш натижасида шундай хулоса қилиш мумкинки, мазкур жараён босқич-ма-босқич, тизимли ва ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида шаклланган. Айниқса, сўнгги ўн йилликда суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида электрон ахборот тизимлари, видеоконференцалоқа ва суд жараёнларининг рақамлаштирилиши амалда жорий этилди.

Хусусан, "Электрон суд", "Ишончли ҳимоя", "E-Sud" ахборот тизимлари каби лойиҳаларнинг жорий қилиниши, жараёнда иштирок этувчи томонлар учун қулайлик яратиб, мурожаат қилиш, ҳужжатлар алмашиш, масофадан иштирок этиш имкониятларини кенгайтirdи. Шу билан бирга, иқтисодий судлар амалиётида ҳам видеоконференцалоқа воситасидан фойдаланиш, электрон далилларни қабул қилиш ва таҳлил қилиш амалиёти босқичма-босқич ривожланмоқда.

Шунингдек, электрон маълумотларга ҳуқуқий мақом бериш, уларни далил сифатида тан олиш ва улардан фойдаланиш механизмлари янада такомиллаштирилишини талаб этади.

Шу билан бирга, Иқтисодий процессуал кодекс даражасида "электрон маълумот" ва "электрон далил" тушунчаларининг ҳуқуқий таърифини мустаҳкамлаш; видеоконференцалоқа орқали иштирок этиш ҳуқуқини қонунан қафолатлаш, хусусан суд муҳокамаларида техник имкониятларни таъминлаш бўйича аниқ тартиблар ишлаб чиқиш; суд жараёнларида шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий ва техник механизмларини мустаҳкамлаш; судьялар ва суд ходимларининг рақамли саводхонлигини ошириш бўйича мунтазам малака ошириш курсларини ташкил этиш; аҳолининг онлайн суд хизматларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш учун оммавий ахборот воситалари ва интернет орқали тушунтириш ишларини кучайтириш устувор вазифа сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кароматжон ДАВЛЕТОВА,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси.

АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қонунчилиги ижроси устидан прокурор назорати тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари, унга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг предмети, мақсад ва вазифалари ҳамда миллий қонунчилик ҳолати таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: прокурор назорати, атмосфера ҳавоси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, давлат бошқаруви, қонунчилик ижроси.

Прокурорнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат йўналиши ва назорат предметиға тўхталишдан аввал, прокурор назорати ўзи нима деган саволға эътибор қаратсак.

Прокурор назорати - давлат фаолиятининг мустақил, ўзига хос тури ҳисобланади. Ушбу фаолиятни прокуратура органларидан бошқа ҳеч бир давлат идораси, ташкилоти, жамоат ташкилотлари, ёнқи, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, мансабдор ёки жисмоний шахслар амалға ошира олмайдилар.

Прокурорнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат предметиғи:

1) вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан боғлиқ қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги;

2) фуқаронинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши ташкил этади.

Албатта бу ҳуқуқ Конституцияда белгиланган фуқаронинг қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эға бўлиш ҳуқуқига эғалиғи, соғаға оид қонунбузилиш ҳолатларида ўзига ётказилган зарарнинг қопланиши таъминланиши билан боғлиқ ҳуқуқларни ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳуқуқларини ҳам қамраб олади.

Фуқаролар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги ҳуқуқларға ҳам эғадирлар:

- ўз ҳаёти ва соғлиғи учун қулай атмосфера ҳавосидан фойдаланиш;
- атмосфера ҳавосининг ҳолати ҳамда уни муҳофаза қилиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида теғишли давлат органларидан ўз вақтида ва ишончли ахборот олиш;
- атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқарилиши ҳамда унга физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатиши туғайли ўз соғлиғига ва мол-мулкига зиён етказилган ҳолларда зарарнинг ўрни қопланиши;
- атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиши ва жамоатчилик экологик экспертизасини амалға оширишда иштирок этиш.

Прокурорнинг назорат предмети сифатида фақат қонунлар ижроси назарда тутилдиғи ёки қонун ости ҳужжатлари, ҳукумат қарорлари ҳам қирадимиз деган саволға турлича қарашлар мавжуд. Аслида прокурор назорат предметиға нафақат қонунлар, балки бошқа қонуности ҳужжатлари ҳам қиради. Таъкидлаш жоизки, Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 2-моддасига асосан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ушбу қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир. Шунға қўра, прокурорнинг назорат предметиғи нафақат мазкур қонун, балки атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибға солувчи бошқа қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ижроси ҳам ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати:

- атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида яғона давлат сиёсати амалға оширилишини;
- атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқилишини ҳамда амалға оширилишини таъминлайди;
- атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши ва унга физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатишини тартибға солувчи техник регламентларни тасдиқлайди;
- атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида назоратни амалға ошириш тартибини белгилайди.

Шунға қўра, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар ижроси ҳам прокурорнинг алоҳида эътиборида бўлиши талаб этилади.

Шу каби Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзғариши вазирлиғи: атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш йўналишида идораларaro ҳамкорлиқни таъминлайди, ушбу соҳада яғона давлат сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда иштирок этади. Давлат ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалға оширишда қатнашади. Шунингдек, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишға оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этади, ўз ваколатлари доирасида бундай ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Бундан ташқари, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат экологик назоратини амалға оширади.

Махсус орган томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ижроси ҳам прокурор назорати предметиғи қамраб олади.

Ўз навбатида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда амалға оширишда иштирок этади, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалға оширилишини таъминлайди, теғишли ҳудудда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат экологик назоратини амалға оширади.

Прокурор соҳаға оид назоратни амалға оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атмосфера ҳавоси муҳофазасига қаратилган қарорлари, қабул қилинган ҳудудий дастурлар ижроси ва экологик назорат фаолиятини ҳам назорат қилади.

Ўз навбатида назорат қилувчи органларнинг фаолиятини ўрганишда, уларнинг фаолиятини тартибға солувчи норматив ҳужжатларни ҳам чуқур ўрганиш талаб этилади.

Прокурор атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини доимий таҳлил қилиб бориши, қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан қатъий прокурор таъсир чораларини қўллаши лозим.

Прокурорнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятининг чегараси масаласи ҳам олимлар томонидан мунозара мавзусига айланган.

Чунки прокурор томонидан қонун билан белгиланган ваколатларни қонунбузилиш ҳолатига мусаносиб равишда қўллаш масаласи муҳим. Зеро ҳар бир қонунбузилиш ҳолатига нисбатан, уни бартараф қилиш учун етарли ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилмоғи лозим, деб ҳисоблаймиз.

Мисол учун А.Х.Казарина “прокурор назоратининг чегарасини прокурорнинг қўрилаётган текшириш объектини танлаш, аниқланган қонунбузилиш ҳолатига нисбатан прокурор ваколати ва таъсир чорасини қўллаш билан боғлиқ мажбурий, мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган чегара” дея фикр билдиради. Бошқа олимлар, хусусан В.Г. Бессарабов, В.Р. Кузменко, Д.Л. Эрофеенколар “прокурор ўз ваколатларидан фойдаланиш чегарасини қуйидаги мақсадларға эришиш учун белгиланиш керак, бир томондан аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан ҳуқуқий муносабат билдирилмасдан қолмаслиғи керак, иккинчи томондан эса – прокурор назорати татбиқ қилинмайдиган соҳаларға унинг аралашувиға йўл қўймаслиқ, шунингдек прокурор назорат қилувчи орган функциясини бажармаслиғи таъминланиши керак”².

В.Б.Коробейниковнинг фикрича, “назорат чегараси” ўзида қуйидаги элементларни жамлайди: “прокурор назоратни амалға оширишига қаратилган назорат объектлари ва ҳужжатлар доираси; прокурор назоратининг ва улар томонидан қонунбузилиш ҳолатлари ва уларни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида тавсия этиладиган тадбирларнинг ўзига хос хусусиятлари”³.

Фикримизча бу борада олимлар, В.Г. Бессарабов, В.Р. Кузменко, Д.Л. Эрофеенколарнинг фикрларига қўшилиши мумкин, сабаби “назорат чегараси”ни белгиланиш айнан прокурор назоратини амалға оширишда унинг қонун билан белгиланган ваколатлари чегарасидан келиб чиқиб белгиланган мақсадға мувофиқ. Бу борада назорат чегараси тушунчасини ифодалашда “прокурор назоратни амалға оширишига қаратилган назорат объектлари ва ҳужжатлар доираси”ни киритиш билан боғлиқ фикрга қўшила олмаимиз. Гарчи прокурор

назоратини амалга оширишда нazorat объектлари ва ҳужжатлар доираси аниқ белгилаб олинсада, булар прокурор нazoratини четгарасини белгилаб бермайди, деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда, "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддасига асосан прокурор қонунларнинг ижро этилиши устидан нazoratни амалга ошириш жараёнида ўз ваколатлари доирасида:

- вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг ҳудуди ва хоналарига монеликсиз киришга, ҳужжатлар ва материалларни кўришга, текширишлар ўтказишга, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилишга;

- давлат органлари, ҳарбий қисмлар, вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан улар тасарруфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш, тафтиш ўтказишни, идоравий ва ноидоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга;

- мансабдор шахслар ва фуқаролардан қонун бузилиши ҳусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир.

Қонун бузилиши аниқланган тақдирда прокурор ушбу Қонунда ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўришга мажбур.

Шу ўринда прокурор нazoratининг четгараси билан боғлиқ Қонунда чеклов ҳам мавжуд. Ҳўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга прокурорнинг бевосита аралашлишига, шунингдек идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини бажаришига йўл қўйилмайди.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ижроси жамиятнинг фақат айрим тоифаларини эмас, балки бутун аҳолига дахлдорлиги ва аҳамияти, кўлами ва энг муҳим саналиши нуктаи назаридан прокурор нazoratини бу йўналишининг ўзига хос ҳусусиятлари, мақсад ва вазифаларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги ПФ-81-сонли "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон ҳўжалиги соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши ва унинг ижроси устидан нazorat прокуратура органлари зиммасига юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 21.06.2023 йилги 283-сонли "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон ҳўжалиги соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан нazorat бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи билан тасдиқланган Низомнинг 2-боби 7-бандига асосан, бошқарманинг вазифалари сифатида:

- табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш ва иқлим ўзгариши соҳасига доир дастурлар ва лойиҳаларда белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш, соҳада ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини шакллантириш;

- атмосфера ҳавоси, ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда давлат экологик нazoratини олиб борилишида қонунийликни таъминлаш;

- "яшил" ўсими таомилларини жорий этиш, атроф-муҳитга зарарли ташланмаларни қисқартириш ҳамда инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсирини камайтириш борасидаги вазифалар ижроси устидан қатъий нazoratни амалга ошириш;

- атроф-муҳитнинг ифлосланиши, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган ҳолатларнинг аниқланиши ва уларнинг бартараф этилишини нazorat қилиш;

- гидрометеорология хизмати фаолиятида, шунингдек, иқлим ўзгариши ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги юритилишида қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашдан иборат.

Ўз навбатида прокурор махсус Қонунлар билан юқорида қайд этиб ўтилган вазифалар юклатилган нazorat қилувчи идораларнинг ўзларига юклатилган вазифаларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан нazoratни таъминлаш талаб этилади.

Бу вазифаларни амалга оширишда аввало ҳудуддаги экологик вазиятга тўғри баҳо бериш учун мавжуд статистик маълумотларни чуқур таҳлил қилиш, фуқаролар ва юридик шахслардан келиб тушадиган мурожаатларни ўрганиш, ОАВда эълон қилинаётган атроф-муҳит билан боғлиқ муаммоларни доимий ўрганиб бориш, нazorat қилувчи органлар томонидан тақдим этилаётган маълумотларнинг ҳақиқийлигига алоҳида эътибор қаратиш, текшириш ва таҳлиллар жараёнида аниқланган тизимли қонунбузилиш ҳолатларини ҳудуд прокуратураси

иш режаларига киритиш орқали мақсадли текширишлар ўтказиш ва қатъий прокурор таъсир чораларини қўллаш орқали бартараф этиш, вазиятни ўнглаш мумкин бўлади.

Прокурор нazoratининг мақсад ва вазифалари бошқа нazorat қилувчи органлар билан бир кўришда бир хилдек туюлсада, аслида иккаласи бир-биридан тубдан фарқланади.

Нazorat мақсадларидаги умумий жиҳатлар: (қонунлар ижросини таъминлаш, ошқоралик, дахлдорлик), вазифалар (қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш, профилактика чораларини кўриш, айбдор шахсларни қонунларда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш), ишлаш методлари (текширишлар ўтказиш, ахборот-таҳлил фаолияти), фарқли жиҳатлар, қайсики фақат прокурор нazoratига тегишли бўлган:

1) Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимидир. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан нazoratни амалга оширадilar¹. Экология соҳасидаги нazorat органлари эса ижро ҳокимияти таркибига киради. (Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Республика ҳукумати таркибига киради); Нazorat қилувчи органлар айнан ўзларига Қонун ҳужжатлари билан белгиланган йўналишларда қонун ҳужжатлари ижроси устидан нazoratни амалга оширсалар, прокуратура органлари Республика ҳудудида соҳасидан қатъий назар барча қонунлар аниқ ва бир хилда ижро қилиниши устидан нazoratни олиб борадилар;

2) Прокуратура органлари бошқа нazorat қилувчи органлардан фарқли равишда бошқарув органи саналмайди, чунки нazorat фаолияти - давлатнинг бошқарув фаолиятининг таркибий қисми саналади².

3) Прокуратура органлари тўғридан-тўғри маъмурий ёки интизомий жазога тортиш ваколатига эга эмас, "...фақат суд олдида ёки ваколатли орган олдида айбдор шахсни жазолаш ва қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриш масаласини кўяди".

4) Прокурор нazoratини давлат бошқарув органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслардан мустақил равишда амалга оширилади.

Прокурорнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан нazorat самарадорлигини таъминлашда, аввало мазкур соҳада вазифа ва мажбуриятлар юклатилган ташкилотлар ва нazorat қилувчи органларнинг функциялари ва мажбуриятларини тўлиқ англаш, уларнинг Қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросини сўзсиз таъминлаши аҳволини чуқур ўрганиш талаб этилади.

Гарчи, турли сабаблар (мисол учун коррупциявий ҳолатлар) билан нazorat қилувчи органлар томонидан соҳага оид қонунлар ижроси устидан нazoratни амалга ошириш билан боғлиқ текширувлар натижаларига шубҳа бўлганда ёки нazorat қилувчи орган мансабдор шахси томонидан очикдан-очик манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилганлиги, ноҳилислиги тўғрисида аниқ маълумотлар бўлганда, ҳолат қайта-қайта текширилганда ҳам бир хил ҳулоса берилган ва мурожаат муаллифлари бундан норози бўлган ва бошқа ҳолатларда ҳам прокурор нazorat қилувчи орган функциясини бажариб, ўзи текширувни амалга ошириши мумкин эмас. Бундай ҳолатларда бошқа ҳолис мутахассисларни жалб қилган ҳолда тақрорий текширувларни амалга ошириш орқали масалани ҳал қилиш мумкин бўлади.

Ҳулоса қилиб айтганда, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бугунги кунда глобал ва миллий даражада долзарб экологик муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу жараёнда прокуратура органларининг роли муҳим аҳамият касб этиб, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга оид қонунларнинг тўғри ва бир хилда бажарилишини таъминлашга қаратилган бўлиб, у давлат органлари, ҳўжалик қилувчи субъектлар ва жисмоний шахслар фаолиятининг қонунийлигини текширишни ўз ичига олади. Шу тариқа, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш борасидаги қонунчилик ижросини таъминлашда прокурор нazoratини қучли ҳуқуқий қафолат сифатида хизмат қилади ва барқарор экологик муҳитни шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Бахтиёр РАСУЛОВ,

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. О.М. Мадалиев "Прокурор нazoratини". Дарслик. Ўмумий қисм. - Т: ТДЮИ нашриёти, 2009. - 424 бет.
2. См. Зверев Н.К. Место и роль органов военной прокуратуры в обеспечении экономической безопасности Вооруженных Сил РФ // Государственная власть и местное самоуправление. - 2003. - № 3. - С. 37-42
3. Прокурорский надзор: учебник / Под ред. Сухарева А.Я. М.: Норма, 2009. С. 179.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон; 01.06.2022 й.
5. Рохлин В.И. Прокурорский надзор и государственный контроль: история, развитие, понятие, соотношение. - СПб: "Юридический центр Пресс", 2003. С. 167.

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАВСИФИ

АННОТАЦИЯ: мақолада қурилиш ишларини олиб боришда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик, қурилиш жараёнида муҳим муаммоларни юзага келтириши, меҳнат хавфсизлиги талабларини бузиш, одамларнинг соғлиғига хатар туғдириши ва ҳатто фожиаларга олиб келиши, бу ҳолатлар жиноий жавобгарликни келтириб чиқариш асослари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, хавфсизлик талабларини таъминлаш ва бу соҳадаги ҳуқуқий нормаларни қўллаш, қурилиш фаолиятини самарали бошқаришга ёрдам бериши, меҳнат хавфсизлигига бўлган муносабатни ўзгартиришга ва қурилиш муҳитида хавфсизликни таъминлашга олиб келиши ҳақида мулоҳазалар юритилиб, қурилиш ишларини олиб боришда хавфсизлик қоидаларини бузиш жиноятининг криминалистик тавсифи тушунчаси, унинг объекти ва субъектлари тўғрисида батафсил таҳлиллар келтирилган.

Калит сўзлар: қурилиш, меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик, жиноий жавобгарлик, криминалистика, санкциялар, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик қоидалари.

Бугунги кунда қурилиш соҳаси кенгайиб боргани сари ушбу соҳада қурилиш ишлари хавфсизлиги ҳамда меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этишни таъминлаш масаласи ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (кейинги ўринларда ЖК деб юритилади) 257-моддасида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш жинояти ҳамда ЖК 258-моддасида назарда тутилган тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятининг қурилиш соҳаси билан боғлиқ жиҳатларини алоҳида ўрганиш орқали, жиноят қонунийлиги нормаларини такомиллаштиришни талаб этади.

Қурилиш ишларини олиб боришда хавфсизлик қоидаларини бузиш жиноятининг криминалистик тавсифи деганда, ушбу жиноятнинг умумий хусусиятлари ва белгилари ҳақида тизимлаштирилган маълумотлар тўплами, бундай жиноятларни тергов қилиш учун зарур бўлган типик хусусиятлар ва элементларнинг илмий асосланган модели, жиноятни содир этиш усули, жиноят изи, жиноятни содир қилган шахс, жабрланувчининг хусусиятлари, жиноят содир этиш жойи ва вақти, терговчиға жиноят ҳодисасини тўғри баҳолаш, самарали тергов йўналишини белгилаш ва тергов ҳаракатларини режалаштиришда ёрдам берадиган воситалар, жиноятларни очиш ва тергов қилиш жараёнида фойдаланиладиган типик маълумотлар ва қонуниятлар тизими, жиноятларни тергов қилиш методикасининг асосий таркибий қисми тушунилади.

Криминалистикага оид адабиётлар таҳлили жиноятларнинг криминалистик хусусиятлари деганда, ушбу категориянинг мазмуни ва маъносини аниқлашда турли хил ёндашувларга қарамай, криминалистик ҳамжамиятнинг аксарият аъзолари бир қатор муҳим масалалар бўйича умумий тушунчага эга.

Криминалистик тавсиф ҳақида тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, унинг назарий ва амалий аҳамияти, биринчидан, фанда криминалистик тадқиқотларни ташкил этиш (жиноятларнинг айрим турларини (гуруҳларини) тергов қилиш усулларини, тегишли дастурлар ва йўриқномаларни ишлаб чиқиш) учун зарур бўлган жиноятлар турининг (гуруҳининг) суд-тиббий жиҳатдан аҳамиятли белгилари тўғрисида маълум бир тарзда умумлаштирилган, тизимлаштирилган маълумотларни тўплаш ва узатишдан иборат. Иккинчидан, жиноятларнинг айрим турлари, хиллари, гуруҳларига қарши курашни ташкил этиш (бу версияларни кўрсатиш ва текширишда, терговнинг асосий йўналишларини белгилашда ва режалаштиришда, жиноятчининг шахси ҳақидаги маълумотларни таҳмин қилишда ёрдам беради)¹.

Қурилишда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик қоидаларини жиноий равишда бузишнинг криминалистик тавсифини қуйидагича кўриб чиқиш лозим: бу жиноятларнинг энг типик криминалистик аҳамиятга эга белгилари ҳақидаги умумлаштирилган фактик маълумотлар ва уларга асосланган илмий хулосалар ҳамда тавсиялар тизими бўлиб, буларни билиш ушбу жиноятларни ҳар томонлама, тўлиқ, ҳолис ва тез тергов қилишни ташкил этиш ва амалга ошириш учун зарурдир. Унинг мазмунини қуйидаги ўзаро боғлиқ маълумотлар ташкил этади: қурилишда хавфсизлик қоидаларини жиноий равишда бузиш ҳолатларини аниқлаш хусусиятлари

ва жиноят содир этиш вазияти ҳақида; жиноят усули, жиноятчи ва жабрланувчи шахсининг тавсифи ҳамда ушбу жиноятни содир этиш сабаблари.

Қурилишда хавфсизлик қоидаларини жиноий равишда бузиш усули ўз ичига жиноятга тайёргарлик кўриш, уни содир этиш ва яшириш бўйича ҳаракатларни қамраб олади. Тадқиқ қилинаётган жиноятлар усулининг ўзига хослиги шундаки, улар ҳам маълум ижтимоий хавфли ҳаракатларда (қурилиш ишларини олиб боришда хавфсизлик қоидаларини бевосита бузиш), ҳам ҳаракатсизлик (тегишли хавфсизлик қоидалари талабларини менсимаслик, қурилиш объектида меҳнат муҳофазасини таъминлаш бўйича мажбуриятларни бажармаслик)да ифодаланиши мумкин.

Кўп ҳолларда, қурилиш ишларини олиб боришда хавфсизлик қоидаларининг бузилиши қурилиш объектларида содир этилади. Қурилишда жароҳатланиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса жойи – одатда бу қурилиш ва саноат корхоналари объектлари бўлиб, уларда қурилиш объектлари, ишлаб чиқариш ва санитария-маиший бинолар ҳамда иншоотлар жойлашган бўлади.

Қурилишда хавфсизлик қоидаларини бузиш жиноятларининг субъектлари асосан қурилиш ташкилотларининг мансabdор шахслари бўлади. Шунинг таъкидлаш лозимки, қондабузарлар орасида қурилиш ташкилотларининг юқори, ўрта ва қуйи бошқарув бўғинларининг деярли барча лавозимларидаги ходимлари мавжуд.

Қурилиш ишлари давомида жароҳатланиш ҳолатлари, одатда, қурилиш ташкилотлари эгалари ёки раҳбарларининг хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича масъулият ҳиссининг пасайиши ёки баъзи ҳолларда йўқолиши натижасида юз беради. Раҳбарлар ишчиларни қурилиш ишларини хавфсиз бажариш қоидаларига ўргатишнинг замонавий усулларига етарли маблағ ажратмайдилар, соҳа қоидалари ва йўриқномаларини билишни текширишга юзаси ёндашадилар, бундан ташқари ишлаб чиқариш муддатларини қисқартиришга, маблағларни тежаш учун малакасиз ишчиларни жалб қилишга, тегишли стандартлардан ўтмаган арзонроқ материалларни ишлатишга ҳаракат қиладилар. Бу қурилиш ишларини олиб боришда хавфсизлик қоидаларини жиноий равишда бузишнинг асосий сабабларидан ҳисобланади.

Тадқиқ қилинаётган тоифадаги ишлар бўйича дастлабки текширув ўтказиш қуйидаги кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни ўз ичига олиши керак: гувоҳлар, ишчилар ва қурилиш ташкилоти мансabdор шахсларидан, шунингдек жабрланувчидан тушунтиришлар олиш; жабрланувчи олиб борилган тиббиёт муассасасидан унинг тана жароҳатларининг характери ва даражаси ҳақида маълумотлар олиш, қурилишни олиб бораётган ташкилотдан эса – жароҳатланиш ҳодисаси юз берган пайтдаги иш ҳақида ва ушбу ишларни бажариш жараёнида ишчиларнинг меҳнат шароитлари ҳақида маълумотлар олиш; ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни ўтказиш.

Мамлакатимизда пул маблағларини сақлаш ва инвестиция қилишнинг энг фойдали ва ишончли усули сифатида қурилишга пул тегишининг кенг тарқалганлиги, қурилиш соҳасида турли суиистеъмоликларга олиб келаётганлиги сир эмас.

Қурилиш ташкилотлари томонидан ўта юқори фойда олиш мақсадида нафақат қурилиш объектларининг максимал миқдорда зич жойлаштирилиши, балки уларни топширилиш муддатларини ҳам тезлаштириш, малакасиш ишчилар меҳнатидан фойдаланиш, қурилиш материаллари сифатида жиддий эътибор қаратмаслик каби ҳолатлар учрамоқда. Натижада, қурилиш ишларидан олдин кўпинча шо-шилиш баъзан муваффақиятсиз техник қарорлар қабул қилинади, қурилишнинг тайёргарлик босқичида тупроқнинг хусусиятлари ва ер пўстлоғидаги ёриқлар мавжудлиги ҳисобга олинмайди, ишларнинг ўзи эса кўпинча кеча-кундуз, ҳар қандай об-ҳавода, техник ҳолати хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган ма-шина, механизм, ускуна ва асбоблардан фойдаланган ҳолда, зарур шахсий ва жа-моавий ҳимоя воситаларисиз амалга оширилади. Бу эса инсонлар жабрланишига, жисмоний ва юридик шахсларга, шунингдек давлатга сезиларли моддий зарар етказилишига олиб келади.

“Зичлаштирилган қурилиш”нинг ўзига хос хусусиятларига келсак, у ту-рар-жой уйлари ва одамлар жойлашган бошқа биноларга бевосита яқин жойда қурилиш амалга оширилишида содир бўлади. Ўз навбатида, қурилиш объектида-ги бахтсиз ҳодиса (авария) натижасида нафақат бевосита қурилиш майдончасида бўлган ишчилар, балки ушбу қурилиш объектига яқин жойлашган биноларда бўл-ган одамлар ҳам жабрланишлари мумкин.

Мамлакатимиз қурилиш соҳасида камчиликлардан бири ҳар қандай юридик шахсларнинг фойда ортидан қувиб, уй-жой қурилишларини олиб боришлари, ўз навбатида қурилиш раҳбарлари ва мутахассисларининг профессионал даражаси жуда паст эканлигини таъкидлаш лозим. Бу замонавий талабларга жавоб бермай-диган ўқув дастурларини амалда қўллаш, касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун амалий машғулотларга ажратилган вақт-нинг асоссиз қисқартирилиши билан боғлиқ.

Қурилиш соҳасидаги фалокатлар (Жиззах шаҳрида қуриб битказилма-ган кўп-қаватли тура-жой биносининг қулаб тушиши, меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этилиши таъминланмаганлиги учун ишчиларнинг ҳалок бўли-ши) кўплаб қурбонлар, тузар-жой уйлари, бошқа бино ва иншоотлар, қурилиш объектларининг вайрон бўлиши билан боғлиқ бўлиб, жамоатчиликнинг қури-лиш ишлари олиб боришдаги хавфсизлик ҳолати юзасидан асосли хавотирини уйғотмоқда.

Суд ҳужжатларини ўрганиш асносида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш (ЖК 257-моддаси) жинояти юзасидан 20 та, тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш (ЖК 258-моддаси) жинояти юзасидан 19 та жиноят иши бўйича ҳукмлар ўрганиб чиқилди. Шу билан биргаликда ушбу порталда қурилишда хавфсизлик қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар ҳам ўрганилди. Бунда 2024 йил 8 сентябрь ҳолатига кўра шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (МЖТКнинг 99-модда-си) бўйича 6902 та, меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик-ни бузиш (МЖТКнинг 49-моддаси бўйича 5319 та қарор маъмурий қарор чиқди². Шу билан биргаликда таъкидлаш жоизки, МЖТКнинг 49-моддаси, яъни меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш бўйича суд томонидан чиқарилган қарорларнинг 95%дан ортиги рўйхатга олмасдан ходимларни ишлатиш (меҳнат қонунчилигини бузиш) билан боғлиқ бўлиб, меҳнатни муҳофаза қилиш қои-даларини бузишга оид суд қарорлари кам учрайди.

Суд-тергов амалиёти таҳлили натижалари бундай турдаги жиноятларни тергов қилишда терговчилар томонидан жиддий хатоларга йўл қўйилаётганини ҳам кўрсатмоқда (бахтсиз ҳодисани тергов қилиш (авария сабабларини техник тергов қилиш) материалларига асоссиз юзаки баҳо бериш, қоидабузарлик бил-лан юзага келган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғлиқли-гини аниқламаслик ва ҳоказо). Шу билан бирга, ўтказилган тадқиқот давомида дастлабки терговни олиб боришни сезиларли даражада қийинлаштирадиган асосий сабаблар қаторига, қурилиш ишларини олиб боришда хавфсизлик қои-даларини бузишга қарши курашиш бўйича тегишли тажриба йўқлиги билан бир қаторда, ушбу жиноятни тергов қилиш бўйича илмий асосланган тавсияларнинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ҳам киради.

Юқорида айтилганлар қурилиш ишларини олиб боришда хавфсизлик қоидала-рини бузиш ҳолатларини тергов қилиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни янада ўрганиш ва натижада ушбу турдаги жиноятни тергов қилиш методикасини тако-миллаштириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади, бу эса ўз навбатида диссертация тадқиқоти мавзусининг ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан долзарблигини белгилайди.

Шу билан биргаликда, қурилиш ишларини олиб боришда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик қоидаларини бузиш жиноятлари учун белгиланган жазолар ушбу қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига мос эмас. Чунки ушбу жи-ноятлар нафақат муайян шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказишда, балки маълум бир жойда ишларнинг тўхтаб қолишига, аҳолининг турар-жойидан кўчири-лиши, давлатнинг қурилиш, саноатлаштириш соҳасидаги ислохотларига нисбатан ишончсизлик кайфияти шаклланишига олиб келиши каби қўшимча салбий оқибат-лар келтириб чиқариши мумкин.

ЖКнинг 257-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, техника хавфсизлиги, саноат сани-тарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларининг шу қоидаларга риоя этилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши ўртача оғир ёки оғир тан жараҳа-ти етказилишига сабаб бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида эса, бундай қилмиш одам ўлимига; б) бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қи-лиш билан жазоланиши назарда тутилган.

ЖКнинг 258-моддасида тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўл-са, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йил-гача озодликдан маҳрум қилиш, ўша қилмиш: одам ўлимига; б) бошқа оғир оқи-батлар келиб чиқишига сабаб бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилган.

Ушбу қилмишларни транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жинояти учун белгиланган жазо билан солиштир-ганда, автотранспорт ҳодисаси туфайли 1 та шахс вафот этганида 7 йилгача, 2 ва ундан ортиқ одам вафот этганида ва бошқа оғир оқибатлар юз берганида 10 йил-гача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Диссертация тадқиқоти объекти бўлган жиноятларда бунданда оғирроқ оқибатлар келиб чиқсада, энг оғир жазо 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосан, ЖКнинг 257- ва 258-моддалари санкцияларини жазо-ни оғирлаштириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ушбу жиноятларнинг олдини олишга ёрдам беради, меҳнат муҳитида хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик қоидалари қурилиш жараёнида муваффақиятли фаолият олиб бориш учун жуда муҳим жараён бўлиб, жиноий ҳолатлар фақатгина ҳуқуқий таъсирларга олиб кел-масдан, балки қурилиш жараёнининг самарадорлигига ҳам салбий таъсир кўрсата-ди. Шундай экан мазкур тоифадаги жиноятлар бўйича тергов ҳаракатларининг ҳар томонлама олиб борилишини таъминлаш талаб этилади.

Бахтиёр ШИРИНҚУЛОВ,

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил ишланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Густов Г.А. Криминалистическая характеристика преступления / Курс криминалистики: в 3 т. Т. 1. Общетеоретические вопросы. Криминалистическая техника. Криминалистическая тактика / Под ред. О.И. Коршуновой, А.А. Степанова. СПб: изд-во "Юридический центр Пресс", 2004. С. 57-58.

2. <https://public.sud.uz/report> (мурожаат санаси 08.09.2024 й.)

ТЕРГОВ ЁКИ СУД ИШЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШГА АРАЛАШИШ

АННОТАЦИЯ: *мазкур мақолада муаллиф қилмишни тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш сифатида квалификация қилишнинг айрим масалаларини ёритган.*

Муаллифнинг қайд этишича жиноят таркиби тузилишига кўра суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш узоққа чўзилган жиноят ҳисобланади. У суд ҳужжатини бажаришдан қасддан бўйин товлаш факти аниқланган пайтдан бошланиб, айбдор томонидан суд ҳужжатида қайд этилган фармойиш амалда бажарилиши ёки жиноят содир этилишига тўсиқ бўлган воқеа бошланиши оқибатида тугайди.

Калит сўзлар: *тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашганлик, ижро этмаслик, жавобгарлик, хорижий тажриба, ижтимоий хавфлилик даражаси, одил судлов.*

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятларни квалификация қилиш тушунчасига турлича таъриф берилган. Жумладан, жиноятларни квалификация қилиш содир этилган ижтимоий хавфли қилмишни малакалаш муайян қилмишнинг жиноят қонунида кўзда тутилган у ёки бу жиноят таркибининг белгиларига мос келиши¹, содир этилган қилмишнинг белгилари ва жиноят таркибининг белгилари ўртасидаги аниқ мос келишини аниқлаш ва юридик мустаҳкамлаш², содир этилган қилмишни ҳуқуқий баҳолаш, унинг белгиларини энг тўлиқ таърифлайдиган жиноят-ҳуқуқий меъёрни танлаш ва содир этилган қилмишга нисбатан қўллаш³, содир этилган қилмишда ижтимоий хавфли қилмишнинг белгилари Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисмининг меъёрларида кўзда тутилган жиноят таркибининг белгиларига мос келишини аниқлаш ҳамда кодекснинг у ёки бу-моддасининг қўлланиши тўғрисида хулосага келиш⁴ сифатида тушунтирилади.

Шахснинг у ёки бу жиноятни содир этишда айблилиги масаласини ҳал этишда тергов органлари, прокурор ёки суд содир этилган қилмишнинг барча белгиларини ўзида ифода этувчи жиноят-ҳуқуқий нормани танлаши, яъни содир этилган ижтимоий хавфли қилмишни жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан малакалаши талаб этилади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида олимлар томонидан жиноятларни квалификация қилиш тушунчаси турлича таърифланади. Л.Д.Гаухман, А.А.Герцензон ҳамда И.В.Андреевларга кўра жиноятларни квалификация қилиш – муайян қилмишнинг жиноят қонунида кўзда тутилган у ёки бу жиноят таркибининг белгиларига мос келиши⁵, М.И.Коржанский ва А.Г.Левицкийлар эса жиноятларни квалификация қилиш содир этилган қилмишни жиноят-ҳуқуқий баҳолаш, унинг белгиларини энг тўлиқ таърифлайдиган жиноят-ҳуқуқий меъёрни танлаш ва унга нисбатан қўллаш⁶ деб тушунтиришади.

Жиноий тажовузнинг объекти жиноят таркиби элементи сифатида таърифланса, айрим муаллифлар энг умумий (абстракт) таъриф сифатида келтирадиган таъриф, бизнингча, ўринли бўлади. Жиноятнинг объекти – бу жиноят тажовуз қиладиган, у зарар етказа-

диган ёки зарар етказиш хавфини юзага келтирадиган (зарар етказиши мумкин бўлган) объект.

Э.Х.Норбўтаевнинг “манфаат” жиноятнинг объекти сифатидаги концепциясига кўра “манфаат” категорияси субъектлар ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларга нисбатан юқори поғонада туради, аммо ҳар вақт ҳам ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинавермайди.

“Манфаат” ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ажралмас элементи сифатида давлат ва шахснинг ҳуқуқида ифодаланадиган бойлик ва манфаатдир⁷. Айрим хорижий жиноят-ҳуқуқий тизимларда “жиноят объекти” термини умуман ишлатилмайди, унинг ўрнига “ҳуқуқий манфаат”, “муҳофаза қилинадиган ҳуқуқий манфаат” ва бошқа шу каби тушунчалар қўлланилади⁸.

Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш билан боғлиқ қилмишларни содир этишда субъект ҳаммавақт одил судловга зарар етказишни мақсад қиладди. Айнан шу жиҳатга кўра тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш билан боғлиқ қилмишларнинг объекти сифатида одил судлов асосларини келтириш ўринли.

Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш билан боғлиқ қилмишларни квалификация қилиш муайян қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш билан боғлиқ қилмишларни квалификация қилиш қоидалари – бу жиноят қонунини қўллашнинг ўзида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумларининг раҳбарий қарорларида назарда тутилган, шунингдек бошқа суд амалиётида ва жиноят ҳуқуқи назариясида яратилган йўллари ва усуллариدير.

Маълумки, суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралашиш жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклашга қаратилган фаолиятга салбий таъсир кўрсатади. Шу муносабат билан бундай ҳаракатларни содир этганлик учун қонунда маъмурий (МЖтК 198¹, 198²-моддалари) ва жиноий (ЖК 232, 232¹-моддалари) жавобгарлик белгиланган.

Қайд этиш лозимки, суд ҳужжати бажаришдан бўйин товлаш жиноятининг субъекти суд ҳужжатида муайян ҳаракатларни содир этиш ёки содир этишдан ўзини тийиш мажбурияти юклатилган шахс ҳисобланади.

Агар суд ҳужжати билан бундай мажбурият юридик шахсга юклатилган бўлса, уни бажаришдан бўйин товланганлик учун юридик шахснинг суд ҳужжати бажариш, ижросини ташкил қилиш ёки назорат қилиш хизмат вазифасига кирган мансабдор шахс ёки бошқа ходим жиноий жавобгарликка тортилади. Юридик шахс қайта ташкил этилган (қўшиб юборилган, қўшиб олинган, бўлинган, ажратиб чиқарилган, ўзгартирилган) ҳолларда, суд ҳужжати бажариш мажбурияти қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий меросхўри бўлган юридик шахснинг тегишли мансабдор шахсига ёки бошқа ходими зиммасига юклатилади.

Жиноят таркиби тузилишига кўра суд ҳужжати бажаришдан бўйин товлаш узоққа чўзилган жиноят ҳисобланади. У суд ҳужжати бажаришдан қасддан бўйин товлаш факти аниқланган пайтдан бошланиб, айбдор томонидан суд ҳужжатида қайд этилган фармойиш амалда бажарилиши ёки жиноят содир этилишига тўсиқ бўлган воқеа бошланиши оқибатида тугайди.

Жиноят қонунида шахснинг суд ҳужжати бажаришдан бўйин товланганлик ёки унинг ижро этилишига тўсқинлик қилганлик учун судланиши шахсни суд ҳужжати бажариш мажбуриятидан озод қилмаслиги сабабли, шахс томонидан шунга ўхшаш қилмиш судланганидан кейин содир этилган ҳолда, у умумий асосларда жавобгарликка тортилади.

Таҳлил этилаётган ЖК 232¹-моддасига мувофиқ суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралаштириш деганда, уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш, шунингдек давлат ижросисига ҳар қандай кўринишда қонунга ҳилоф равишда таъсир ўтказиш тушунилиши керак.

Бундан ташқари суд ҳужжати ва бошқа органлар ҳужжатлари ижро этилишига тўсқинлик қилиш деганда, давлат ижросиси фаолиятига қаршилиқ кўрсатишга, шу жумладан, суд ҳужжати ва бошқа органлар ҳужжатлари бажарилишини қийинлаштиришга ёки ўз вақтида ва сўзсиз бажарилиши мумкин бўлмайдиган ҳолатга келтиришга қаратилган қилмиш инobatга олинади.

ЖК 232¹-моддаси диспозицияси мазмунига кўра, суд ҳужжати ёки бошқа органлар ҳужжатлари ижро этилишига тўсқинлик қилганлик учун жиноий жавобгарлик мазкур ҳужжатлар мулкӣ ёки номулкий хусусиятга эга эканлигидан қатъий назар юзага келади.

Жиноят субъекти хусусида сўз юритилганда таъкидлаш лозимки, ЖК 232-моддаси иккинчи қисми ва 232¹-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят субъекти фақат мансабдор шахс ҳисобланади. Шунингдек, мансабдор шахснинг суд ҳужжати бажаришдан бўйин товланганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳам у муқаддам шундай қилмиш учун маъмурий жавобгарликка тортилган ва жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилган бўлиши талаб этилади.

Агар суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилган шахснинг ҳаракатларида бошқа, оғирроқ жиноят белгиси бўлса (масалан қасддан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш ва ҳ.к.), айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 232¹-моддаси ва ЖК мазкур жиноят учун жавобгарлик белгилловчи тегишли моддаси мажмуи билан квалификация қилинади.

Ўз навбатида айбдор томонидан ижро ҳужжати мажбурий ижро этаётган давлат ижросисига қаршилиқ кўрсатилганда, айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 219-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Яна бир жиҳатни қайд этиш керакки, ЖК 232, 232¹-моддаларида назарда тутилган жиноят таркиби формал ҳисобланади ва шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун қандайдир зарарли оқибат келиб чиқиши, жумладан моддий зарар етказилиши талаб этилмайди.

Ўз навбатида суд ҳужжати ижро этилишига тўсқинлик қилиш алоҳида жиноят таркибини ташкил этганлиги сабабли, қарздорнинг суд ҳужжати ижро этилишига тўсқинлик қилиши ЖК 232¹-моддаси ва ЖК 122 ёки 123-моддаси мажмуи билан квалификация қилиниши лозим.

Сайфилло РАМАЗАНОВ,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Махсус қисм. – Тошкент: "Адолат", 2016. Б. 6.; Якубов А. С. Теоретикские перспективы развития уголовно-правовой основы учения о преступлении. – Т., 1996. – С. 5-26.
2. Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. – М., 2005. – С. 3.; Герцензон А.А. Квалификация преступлений. – М., 2007.; Андреев И.В. Теоретико-правовые основы квалификации преступлений: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Омск, 2000. – С. 21.
3. Коржанский М.И. Квалификация преступлений. – Киев, 2000. – С. 10-11.; Левицкий А.Г. Квалификация преступлений. – М., 2001. – С. 140.;
4. Новоселов Г.П. Учение об объекте преступления. Методологические аспекты. – М.: Норма, 2011. – С. 45.
5. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлири учун дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 152; Rustamboyev M.H. Jinoyat huquqi (umumiy qism). Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Toshkent: TDYU, 2006. – Б. 125.; Уголовное право России. Часть Общая: Учебник для ВУЗов / Отв. ред. проф. Круликов Л.Л. – М.: БЕК, 1999. – С. 117-119; Российское уголовное право. В двух томах. Общая часть / Под ред. проф. Рагоа А.И. – М.: Юрист, 2001. Т.1. – С. 103-105; Шапаров Р.Д. Физическое насилие в уголовном праве. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 160-167.
6. Кудрявцев В.Н. К вопросу об отношении субъекта и предмета преступления. // Советское государство и право. – Москва, 1951. – № 8. – С. 58-59. Новоселов Г.П. Учение об объекте преступления. Методологические аспекты. – М.: Норма, 2001. – С. 60.
7. Красиков А.Н. Уголовно-правовая охрана прав и свобод человека в России. – Саратов, 1996. – С. 2-3.
8. Зателепин О. К вопросу о понятии объекта преступления в уголовном праве // Уголовное право. – Москва, 2003. – № 1. – С. 29-31. // Мирзаев У.М. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилганлик учун жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б. 37.
9. Уголовное право России. Учебник для вузов. В 2 т. Т. 1. Общая часть / Отв. ред. д.ю.н. А.Н.Игнатов и д.ю.н. Ю.А.Красиков. – М., 1998. – С.101.
10. Норбутаев Э.Х. Уголовный закон и его эффективность. Тошкент. "Мехнат" 2002 г.-С. 73.
11. Крылова Е., Серебренникова А.В. Уголовное право современных зарубежных стран (Англия, США, Франция, Германия): Учебное пособие. – М., 1997. – С.58-73.

ХУҚУҚНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ: НАЗАРИЙ АСОСЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

АННОТАЦИЯ: ушбу мақола фуқаролик қонунчилигида “хуқуқни суиистеъмол қилиш” тушунчасининг тарихий ривожланиши, назарий асослари ва замонавий талқинларини таҳлил қилишга бағишланган. Мақолада тарихий-хуқуқий, қиёсий ва аналитик усуллар қўлланилиб, феноменнинг хуқуқий табиати ва амалий аҳамияти очиб берилди.

Калит сўзлар: фуқаролик қонунчилиги, субъектив хуқуқ, шикана, рим хуқуқи, Европа қонунчилиги, Пруссия Ер Қонуни, Германия Фуқаролик Кодекси, Швейцария Фуқаролик Кодекси, чегаралар назарияси, манфаат назарияси, қонуний суиистеъмол, тарихий эволюция, замонавий ёндашувлар.

Фуқаролик қонунчилигида “хуқуқни суиистеъмол қилиш” тушунчаси хуқуқшуносликнинг мураккаб ва кўп қиррали масалаларидан бири сифатида ўз ўрнига эга. Ушбу феномен субъектив хуқуқларни амалга оширишнинг қонуний чегаралари ва уларнинг ижтимоий-ахлоқий мезонларга мувофиқлиги ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилишни талаб қилади.

Рим хуқуқидан бошлаб тарихий ривожланишга эга бўлган бу тушунча шикана каби алоҳида кўринишлардан тортиб, замонавий қонунчиликда умумий принцип сифатида шаклланган кенг концепциягача ўзгарди.

1794 йилги Пруссия Ер Қонунида Европа қонунчилигида биринчилардан бўлиб шикана (бошқа шахсга зарар етказиш ниятида хуқуқдан фойдаланиш) ва мулк хуқуқини суиистеъмол қилишнинг умумий ва махсус тақиқини белгиланган¹. Ушбу қонунда субъектив хуқуқнинг мақсади жамоат фаровонлиги билан боғланиб, мулк эгасининг мутлақ хуқуқлари чекланган.

1896 йилги Германия Фуқаролик Кодексида хуқуқни суиистеъмол қилишни тақиқлашда навбатдаги муҳим қадам бўлди. Унда икки асосий норма кўзга ташланади²:

1. “Агар хуқуқни амалга оширишнинг ягона мақсади бошқа шахсга зарар етказиш бўлса, бунга йўл қўйилмайди”. Бу шиканани аниқ тақиқлаб, зарар етказиш ниятини суиистеъмолнинг асосий мезони сифатида белгиланган (ГФК § 226);

2. “Яхши ахлоққа зид бўлган ҳаракатлар билан бошқа шахсга қасддан зарар етказган шахс унга етказилган зарарни қоплаши шарт”. Бу норма ахлоқий мезонларни жорий қилиб, суиистеъмолнинг натижаларига хуқуқий жавобгарлик юклаган.

1907 йилги Швейцария Фуқаролик Кодекси хуқуқни суиистеъмол қилишни тақиқлашда янгича ёндашувни жорий қилди, яъни “ҳар ким ўз хуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда инсоф билан ҳаракат қилиши шарт³. Хуқуқни очикдан-очик суиистеъмол қилишга йўл қўйилмайди”. Бу норма хуқуқдан фойдаланишда адолат ва виждонга асосланишни талаб қилади ва иккинчидан зарар етказиш ниятидан ташқари, хуқуқнинг мақсадга номувофиқ қўлланишини ҳам тақиқлади.

Швейцария қонуни Пруссия ва Германия қонунларидан фарқли ўлароқ, суиистеъмолнинг аниқ шакллари эмас, балки умумий принципни белгилаб, судлар ихтиёрига қўйиб берди. Бу хуқуқнинг ижтимоий мақсадини – жамиятдаги муносабатларни мувофиқлаштириш ва адолатсизликнинг олдини олишни таъминлашга қаратилган эди.

1889 йилги Испания Фуқаролик Кодексида хуқуқни суиистеъмол қилиш “хуқуқнинг одатий чегараларидан очик чиқиб кетган ният билан содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик” деб таърифланган⁴. Бу ёндашув шикана доирасини кенгайти-

риб, зарар етказиш нияти чекланмаган, балки хуқуқнинг мақсадга номувофиқ қўлланишига эътибор қаратган. Бу ижтимоий мувофиқлик ва инсофлиликни таъминлашга хизмат қилган.

1804 йилги Наполеон Кодексида хуқуқни суиистеъмол қилишга нисбатан аниқ тақиқ йўқ эди, лекин суд амалиёти деликт нормалар орқали бу муаммони ҳал қилди. XIX аср охирига келиб, француз судлари “хуқуқни бошқа шахсга зарар етказиш мақсадида қўллаш” (шикана) ва “хуқуқнинг чегараларини бузиб амалга ошириш” (суиистеъмол)ни ажратиб, “сезиларли манфаатсиз зарар етказиш қонуний эмас” деган қондани ишлаб чиқди. Бу судларга ижтимоий адолатни таъминлашда фаоллик берди.

Хуқуқни суиистеъмол қилиш феномени тарихан Рим хуқуқидан бошланган бўлиб, турли кўринишларда ўзини намойиш этган. Масалан, шикана – яъни бошқа шахсга зарар етказиш ниятида қилинган хатти-ҳаракатлари – бунинг ёрқин мисолдир. Рим хуқуқида қўлланилган “Мен ўз ерим чегарасида сизнинг уйингиз деразаларига ёруғлик тушишига тўсқинлик қилиш учун баланд девор қураман”⁵, деган ибора шундай шикананинг очик ифодасидир.

Субъектив хуқуқларни амалга ошириш чегаралари назариясининг асосчиларидан бири В.П. Грибанов Рим хуқуқида “хуқуқни суиистеъмол қилиш” атамаси умуман мавжуд эмаслигини ва бунинг ноқонунийлиги умумий хуқуқий принцип сифатида расман тасдиқланмаганлигини⁶ таъкидлаган. Бироқ, манбаларни чуқур ўрганиш бундан фарқли хулосага келиш имконини беради.

О.А. Поротикова алоҳида мисоллар асосида фуқаролик хуқуқларини амалга оширишга доир талаблар мажмуининг қандай шаклланганини кўрсатади. Бу талаблар қаторига субъектив хуқуқни эҳтиёткорлик билан қўллаш зарурати, уни фақат зарар етказиш мақсадида ва ўз манфаатидан кўзламасдан ишлатмаслик, шунингдек, хуқуқни нотўғри амалга оширишнинг таснифлаш шартлари киради.⁷

А.В. Волков эса Рим хуқуқи ёдгорликларида “зарарлилик”, “соф виждон” ва “яхши ахлоқ” каби иборалар хуқуқнинг оқилона маънога мослигини аниқлаш мақсадида бир неча бор ишлатилганини таъкидлайди. Бу атамалар хуқуқни инсофли амалга оширишнинг умумий принциpigа асосланади. Замонавий тушунчада эса бу, агар махсус нормалар мавжуд бўлмаса, суднинг умумий принципларга таяниб, ўз қарорини мустақил равишда чиқаришини билдиради.

Шикананинг умумий тақиқланиши ҳамда мулк хуқуқини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ махсус тақиқ биринчи марта 1794 йилги Пруссия Ер Қонунида ўз аксини топди.

Пруссия Қонунида субъектив хуқуқнинг мақсади биринчи бор жамоат фаровонлиги деб белгиланди. Бу ер эгасининг

мутлақ мулк ҳуқуқини чеклашга хизмат қилди: ерни хўжасиз қолдириш тақиқланди ва "ҳар бир деҳқон ўз участкасини ишлаб чиқишга мажбур, умумий эҳтиёжларни қондириш учун мажбурланган". Шикананинг асосий белгиси зарар етказиш нияти бўлиб, ҳатто зарар таҳдиди ҳам шундай деб баҳоланди – масалан, ерга ишлов берилмаса, очлик хавфи юзага келиши мумкин эди, бу субъектив тахмин асосида аниқланарди.

XX аср бошларига келиб, 1907 йилги Швейцария Фуқаролик Қонуни бу соҳада муҳим қадам ташлади, яъни "ҳар ким ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда ва мажбуриятларини адо этишда адолатли равишда иш кўриши керак. Ҳуқуқни ошқора суиистеъмол қилишга рухсат берилмайди". И.А. Покровский бу каби "эластик" нормаларни танқид қилиб, уларнинг "ҳар қандай соҳани суд ихтиёрига ва ҳуқуқий ноаниқликка олиб келиши, ижтимоий тартибни тартибга солмаслиги"ни таъкидлайди.

1889 йилги Испания Фуқаролик Кодексида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш "ҳуқуқни амалга оширишнинг одатий чегараларидан очиқ чиқиб кетган ният билан содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик" деб тасвирланади. Бу таъриф шикана доирасидан бир қадар кенгайиб, зарар етказиш ниятига эътибор берилмайди.

Франция қонунчилигида эса ҳуқуқни суиистеъмол қилишнинг олдини олиш бошқа йўл билан шаклланди. 1804 йилги Наполеон Кодексида бу тақиқ алоҳида кўрсатилмаган эди. Бироқ, амалда бу муаммо мавжуд бўлиб, Франция судлари деликт нормаларига таяниб иш кўрди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, суд амалиёти "шикана"-ни субъектив ҳуқуқни бошқага зарар етказиш мақсадида қўллаш, "ҳуқуқни суиистеъмол қилиш"ни эса унинг чегараларини ёки моҳиятини бузиб амалга ошириш деб ажратди ва бунинг кенг тарқатди. Француз доктринасида бу тушунчага суд амалиёти таъсир кўрсатган бўлиши мумкин "агар ҳуқуқни амалга ошириш шахс учун сезиларли ва қонуний манфаат келтирмаса, лекин бошқага зарар етказишнинг ягона эҳтимолий натижаси бўлса, бу қонуний деб ҳисобланмайди". Бу формула Франция Фуқаролик Кодексида тузатиш сифатида таклиф қилинган, аммо қабул қилинмаган.

Ҳуқуқшунослар ҳуқуқни суиистеъмол қилишни доимо инсофсиз ва ижтимоий зарарли хатти-ҳаракат, ҳуқуқий тартиб-тамоилларга ва ҳуқуқ мақсадига қарши чиқувчи, ноқонуний ниятларга йўналтирилган фаолият деб бир овоздан эътироф этади. Ахлоқий ва ҳуқуқий нормаларнинг уйғунлиги масаласи эса ҳуқуқшуносларни турли фикрларга бўлди. С.Г. Зайцева "жамиятдаги ахлоқ ва бошқа ижтимоий нормаларга зид ҳар қандай вазиятни суиистеъмолга киритиш мумкин"⁸ деган фикрни қатъий рад этса, Н.А. Дурново "субъектнинг хатти-ҳаракатларини ахлоқ нормаларига мослаштириш мажбуриятини таъкидлайди ва бу чегараларни белгилашда "жамоат танқиди"га йўл қўйилмаслигини ҳимоя қилади"⁹.

Энг мукаммал ёндашув А.А. Малиновский томонидан ишлаб чиқилган, деб ҳисобланади. У субъект хатти-ҳаракати қонуний ёки қонунга хилоф бўлиши мумкинлигини, ижтимоий зарарли хатти-ҳаракат эса қонунда тақиқланганда аниқланади, деб кўрсатади¹⁰.

"Манфаат" тушунчаси феномен эволюциясида муҳим ўрин тутди. И.А. Покровский "Мен сиздан қарзни ундиришим мум-

кин, гарчи менга пул керак бўлмасада, бу сизнинг ҳалокатингизга олиб келади" деган мисол билан эгоистик манфаатнинг қонунийлигини шубҳа остига олган.

Шундай қилиб, ҳуқуқни суиистеъмол қилиш субъектга берилган ҳуқуқни бошқаларники билан тўқнашувда қўллаганда юзага келади. Бу муаммо ҳануз бир хил ечимга эга эмас ва унинг табиатини тушуниш амалий чоралар учун муҳимдир. А.А. Малиновскийнинг тадқиқоти бу феноменни энг яхши очиб берган ёндашув сифатида умумий ҳуқуқий принцип сифатида суиистеъмолга йўл қўймасликни ҳимоя қилади.

Илмий асосланганлик жиҳатидан Грибанов, Агарков, Малиновский ва Поротикованинг ишлари тарихий манбалар ва таҳлилий ёндашувга суянганлиги билан юқори баҳоланса, уларнинг барчаси феноменни тушунишда муҳим ҳисса қўшган.

Дурново ва Волков ахлоқ нормаларига мувофиқликни муҳим деб ҳисобласа, Зайцева жамиятдаги ахлоққа зид ҳар қандай вазиятни суиистеъмолга киритишни қатъий инкор этади. Бу ахлоқ ва ҳуқуқ ўртасидаги муносабатга турлича ёндашувни кўрсатади.

Покровский ва Радченко эластик нормаларнинг ноаниқлигини танқид қилиб, суд ихтиёрига шубҳа билан қараса, Малиновский ва Бармина умумий принципларни ривожлантиришга уриниб, кенгрок концепцияни шакллантиради.

Поротикова ва Волков феноменнинг тарихий эволюциясига (Рим ҳуқуқига) эътибор қаратса, Малиновский замонавий "қонуний суиистеъмол" концепциясини таклиф қилиб, уни ижтимоий-юримдик реалликда кўради.

Мақолада ёритилган масалага доир олимларнинг ёндашувларини таҳлил қилган ҳолда айтидиган бўлсак А.А. Малиновскийнинг позициясига бошқаларга нисбатан замонавий қарашларни ўзида мужассам этади. Унинг "ҳуқуқни қонуний суиистеъмол қилиш" концепцияси феноменининг замонавий контекстдаги моҳиятини энг яхши очиб беради ва илмий асосланганлиги билан ажралиб туради.

Авволбек МАМАДАЛИЕВ,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси (DSc).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. van der Merwe D. Law as datum and law as purpose: Otto von Gierke's conception of the social purpose of law and its continued relevance //German Law Journal. – 2018. – Т. 1017. – Р. 1116.
2. Bolgar V. Abuse of rights in France, Germany, and Switzerland: A survey of a recent chapter in legal doctrine //La. L. Rev. – 1974. – Т. 35. – Р. 1015.
3. Özsü U. 'Receiving' the Swiss Civil Code: translating authority in early republican Turkey //International Journal of Law in Context. – 2010. – Т. 6. – №. 1. – Р. 63-89.
4. Masferrer A. Plurality of Laws, Legal Traditions and Codification in Spain //J. Civ. L. Stud. – 2011. – Т. 4. – Р. 419.
5. Покровский И.А. Основные проблемы гражданского права. – 5-е изд., стереотип. – М.: Статут, 2009. – С.351.
6. Грибанов В.П. Осуществление и защита гражданских прав. – М.: Статут, 2000. – С.411.
7. Поротикова О.А. Проблема злоупотребления субъективным гражданским правом. – М.: Волтерс Клувер, 2007. – С.256.
8. Зайцева С.Г. "Злоупотребление правом" как правовая категория (вопросы теории и практики): дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.01. – Коломна, 2003. – С.198.
9. Дурново Н.А. Злоупотребление правом как особый вид правового поведения (теоретико-правовой анализ): дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.01. – Н. Новгород, 2006. – С.170.
10. Малиновский А.А. Злоупотребление субъективным правом как юридический феномен: дис. ... д-ра юрид. наук: 12.00.01. – М., 2009. – С. 404.

УЙ ҚАМОҒИ ТАРЗИДАГИ ЭХТИЁТ ЧОРАСИ: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг Ўзбекистон қонунчилигидаги ифодаси ва унинг ривожланиш босқичлари таҳлил этилган. Шунингдек, уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни назорат қилиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: уй қамоғи, процессуал мажбурлов чоралари, гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳуқуқий ислохотлар, инсонпарварлик тамойиллари, эҳтиёт чораси, электрон браслет.

Мамлакатимизда бошқа эҳтиёт чораларига нисбатан янги институт ҳисобланадиган – уй қамоғи эҳтиёт чораси инсонпарвар сиёсатнинг натижаси ўлароқ, бундан 11 йил олдин, биринчи марта 2014 йил 4 сентябрда Давлат раҳбари томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги” Қонуни³ билан Жиноят-процессуал кодекси (237-модда)га саккизинчи эҳтиёт чораси сифатида киритилди. Бунгача миллий қонунчиликда етти та эҳтиёт чораси мавжуд эди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 242¹-моддасида: уй қамоғи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзида эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёшени, соғлиги ҳолатини, oilaviy аҳолини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш номувофиқ деб топилган тақдирда қўлланилиши⁴ белгиланган.

Моҳиятига кўра, уй қамоғи – бу шахсни қамоққа жойлаштирмасдан, уни муайян жойда, асосан ўз уйида сақлаш орқали озодлигини чеклаш чорасидир. Бу чора одатда суд томонидан жиноят иши юзасидан тергов олиб борилаётганда эҳтиёт чораси сифатида қўлланилади. Мақсад – шахсни жиноят иши юритилиши давомида изоляция қилиш, бироқ эркинлигини мутлақо чекламай, уй шароитида назорат қилиш.

Миллий қонунчиликка мувофиқ, уй қамоғи гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратиб қўйилиб, ўзи мулкдор, ижарага олувчи сифатида ёки бошқа қонуний асосларда яшаб турган турар жойда тақиқлар (чекловлар) юклатилган, шунингдек унинг устидан назорат амалга оширилган ҳолда бўлишидан иборат бўлади.

Ҳуқуқшунос олима М.Қадиорованинг хулосасига кўра, “мажбурлов чораларидан бири бўлган уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси – бу ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш ва ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларга йўл қўймаслик мақсадида айбланувчи, судланувчининг суриштирув, дастлабки тергов ва суддан бўйин товлаши ёхуд жиноий фаолиятининг олдини олиш чораси бўлиб ҳисобланади”⁵.

Тадиқотчи У.Ёкубовнинг фикрича, “Ўзбекистон Республикасида эҳтиёт чоралари тизимига уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилиши жиноят содир этган шахсларнинг ижтимоий мослашувига қўлай шароитлар яратилиши билан бир қаторда, oilalarни сақлаб қолиш, ноҳўй қилмиш содир этган шахсга ўз oilаси бағрида бўлган вақтда тегишли хулоса чиқариб олишга, қамоқдаги шахслар сонининг камайишига хизмат қилади”⁶.

Олимларнинг юқорида келтириб ўтган фикр-мулоҳазаларини қўллаб-қувватлаган ҳолда таъкидлаш жоизки, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг бошқа эҳтиёт чораларидан ажралиб турадиган бир нечта фарқи ва ўзига хос хусусиятлари бор:

биринчидан, шахсга нисбатан инсонпарварлик тамойиллари билан (бу эҳтиёт чораси қўлланилаётганда фуқаронинг ёши, соғлигининг ҳолати, oilaviy аҳоли aloҳида эътиборга олинади);

иккинчидан, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ким бўлишидан қатъий назар жамиятдан тўлиқ ажратиб қўйилмайдиган, балки жиноят процесси манфаатларини кафолатлаши учун тарбиявий ва тушунтириш профилактик чора вазифасини ҳам ўтайди (фақат муайян чекловлар ўрнатилган ҳолда);

учинчидан, мазкур эҳтиёт чорасининг қўлланилиши давлат ва жамият манфаатларини ҳам ифода этади (дастлабки тергов ва суддан яшириниш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиш, жиноий фаолиятни давом эттириш имкониятидан маҳрум қилиш имконини оширади).

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси институтининг мамлакатимиздаги ривожланиш босқичларини шартли равишда 2 га ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

биринчи босқич – уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг миллий қонунчиликка ilk бор киритилган пайтдан (2014 йил 4 сентябрдан бошлаб) токи 2024 йил 5 декабргача бўлган давр;

иккинчи босқич – 2024 йил 5 декабрдан бошлаб, бугунги кунгача бўлган давр.

Биринчи босқични процессуал мажбурлов чоралари ичида энг таъсирчан ва нисбатан самарадор воситаларидан бири – уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг Ўзбекистон қонунчилиги ва амалиётида вужудга келган даври деб қайд этиш лозим.

Шу даврдан бошлаб уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал мажбурлов чораларининг ажралмас бир қисми сифатида қўлланилиб келинмоқда.

“Жиноят-процессуал мажбурлов деганда, жиноят процессининг вазифалари самарали рўёбга чиқарилишини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга таҳдид туғдирувчи ноқонуний қилмишларнинг олдини олиш мақсадида, қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлганда ва белгиланган тартибда ваколатли субъектлар томонидан жиноят процессининг иштирокчиларига нисбатан қўлланиладиган шахсий, мулкий ва ташкилий тавсифадаги ҳуқуқий чекловлар қўрилишидаги давлатнинг таъсир чоралари йиғиндиси тушунилади”⁷.

Айнан биринчи босқичда миллий қонунчиликка:

- уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қандай ҳолатлар ҳисобга оlinиb қўлланилиши (гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёшени, соғлиги ҳолатини, oilaviy аҳолини⁸);

- гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қайси жойларда жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратиб қўйилиши, яъни уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўташи (ўзи мулкдор, ижарага олувчи сифатида ёки бошқа қонуний асосларда яшаб турган турар жойда тақиқлар (чекловлар) юклатилган, шунингдек унинг устидан назорат амалга оширилган ҳолда бўлиши, шунингдек соғлиги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тиббий муассаса уй қамоғида сақлаш жойи этиб белгиланиши мумкин)

- уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахсга қўйиладиган тақиқлар (чекловлар);

- уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахсга бир нечта ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ҳуқуқларининг чекланмаслиги (белгиланган тақиқларга (чекловларга) риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси зиммасига юклатилган орган, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд билан сўзлашиш учун, шунингдек зарурият юзага келган тақдирда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни, тез тиббий ёрдамни, ёнеин хавфсизлиги хизматини, кутқарув хизматини ва бошқа шoiлиш хизматларини чақиритиш учун телефон aloқасидан фойдаланиш ҳуқуқи);

- уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахсни тегишли орган томонидан текшириш вақти ва тартиби (уй-жойидан чиқиши бўйича ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этилиши устидан назорат амалга оширилаётганда ички ишлар органи унинг яшаш жойида бўлишини сутканинг исталган вақтида текширишга ҳақли. Текшириш кундузги вақтда қўли билан бир марта ва тунги вақтда қўли билан бир марта ўтказилади) каби муҳим ҳуқуқий нормалар киритилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, бу даврда уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси, уни қўллаш тартибини адолатли ва ҳолисона ҳал этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигида кўплаб зарур нормалар акс эттирилган.

Иккинчи босқични уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси институтини қўллашни такомиллаштириш ва ушбу эҳтиёт чораси қўлланган шахсларни назорат қилиш механизмларини замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ривожлантириб бориш даври сифатида қайд этиш тўғри бўлади.

Бу босқичда уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини такомиллаштиришга қаратилган энг муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 5 декабрда қабул қилинган "Уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланилган ва озодликни чеклаш жазоси тайинланган шахсларни электрон браслет орқали масофадан туриб назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 813-сон қарорини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур қарор билан тасдиқланган Низомда бугунги давр талабларидан келиб чиқиб, уй қамоғи эҳтиёт чораси ва озодликни чеклаш жазоси қўлланилган шахсларни масофадан туриб назорат қилиш амалиётини йўлга қўйиш орқали жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ва жазо ижроси устидан самарали назоратни ўрнатиш механизмларини янада такомиллаштириш, уни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган бир қатор тартиблар белгиланди.

Ушбу Низомга мувофиқ; уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланилган ва озодликни чеклаш жазоси тайинланган шахсларнинг эҳтиёт чораси ва жазони ижро этиш жойида бўлишини электрон браслет орқали масофадан туриб назорат қилиш вазифаси ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади⁹.

Низомнинг тегишли бандларида электрон браслет уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланилган ёки озодликни чеклаш жазоси тайинланган шахс оёғининг болдир қисмига тақилиши, ўша шахс оёғининг болдир қисмига электрон браслетни тақиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда эса қўл қисмига тақилишига рухсат этилиши, аёл жинсидаги шахсга электрон браслет у билан бир жинсдаги ходим (ички ишлар органи жамоат хавфсизлиги хизмати ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори) томонидан тақилиши ва ечиб олиниши, шунингдек ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёллар, биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, тиббий кўрсатмага кўра электрон браслетни тақиш тавсия этилмайдиган шахслар (имплант қилинган кардиостимулятор ўрнатилган шахслар, юқумли тери касаллиги (аллерго контакт дерматит, тери замбуруғи ёки қичима касаллиги) бўлган шахсларга электрон браслет қўллаш мумкин эмаслиги тўғрисидаги тартиб-қоидалар назарда тутилган.

Мазкур Низом жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш, жазо ижроси устидан самарали назорат механизмининг ўрнатиш учун янги технологияларни қўллаш самарадорлигини оширишга ҳуқуқий асос бўлди, деб айтсак муболага бўлмайди.

Иккинчи босқичда шу соҳани такомиллаштиришга қаратилган яна бир муҳим ҳуқуқий ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2024 йил 11 июнда имзоланган "Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-89-сонли Фармони¹⁰ алоҳида келтириб ўтиш лозим.

Ушбу фармонга мувофиқ мамлакатимиз суд тизими тарихида илк бор 2025 йил 1 январдан бошлаб "Тергов судья"си институти жорий қилинди.

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларида ташкил этилган тергов судьяларига қуйидаги жиноят материалларини, шу жумладан санкциялар ва мажбурият чораларини қўллаш, хусусан:

қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ илтимоснома;

қамоққа сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш масалалари билан боғлиқ илтимосномани кўриб чиқиш ваколати юклатилди.

Бу билан Янги Ўзбекистондаги демократик ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланган суд-тергов амалиётида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашнинг самарали механизмларини жорий этиш юзасидан муайян натижаларга эришилди. Тергов судьяси институтининг жорий этилиши ва унга юқорида келтириб ўтилган баъзи бир муҳим ваколатларнинг берилиши, жиноят содир этганликда айбланаётган шахснинг эркинлик ва шахсий дахлсизликка оид конституциявий ҳуқуқларини суд орқали ишончли таъминлаш чораларини кучайтириш имкониятини ошираётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тадқиқотчи Э.Солиев тўғри таъкидлаганидек, "...давлат ва жамият ҳаётида мустақкам ўрин тутати ҳамда ишни судга қадар юритишда тортишув принципининг амал қилишини таъминлайдиган ҳолис, мустақил институт намунаси сифатида намоён бўлади"¹¹ (бу ўринда "тергов судьяси" институти назарда тутилмоқда – изоҳ бизники).

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси институти сўнгги 11 йил ичида жиноий одил судлов тизимида энг муҳим инсонпарвар ҳуқуқий механизм сифатида шаклланди.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси институтини такомиллаштириш, уни қўллашнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган амалий ишларни инкор этмаган ҳолда, тез ўзгариб бораётган ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқий муносабатлар тақозосига кўра бу соҳани янада ривожлантиришга қаратилган қуйидаги тақлиф ва тавсияларни билдиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- суд органлари томонидан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини тўғри ва самарали қўллаш, ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида, ушбу институтнинг ўзига хос хусусиятлари ва бу борадаги халқаро тажрибани ҳамда миллий қонунчилик ва амалиёт таҳлили асосида судьялар учун тегишли қўлланмалар ишлаб чиқиши лозим;

- жамоатчиликни, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мутахассисларини уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси ҳақидаги таҳлилий маълумотлар билан етарли даражада таништириб боришнинг замонавий тенденциялари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланилган ва озодликни чеклаш жазоси тайинланган шахснинг ҳаракатлианишини реал вақт режимида автоматик тарзда хабар юбориш орқали масофадан туриб назорат қилишга мўлжалланган, оёққа ёки қўлга тақиладиган электрон қурилма – электрон браслет ва бошқа зарур техник воситаларини тизимли равишда янгиллаб бориш ва уларнинг етарли даражасини ошириш ҳамда барча ҳудудларда тенг шароитларда қўллаш чора-тадбирларини кўриш.

Фаёза ҚАМБАРОВА,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида"ги ПФ-158-сон фармони. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
2. "Ўзбекистон – 2030" стратегияси/ <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
3. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги" Қонуни., <https://lex.uz/docs/2456411>.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси., <https://lex.uz/docs/111460>.
5. Қадирова М.Х. Жиноят процессуал мажбурият чораларини қўллашни рақамлаштириш имкониятлари. [file:///C:/Users/User/Downloads/481%20\(3\).pdf](file:///C:/Users/User/Downloads/481%20(3).pdf).
6. Ёкубов У.С., Уй қамоғи эҳтиёт чорасининг келиб чиқиш тарихи. EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES Innovative Academy Research Support Center. Volume 4, Issue 5, May 2024. 159-164 бетлар.
7. Жиноят-процессуал ҳуқуқ; Дарслик // юридик фанлар доктори, професор М.А.Ражабова таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 256.
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси., <https://lex.uz/docs/111460>.
9. "Уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланилган ва озодликни чеклаш жазоси тайинланган шахсларни электрон браслет орқали масофадан туриб назорат қилиш тартиби тўғрисида"ги Низом. <https://www.lex.uz/uz/docs/7249299>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони. <https://lex.uz/uz/docs/6964387>.
11. Солиев Э.Р., Ишни судга қадар юритишда жиноятлари тергов қилиш соҳасини такомиллаштиришга доир халқаро тажриба. ACADEMIC RESEARCH IN MODERN SCIENCE International scientific-online conference. <file:///C:/Users/User/Downloads/ARIMS+2709.pdf>.

ҲАРБӢЙ СУДЛАРДА МАЪМУРИЙ-ОММАВИЙ ҲУҚУҚӢЙ НИЗОЛАР: ҚОНУНЧИЛИК ВА ХОРИЖӢЙ ТАЖРИБА

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада ҳарбий судлар томонидан кўриладиган маъмурий-оммавий ҳуқуқий низола мазмуни, уларни тартибга солишчи миллий қонунчилик асослари ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил этилади. Шу орқали ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳарбий судларнинг роли ва самарадорлигини оширишга доир таклифлар илғари сурилади.

Калит сўзлар: ҳарбий суд, маъмурий низо, оммавий ҳуқуқ, ҳарбий хизматчи, халқаро тажриба, суд ҳокимияти.

Ҳарбий хизмат билан боғлиқ муносабатлар хусусий ва оммавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Шу муносабат билан ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий қисмлар ўртасида ёки ҳарбий шахслар билан давлат идоралари ўртасида юзага келадиган маъмурий-оммавий ҳуқуқий низола рни ҳал этишда махсус суд органлари – ҳарбий судлар муҳим ўрин тутати.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Судлар тўғрисида”ги қонуни, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, шунингдек, Ҳарбий судлар тўғрисидаги низо м асосида ҳарбий судлар ташкил этилган. Уларнинг асосий вазифаси – ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳарбий интизомни таъминлаш ва давлат ҳимоясини мустаҳкамлашдан иборат.

Маъмурий оммавий ҳуқуқий низола р – бу фуқаро (ёки хизматчи) билан давлат идораси ўртасида юзага келадиган ва маъмурий-ҳуқуқий нормалар орқали ҳал этиладиган низола рдир.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига кўра, ҳарбий хизматчилар ёки уларнинг ҳуқуқий ворислари томонидан ҳарбий хизматга оид масалалар юзасидан қонуний хатти-ҳаракатлар ёки қарорлар устидан берилган шикоятлар ҳарбий судлар томонидан кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 31-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари қонун билан ўз ваколатига киритилган маъмурий ишларни кўриб чиқади.

“Судлар тўғрисида”ги қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий судлари тизими Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ва ҳудудий ҳарбий судлардан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмаларнинг, ҳарбий бошқарув органларининг кўмондонлигига ҳамда ҳарбий бошқарув органлари қарорлари, ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни кўриши белгиланган.

Ҳарбий судлар фаолияти махсус нормалар билан тартибга солинганлиги боис кўпчилик суд ҳужжатлари билан танишиш ва илмий изланишлар олиб бориш имкониятини чеклайди.

Шу ўрида хорижий тажрибани таҳлил қилиш билан ҳарбий судларнинг маъмурий оммавий муносабатлардан келиб чиқадиган низола рни ҳал қилиш амалиётини таҳлил қиламиз.

Чунончи Россия Федерациясида ҳарбий судлар умумий суд тизими таркибида фаолият юритади ва ҳарбий хизматчилар иштирокидаги маъмурий низола рни кўради. Улар Россия Федерациясининг Маъмурий суд юритуви кодекси асосида фаолият олиб борадилар.

Германияда махсус ҳарбий маъмурий судлар мавжуд эмас, лекин ҳарбий хизматчилар оммавий ҳуқуқ соҳасидаги ҳар қандай низо м а маъмурий судларда кўриб чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда хизматчиларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг алоҳида суд муҳофазаси кафолатланган.

АҚШда ҳарбий хизматчилар учун “Uniform Code of Military Justice” (UCMJ) асосида ҳарбий судлар ташкил этилган. Маъмурий хусусиятдаги ишларни кўришда ички апелляция органлари мавжуд бўлса-да, конституциявий ҳуқуқларнинг бузилиши ҳолатида фуқаролик суд тизими мурожаат қилиш мумкин.

Ҳарбий судлар томонидан маъмурий-оммавий ҳуқуқий низола рнинг кўриб чиқилиши, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиради, уларнинг давлат органлари қарорларидан мустақил ва адолатли тарзда шикоят қилиш имкониятини беради.

Хорижий тажрибани ўрганиш билан ҳарбий судлар фаолиятини такомиллаштиришга оид қуйидаги таклифларни амалга ошириш, яъни ҳарбий судларда маъмурий ишлар бўйича ихтисослашувни кучайтириш, суд жараёнларида шаффофликни таъминлаш, хизматчиларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг институционал асосларини мустаҳкамлаш ва хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Маъмурий-оммавий ҳуқуқий низола р ҳарбий хизматчилар учун фаолиятнинг муҳим ҳуқуқий жиҳатларидан биридир. Ҳарбий судларнинг бу соҳадаги самарали фаолияти нафақат хизматчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, балки армиянинг умумий ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилади. Халқаро тажриба бу соҳада ислохотларни амалга оширишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Азиз АМИНОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://www.lex.uz/docs/3523891>
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. <https://www.lex.uz/docs/3527353>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни. <https://www.lex.uz/docs/3227353>

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДАГИ ПРОЦЕССУАЛ ЧИҚИМЛАРНИ ҚОПЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жиноятга оид одил судловни процессуал чиқимларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, мазкур институт жиноят ишларини юритишнинг барча босқичларидаги процессуал ҳаракатларни амалга оширишни ташкилий-моддий жиҳатдан таъминлайди, иштирокчиларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоялайди. Умуман, у жиноят процессининг молиявий воситаси бўлиб хизмат қилади.

Республикаимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясига мувофиқ жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган улкан ислохотларга қарамай айни кунда ҳуқуқни қўллаш амалиётида юритилаётган жиноят ишларининг 80 фоизиди процессуал харажатлар тўланмай қолмоқда, судлар томонидан ушбу харажатларни ундириш амалиёти етарлича ишламаяпти¹. Шу боис, процесс иштирокчиларининг йўл ҳақи, турар жой ижараси ва бошқа харажатларини тўлаш орқали жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноят процесси иштирокчилари ҳамда давлатнинг мулкӣ манфаатларини муҳофаза қилиш жиноят процессининг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шубҳасиз, қонун устуворлигини таъминлаш инсон қадрини улуғлашга хизмат қилади. Ушбу мақсадларнинг жиноятга оид одил судловга доир қисми ўз ўрнида, жиноят-процессуал муносабатлар билан боғлиқ муайян сарф-харажатларга заруратни юзага келтиради. Негаки, жиноятга оид одил судловни процессуал чиқимларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, мазкур институт жиноят ишларини юритишнинг барча босқичларидаги процессуал ҳаракатларни амалга оширишни ташкилий-моддий жиҳатдан таъминлайди, иштирокчиларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоялайди. Бироқ, унинг юридик моҳияти, ҳуқуқий чегаралари ҳамда уни тўлаш механизмига ханузгача ойдинлик киритилмаган. Бу эса, нафақат жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаларини самарали амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда, балки жиноят процесси иштирокчиларининг мулкӣ ҳуқуқлари бузилишига ҳам сабаб бўлиб, юриспруденция илмида процессуал чиқимлар институти билан боғлиқ илмий-амалий муаммоларни тизимли тадқиқ қилиш эҳтиёжини юзага келтирмоқда.

Бугунги кунда суд харажатлари институтига юридик манбаларда берилган таърифлар процессуал чиқимлар институтининг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Жумладан, А.Х.Раҳмонкуловнинг фикрича, процессуал чиқимлар – жиноят процессининг айрим иштирокчиларига улар ўз мажбуриятларини бажарганликлари учун, шунингдек, ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатиш кабилар учун тўланадиган пул суммалари бўлиб, улар давлат томонидан тўланади². Ушбу фикр нуқтаи назаридан қаралса, процессуал чиқимлар доираси жиноят процессининг айрим иштирокчиларига улар ўз мажбуриятларини бажарганликлари учун, шунингдек, ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатиш учун бериладиган харажатлар билан чекланиб, улар орқали барча турдаги чиқимларни қамраб олишга ҳаракат қилинган. Аммо, процессуал чиқимлар фақат муаллиф эътироф этган чиқимлардангина иборат эмас. Унинг ҳуқуқий таъсир доираси кенг кўринишда бўлиб, ўз қўламига кўра юқоридагилар билан умумийлик касб этмайди.

Шунингдек, таъминлаш манбаи нуқтаи назаридан ҳам процессуал чиқимлар тўлалигича давлат бюджети ҳисобидан тўланмаслигини эътибордан соқит қилмаслик лозим. Чунончи, ЖПКнинг 318-моддасидаги чиқимлардан фақат давлат ҳисобидан ишда иштирок этадиган ҳимоячи ҳамда таржимонга тўланадиган сумма-

ларгина давлат зиммасига юклатилган. Қолганлари маҳкумлардан ундирилади ёки ЖПКнинг 319-моддаси асосида жиноят процесси иштирокчиси меҳнат қиладиган корхона, ташкилот, муассасага юклатилиши мумкин.

Қўллаб ўзбекистонлик олимлар (З.Ф.Иноғомжонов, Г.З.Тўлаганова, Э.Х.Норбутаев, Д.М.Миразов, А.А.Султонов) процессуал чиқимлар институти тартибга солувчи жиноят-процессуал нормаларга шарҳ беришган. Уларнинг илмий асарларида процессуал чиқимларнинг моҳияти ва ҳуқуқий хусусиятлари умумий тарзда ёритилган.

ЖПКнинг 320-моддасига биноан, процессуал чиқимларни қоплаш адвокатлик муассасаларига, жамоат бирлашмаси ёхуд жамоага, вояга етмаган маҳкумнинг ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга, процесс иштирокчиларининг доимий иш жойига ҳам юклаш мумкин. Шу билан бирга, давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилишини процессуал чиқимларнинг асосий белгиси сифатида инobatга оладиган бўлсак, унда жиноят ишини юритишга масъул органларга ўз хизмат мажбуриятини бажарганлиги учун давлат бюджети ҳисобидан тўланадиган маош ва шу каби бошқа харажатларни ҳам процессуал чиқимлар қаторига киритишимизга тўғри келади. Гарчи, улар моҳияти ва мақсадларига кўра жиноят ишларини юритишнинг умумий қийматини шакллантиришда инobatга олинса-да, бироқ уларни процессуал чиқимлар таркибига киритиб бўлмайди.

Назаримизда процессуал чиқимлар институтига таъриф беришдан аввал у билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни кенгрок таҳлил этиш лозим. Қўллаб таърифларда муаллифлар процессуал чиқимлар институтининг мақсади жиноят ишларини юритишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган исботлаш жараёни билан боғлиқ объектларни қамраб олишга ҳаракат қилган. Бироқ жиноят процессида кафолатланиши лозим бўлган бошқа ҳуқуқ субъектлари ва процессуал вазифалар инobatга олинмаган.

Шу боис, бизнингча, ўрганилаётган институтни ҳар томонлама қамраб олиб, унинг чегараларини белгилаб бериш ҳамда ўзига хос хусусиятларини аниқлаштириш орқали унинг жиноят ишини юритишдаги бошқа сарф-харажатлардан фарқини кўрсатиб бериш учун юқоридаги мушоҳадалар етарли эмас. Таъкидлаб ўтилган номутаносибликларни баратараф этиш ҳамда процессуал чиқимлар институти жиноят ишини юритишдаги бошқа сарф-харажатлардан фарқлаш имконини берувчи тавсифини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Бунда, даставвал, процессуал чиқимлар институтининг ҳуқуқий мақомини ойдинлаштириш зарур. Бундай ечим мазкур институтнинг жиноят процессидаги ифода тилини тўғри шакллантиришга замин яратади.

Муродали ДЖУРАЕВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тадқиқот натижалари таҳлили асосида берилмоқда.
2. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: Дарслик / Б.А. Миренский, А.Х. Раҳмонкулов, Ж. Камалходжаев ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – 384 б.



“ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ БИЛАН УЙҒУНЛАШУВИ

Яшил иқтисодиётга ўтиш ва уни ривожлантириш мақсадида мамлакатимиз бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини яхши йўлга қўйган. Жумладан, 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича Париж битимини ратификация қилди ва уни амалга ошириш юзасидан миллий миқёсда белгиланадиган ҳисса бўйича — 2030 йилга қадар иссиқхона газларининг ялли ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 10 фоизга қисқартириш миқдорий мажбуриятини қабул қилди.

Париж битими мажбуриятларини бажариш доирасида иссиқхона газлари ажратмаларини қисқартириш бўйича ўрта муддатли устувор вазибалар мамлакатда иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфи ҳажмини камайтириш, ишлаб чиқаришда энергия тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, Оролбўйида экологик танглик оқибатларини бартараф этишни назарда тутадиган қатор стратегик ва тармоқ режалари, дастурлари, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали амалга оширилмоқда.

Франция тараққиёт агентлиги (AFD) билан ҳамкорликда “Яшил” иқтисодиёт бўйича давлат сиёсати соҳасида қарз дастури амалга оширилди. Мазкур дастур доирасида AFD томонидан Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига кўмаклашиш кўзда тутилган бўлиб, 2022 йил давомида AFD бюджет кўмаги маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси бюджетига 150,0 млн. евро миқдоридан кредит маблағлари ўтказилди. Мазкур лойиҳа доирасида қазилма ёқилғилари субсидияларини хатловдан ўтказиш ва қисқартириш, иқтисодиётни декарбонизациялаш бўйича узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш, миллий миқёсда иссиқхона газлари ташланмаларининг мониторинги, ҳисоботи ва текшируви (MRV) тизимини жорий этиш, “яшил” бюджетлаштириш ва солиққа тортишни жорий қилиш ҳамда бошқа йўналишларда ишлар амалга оширилмоқда.

Қазилма ёқилғилар субсидияларини камайтириш ҳисобига энергия ресурслари сарфини мақбуллаштириш мақсадида Франция тараққиёт агентлиги лойиҳаси доирасида Иқтисодий тараққиёт вазирилик Барқарор ривожланиш халқаро институти (IISD) билан биргаликда қазилма ёқилғилар субсидияларини хатловдан ўтказиш ҳамда уларни камайтириш бўйича лойиҳа йўлга қўйилди. Унинг доирасида қазилма ёқилғилари субсидияларини хатловдан ўтказиш бирламчи методологияси тайёрланди.

2022 йилнинг май ойида Метан эмиссиясини камайтириш бўйича глобал мажбурият (The Global Methane Pledge) тўғрисидаги ташаббусга Ўзбекистон қўшилди.

Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлар ўртасида иқтисодиёт тармоқларида иссиқхона гази эмиссиясини камайтиришга қаратилган замонавий “яшил” технологияларни жалб қилишни кўзда тутувчи Joint Credit Mechanism (JCM) механизмининг йўлга қўйилиши бўйича келишилди (2022 йил октябрда ҳамкорлик Меморандуми имзоланди).

Жаҳон банки ва ЕТББ билан биргаликда Иқтисодиётни декарбонизациялаш ва “яшил” ривожланиш моделига ўтиш бўйича узоқ муддатли стратегияни (LTS) ишлаб чиқиш лойиҳаси йўлга қўйилди.

Жаҳон банки билан биргаликда “Иқлим ўзгариши шароитида иқтисодий ўсишнинг таъминлаш бўйича миллий баҳолаш (CCDR – Climate Change and Development Report)” лойиҳасини амалга ошириш йўлга қўйилди. Ушбу баҳолаш иқтисодиётга халқаро арзон “яшил” молиявий ёрдамларни жалб қилишга кўмак беради.

Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Ўзбекистонда давлат инвестицияларини бошқаришни баҳолашнинг иқлим билан боғлиқ мезонларини (C-PIMA) қўллаш имконияти ўрганилди ва уни жорий қилиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар тайёрланди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ турли давлатлар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги алоқаларни назорат қилиш учун ҳуқуқий асос яратади. “Яшил” иқтисодиёт доирасида бу қуйидагиларни ўз ичига олади.

Трансчегравий инвестициялар: халқаро инвесторларни “яшил” таъаббусларда, шу жумладан мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва низоларни ҳал қилиш тизимларида ҳуқуқий ҳимояни кафолатлаш.

Шартнома қонунчилиги бўйича экологик мезонларни ва лойиҳанинг барқарорлигини ҳисобга олган ҳолда стандарт шартномаларни ишлаб чиқиш.

Корпоратив бошқарув: Ўзбекистонда фаолият юритаётган корхоналарнинг корпоратив ҳатти-ҳаракатларида жаҳон миқёсидаги ESG мезонларини қўллаш.

Шу боис Ўзбекистон қонунларини халқаро хусусий ҳуқуқ билан уйғунлаштириш “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш ва барқарор инвестицияларни жалб қилиш учун қулай ҳуқуқий муҳитни яратишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, Ўзбекистон қисқа муддат ичида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва уни ривожлантириш борасида керакли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини шакллантирди. Тегишли қонунчилик ҳужжатлари асосида устувор йўналиш ва вазибалар белгилаб берилди ва улар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Юқорида таъкидланганидек, чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда соҳада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда ва аста-секин ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон қонунчилигини “яшил” иқтисодиёт соҳасидаги халқаро хусусий ҳуқуқ билан самарали уйғунлаштириш учун қуйидагилар тавсия этилади: халқаро стандартларга мувофиқ миллий “яшил” таксономияни ишлаб чиқиш ва жорий этиш барқарор инвестициялар учун талабларни белгилашга ёрдам беради;

ESG қадриятлари ва барқарор ривожланишни ҳисобга олган ҳолда корпоратив ҳуқуқни мослаштириш;

трансчегравий можароларни ҳал қилиш тизимларини ишлаб чиқиш “яшил” иқтисодиёт ва барқарор инвестициялар масалаларига қаратилган бўлиши лозим;

халқаро хусусий ҳуқуқ ва барқарор ривожланиш соҳасида юридик кадрлар тайёрлаб, малакаси оширилиши керак;

қонунчиликни уйғунлаштириш соҳасида билим ва илғор тажриба алмашиш учун халқаро ташкилотлар билан ишлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши ва жаҳон иқтисодий жараёнларига қўшилиши унинг қонунчилигини “яшил” иқтисодиёт соҳасидаги халқаро хусусий ҳуқуқ билан уйғунлаштиришга боғлиқ. Бу ислохотлар ҳуқуқий эркинликни кафолатлайди, халқаро инвестицияларни жалб қилади ҳамда иқтисодий ва экологик мақсадларга эришишга ёрдам беради.

Гулиза ДАВЛАТОВА,

Тошкент давлат юридик университети талабаси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “2019 — 2030-yillar davrida O'zbekiston Respublikasining “yashil” iqtisodiyotga o'tish” Strategiyasi PQ-4477-son. 2019-yil 4-oktabr. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 05.10.2019-y., 07/19/4477/3867-son.
2. The World Bank and the Ministry of Economic Development and Poverty Reduction of the Republic of Uzbekistan. 2022. Towards a Greener Economy in Uzbekistan. World Bank.
3. World Bank. (2024). Guidance Note on Uzbekistan Green Taxonomy. Washington, DC: World Bank. <https://hdl.handle.net/10986/41084>
4. Asian Infrastructure Investment Bank. (2024). Uzbekistan: Accelerating the Uzbekistan Climate Transition for Green, Inclusive, and Resilient Economic Growth (Subprogram 1). <https://www.aiib.org/en/projects/details/2024/approved/uzbekistan-accelerating-the-uzbekistan-climate-transition-for-green-inclusive-and-resilient-economic-growth-subprogram-1.html>
5. Yashil iqtisodiyotni rivojlantirish sohasi bo'yicha amalga oshirilgan ishlar. Qo'llanma. Iqtisodiyot va moliya vazirligi. 2023-y.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҚОНУНИЙ КАФОЛАТЛАРИ

“Кичик бизнес” тушунчаси одатда ходимлар сони ёки йиллик айланмаси билан чегараланган тадбиркорлик субъектларини англатади, “хусусий тадбиркорлик” деганда эса фуқаролар (алоҳида фуқаро) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулккий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга оширилаётган ташаббускор ҳўжалик фаолияти назарда тутилади.

Ўзбекистон қонунчилигида кичик корхона мезонлари соҳа ва тармоқларга қараб белгиланган, масалан:

- енгил ва озик-овқат саноатидаги, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан юз киши;

- машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши;

- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган кичик корхоналар кичик тадбиркорлик субъектлари деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун Конституциявий нормалар асосида тадбиркорлик соҳасини тартибга солувчи кенг қамровли қонунчилик базаси шакллантирилди. Хусусан, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ушбу йўналишдаги асосий ҳужжатлардан биридир. Мазкур қонун фуқаролар ва юридик шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш эркинлигини тўла таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва давлат органлари томонидан асоссиз аралашувлардан сақлаш кафолатларини белгилайди. Жумладан, тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи ва мулкдан фойдаланиш эркинлиги, уларнинг мол-мулкни асоссиз равишда национализация (миллийлаштириш), мусодара қилиш ёки реквизиция қилишга йўл қўйилмаслиги каби кафолатлар қонунда мустаҳкамланган. Шунингдек, мазкур қонунда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили яъни, қонунчиликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилиши ва инсофсиз рақобатга йўл қўйилмаслиги каби нормалар ўрин олган.

“Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳам мулкдор-тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган бўлиб, унда мулкдор мол-мулкнинг олиб қўйилишига фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилиши белгиланган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун суд тартибдаги воситалардан кенг фойдаланиш имкониятига эга. Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги иқтисодий низоларни кўриб чиқиш учун ихтисослаштирилган иқтисодий судлар

тизими фаолият юритиб келмоқда. Иқтисодий судлар юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар иштирокидаги низоларни, шу жумладан шартномавий мажбуриятлар, кредит муносабатлари, корпоратив низолар, инвестициявий низолар, рақобатга оид ишлар, тўловга қобилиятсизлик ва бошқа муносабатлар бўйича ишларни кўриб чиқади.

Сўнгги йилларда иқтисодий судлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган 2024 йил давомида республика иқтисодий судлари томонидан биринчи инстанция судида жами 436 102 та иқтисодий ишлар кўриб чиқилиб, ҳал этилган. Шундан даъвогарлар яъни тадбиркорлик субъектлари фойдасига жами 27,5 трлн. сўм ундириш ҳақида суд қарорлари қабул қилинган.

Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид 68 567 та иқтисодий ишлар кўриб чиқилган ҳамда улар фойдасига жами 6,7 трлн. сўм миқдоридagi пул маблағлари ундирилиши белгиланиб, уларнинг қонуний манфаатлари суд томонидан ҳимоя қилинган.

Суд тартибида ҳимоя қилиш механизмларининг самардорлигини ошириш мақсадида сўнгги йилларда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистонда 2017 йилдан маъмурий судлар ташкил этилиб, эндиликда тадбиркорлар давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), қарорлари устидан маъмурий судларга шикоят қилиш имконига эга бўлдилар. Бу эса тадбиркорлик субъектларининг давлат билан бўлган муносабатларида ҳам ҳуқуқий кафолатларни кучайтирди. Шу билан бирга, суд тизимида электрон судлов тизими жорий қилиниб, тадбиркорлар судга мурожаат қилиш, даъво аризаси топшириш ва иш юритиш ҳолатини онлайн кузатиш, суд ҳужжатларини онлайн шаклда олиш каби имкониятларга эга бўлдилар. Бундай ташаббуслар тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилинишини янада самарали ва ишончли кафолатламоқда.

Юқорида келтирилган таҳлиллардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг қонуний кафолатлари учун мустаҳкам норматив-ҳуқуқий замин яратилган. Конституциявий даражадаги нормалар ва махсус қонун ҳужжатлари тадбиркорлик эркинлиги, мулк дахлсизлиги ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий кафолатларини белгилаб берди. Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда давлат сиёсати доирасида қатор амалий чора-тадбирлар – тартиб-таомилларни соддалаштириш, текширувларни камайитириш, Бизнес-омбудсман институти ва янги суд механизмларини жорий этиш – орқали ушбу ҳуқуқий кафолатлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Нурбек ИСМАИЛОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАРНИ ЭГАСИЗЛАНТИРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда шахсга доир маълумотларни эгасизлантириш тартибини такомиллаштириш масалалари ўрганилган. Бунда, хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, уларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш бўйича таклифлар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: эгасизлантириш, шахсга доир маълумотлар, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда шахсга доир маълумотларни эгасизлантириш тартиби, анонимлаштириш, тахаллуслаштириш.

Бугунги кунга келиб, мамлакатда шахсга доир маълумотларнинг эгасизлантиришни ривожлантиришга тўсқинлик қиладиган асосий муаммо фуқаролик ҳуқуқи соҳасида эгасизлантиришни ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларининг мавжудлиги, яъни унинг ягона таърифнинг йўқлигидир.

Ўзбекистон Республикаси “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида “Шахсга доир маълумотларни эгасизлантириш” атамаси мавжудлигига қарамай, қонун ҳужжатларида идентификация хусусиятларини анонимлаштириш, тахаллуслаш, жамлаш ва бошқа шакллари ўртасидаги фарқни ҳисобга олувчи ягона таъриф мавжуд эмас.

Эгасизлантириш тартибини такомиллаштириш учун қабул қилиниши керак бўлган яна бир жиҳат — бу маълумотларни минималлаштириш тамойилининг чекланган таъсиридир. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш шакли сифатида эгасизлантиришни кўриб чиқишда ушбу принципнинг амалдаги чекловлари аниқ бўлади. Ушбу чекловнинг сабабларидан бири миллий қонунчиликда етарлича мезонларнинг йўқлигидир. Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонунда ҳам, бошқа норматив ҳужжатларда ҳам қайси маълумотлар аниқ мақсад бўйича, айниқса эгасизлантиришда ортиқча деб ҳисобланиши ошкор этилмаган. Натижада, операторлар буни келажакдаги фаразий вазифалар билан асослаб, “ҳар эҳтимолга қарши” иложи борича кўпроқ маълумот тўплашга мойилдирлар.

Эгасизлантиришни техник амалга ошириш муаммолари, яъни уларнинг йўқлиги шахсга доир маълумотларни эгасизлантиришни ҳуқуқий тартибга солишни мураккаблаштиради. “ISO/IEC 20889:2018” ёки “NIST Special Publication 800-188” каби стандартлар амал қилаётган Европа Иттифоқи ва АҚШдан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда эгасизлантириш усуллари ва ишлаш кўрсаткичларини белгиловчи тасдиқланган техник регламентлар мавжуд эмас. Бу операторлар томонидан анонимлаштириш масалаларига ўзбошимчалик билан ёндашиш хавфини туғдиради.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексида маълумотларни эгасизлантириш тартибини бузганлик учун жавобгарликни бевосита белгиловчи алоҳида модда мавжуд эмас. Натижада, жабрланувчилар кўпинча маълумотларни сифатсиз эгасизлантириш натижасида етказилган зарарни қоплаш ҳуқуқидан самарали фойдалана олмайдилар.

Бундан ташқари, фуқаролик қонунчилигида эгасизлантирилган маълумотлар сизиб чиққан тақдирда операторнинг айбисизлик презумпцияси мавжуд эмас, бу субъект манфаатларини ҳимоя қилишни сезиларли даражада мураккаблаштиради. Баъзи ҳолларда (айниқса, булутли хизматлардан фойдаланган-

да) жабрланувчига бузилишни исботлаш қийин, оператор эса “кутилмаган ҳолатлар”га таяниб, жавобгарликдан қочади.

Бир қатор давлатлар аллақачон эгасизлантиришни тартибга солишнинг янада ривожланган механизмларини жорий этишган. Хусусан, Европа Иттифоқининг маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича умумий регламенти “тахаллуслаштириш” ва “анонимлаштириш”ни аниқ ажратиб туради ва агар маълумотлар ҳақиқатан ҳам аноним бўлса, тартибга солиш иккинчисига тааллуқли эмас. Шу билан бирга, қайтарилмаслик исботи учун қатъий талаблар қўлланилади.

Бундан ташқари, бир қатор мамлакатлар (масалан, Канада ва Япония) қонунчилигида қайта идентификация қилиш хавфини баҳолаш бўйича тавсиялар, шунингдек техник анонимлаштиришнинг мажбурий стандартлари мавжуд.

Бундан ташқари, Европа Иттифоқи мамлакатларида эгасизлантириш сифатини назорат қилиш шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича ваколатли органларга юклатилган. Ўзбекистонда тегишли назорат фақат расмий ва асосан IT инфратузилмасининг умумий аудити доирасида амалга оширилади.

Миллий қонунчилигимизга Европа Иттифоқининг маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича умумий регламенти ва халқаро техник стандартлар каби халқаро ҳужжатлар қоидаларини жорий этиш нафақат ҳуқуқий зарурат, балки рақамли суверенитетни мустаҳкамлаш ва фаол рақамлаштириш шароитида фуқароларни ҳимоя қилиш йўлидаги стратегик қадамдир.

Ўзбекистон хорижий мамлакатларда мавжуд бўлган эгасизлантириш механизмлари мисолида ижобий тажрибага эга бўлиши мумкин, бу эса миллий қонунчиликнинг рақамли сиёсатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда шахсга доир маълумотларни эгасизлантириш тартибини такомиллаштириш ҳуқуқий, техник ва ташкилий ечимларни мувофиқлаштиришни талаб қиладиган кўп ўлчовли вазифадир. Ушбу масала бўйича Ўзбекистон қонунчилиги ҳали ҳам шакллантирилмоқда ва кўплаб муҳим элементлар — техник стандартлар, жавобгарлик турлари, маълумотлар субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартиб — қоидаларини яқунлаш керак.

Иқбола БАХОДИРОВА,

Тошкент давлат юридик университети магистратура тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
3. “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
4. Европа Иттифоқининг маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича умумий регламенти.

ПОДХОДЫ К РЕГУЛИРОВАНИЮ МИКРОФИНАНСОВОГО (ПОТРЕБИТЕЛЬСКОГО) КРЕДИТОВАНИЯ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ

АННОТАЦИЯ: в статье сравнивается текущее регулирование микрофинансовых (потребительских) кредитов в Республике Узбекистан и Российской Федерации. Мы приходим к выводу о том, что законодательство Узбекистана удачнее в вопросах ограничения предельных выплат заемщика по таким кредитам и очередности платежей, поэтому в Узбекистане нет такой сильной закредитованности населения как в России. В целом в Республике Узбекистан нет и такого резкого различия в процентных ставках между банками и МФО как в России. Хотя Гражданско-процессуальный кодекс в обоих государствах предоставляет судам возможность отсрочить или рассрочить исполнение решений, эта практика по делам о взыскании задолженностей по потребительским кредитам не распространена. В статье проанализированы макропруденциальные лимиты для профессиональных кредиторов в двух государствах. Для корректной оценки платежеспособности заемщиков (кредитного скоринга) в идеале целесообразно в максимальной степени учитывать его долги, однако здесь возникают определенные практические проблемы, которые рассмотрены в статье.

Ключевые слова: микрофинансирование, банк, микрофинансовая организация, потребительский кредит, кредитный скоринг, макропруденциальные лимиты

Кто является кредитором?

Выдача микрофинансовых (потребительских) кредитов имеет существенное значение для экономики любой развивающейся страны, поскольку позволяет гражданам приобретать больше товаров и услуг, чем они могли бы приобрести в его отсутствие, а также развивать национальный малый бизнес. Тем не менее с другой стороны это сопряжено с риском закредитованности населения, когда люди массово перестают возвращать кредиты. Кроме того, микрокредитование может содействовать развитию национального производства в случае, если оно сопряжено с требованием приобретения отечественных товаров либо ограничено лимитом от общего кредитного портфеля для конкретных кредиторов. В последнем случае кредиторы даже если они считают выдачу потребительских кредитов более выгодной в текущей рыночной ситуации, вынуждены балансировать такие кредиты кредитами на развитие производства. В данной работе мы будем уделять много внимания ипотеке в связи с высокой степенью специфичности этой тематики и тем, что законодательство о потребительском или микрофинансовом кредитовании ни в одной известной нам юрисдикции полностью на ипотечные кредиты не распространяется.

Исторически так сложилось, что терминологически в Республике Узбекистан потребительские кредиты формально юридически признаны разновидностью микрофинансовых, а в России во многих случаях наоборот. В Узбекистане наряду с общими положениями Гражданского кодекса действуют специальные Законы "О небанковских кредитных организациях и микрофинансовой деятельности" от 20 апреля 2022 года № ЗРУ-765 (далее по тексту - Закон о микрофинансировании) и "О потребительском кредите" от 6 мая 2006 года № ЗРУ-33. Потребительскими последний признает только кредиты на приобретение конкретного товара или услуги, если заемщик не получает деньги "на руки" или на свой счет, а сумма кредита перечисляется напрямую его контрагенту - продавцу товара или услуги. Формально в этих законах не указано, что потребительские кредиты признаны разновидностью микрофинансовых, но по нашему убеждению это так, иначе на потребительские кредиты не распространялись бы никакие защитные механизмы, установленные Законом о микрофинансировании, что было бы абсурдно. Правда, в статистике регулятора эти "потребительские кредиты" выделяются отдельно. Второй из этих законов довольно старый, и на наш взгляд его можно было бы отменить, учтя специфику соответствующих кредитов в общем законе о микрофинансировании. Фактически сейчас Закон "О потребительском кредите"

содержит только одно специфическое положение - право потребителя, если ему продан некачественный товар (работа, услуга), на его замену, причем эта обязанность лежит в том числе и на лице, которое выдало потребительский кредит. А если замена невозможна, то товар (работа, услуга) возвращается продавцу с очищением потребителя от будущих обязательств по кредитному договору и возвратом ему всего уплаченного по кредитному договору. Это действительно важное реально защищающее потребителя положение, которое с аналогичной четкостью не сформулировано в российском законодательстве. Но ради только него одного целый отдельный закон все же излишен. По этой причине полагаем, что этот безусловно полезный механизм, защищающий потребителя, можно было бы учесть в качестве специальной нормы в перспективе в общем законе о микрофинансировании, объединив эти два закона в один.

В Российской Федерации исторически сложилось при заимствовании европейского опыта, исходя из ключевого в терминологии права ЕС термина *consumer credit*¹ те из числа микрофинансовых кредитов, которые выдаются физическим лицам на непредпринимательские цели, признаются разновидностью потребительских. Российский Федеральный закон "О микрофинансовой деятельности и микрофинансовых организациях" от 02.07.2010 года N 151-ФЗ распространяется исключительно на кредиты микрофинансовых организаций (МФО) и устанавливает для них некоторые специальные ограничения, например, им нельзя принимать в залог у граждан жилые помещения. Формально МФО в России делятся на микрофинансовые компании и микрокредитные компании, но существенной разницы между ними в настоящее время нет. Займы физических лиц у МФО, как и других профессиональных кредиторов, на непредпринимательские цели регулируются в том числе и положениями общего федерального закона "О потребительском кредите (займе)" от 21.12.2013 года № 353-ФЗ. При этом в отличие от Узбекистана прямое перечисление денег кредитором продавцу товара (работы, услуги), который желает приобрести на кредитные средства заемщик, само по себе не считается в России отличительным признаком потребительского кредита либо микрофинансового кредита.

Российский Закон "О потребительском кредите (займе)" признает сейчас пять видов так называемых "профессиональных кредиторов": кредитные организации (коммерческие банки), микрофинансовые организации (МФО), ломбарды, потребительские кооперативы, сельскохозяйственные потребительские кооперативы. При этом по статистике более 99% потребительских

кредитов на практике выдают банки и МФО. Особым видом кредитов, по которым в публичном доступе нет точной статистики, являются займы брокеров своим клиентам в форме денег или ценных бумаг для так называемой “маржинальной торговли с плечом” на фондовом рынке через этого же брокера. Продолжается дискуссия о том, в какой степени можно распространять на инвестирование физическими лицами на фондовом рынке (розничными инвесторами) законодательство о защите прав потребителей. В Узбекистане микрофинансовые кредиты могут выдаваться банками и четырьмя видами небанковских кредитных организаций, а именно: МФО, ломбардами, вставшими на специальный учет платежными организациями, лизинговыми компаниями. Но в свою очередь и МФО вправе осуществлять функции платежного агента (субагента) или агента банков, страховых и иных финансовых организаций. Тем не менее, если опустить специфическую сферу предпринимательского лизинга, на практике почти все микрофинансовые кредиты гражданам выдаются сейчас в Узбекистане, как и в России, банками или МФО.

Что касается банковских кредитов (всего коммерческих банков 45), то статистика их кредитных портфелей физических лиц на 1 мая 2025 года такова (в трлн узбекских сум): ипотечные -71.26, микрозаймы -52.33, потребительские кредиты - 38.78, кредиты на образование - 5.90, на развитие предпринимательства - 20.27, другие - 1.9 млрд, итого -190.91² (примерно 14.75 млрд долларов США исходя из валютного курса 12950 узбекских сум за 1 доллар США). Суммарный портфель кредитов и лизинга (к сожалению, в статистике они не разделяются) на 1 апреля 2025 года у 114 работающих в Узбекистане МФО составил 8.18 трлн сум (примерно 630 млн долларов США)³. На эту же дату суммарный кредитный портфель 82 местных ломбардов составил 0.45 трлн сум (примерно 45 млн долларов США)⁴.

Небанковские кредитные организации в Республике Узбекистан не вправе непосредственно осуществлять производственную, страховую, а также торговую деятельность, за исключением МФО, оказывающих услуги исламского финансирования. Хотя сфера исламских (партнерских) финансов, безусловно, очень перспективна, в практическом плане она находится в Узбекистане, как и в России, пока что еще в зачаточном состоянии. Микрофинансирование физических лиц в Узбекистане по закону ограничено такими суммами выданного одним кредитором одному заемщику кредита: микрокредит на предпринимательские цели - 300 млн сум, микрозаем на непредпринимательские цели - 100 млн сум, микролизинг - 600 млн сум. В России МФО вправе выдать в кредит юридическому лицу или индивидуальному предпринимателю до 5 млн рублей, а физическому лицу на потребительские непредпринимательские цели - до 1 млн рублей. Для сопоставимости укажем, что в первом полугодии текущего года в среднем обменный курс составлял около 150 сум за 1 российский рубль.

Новеллой Узбекистана 2025 года является появление законодательства о микрофинансовых банках, которые в перспективе должны занять нишу промежуточных институций между МФО и коммерческими банками. В преамбуле соответствующего Закона Республики Узбекистан “О внесении дополнений и изменений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с совершенствованием микрофинансовой деятельности” от 11 февраля 2025 года № ЗРУ-1026 указано в качестве целеполагания, что некоторые ограничения, установленные в отношении деятельности небанковских кредитных организаций, включая ограниченные возможности привлечения дополнительных финансовых ресурсов, препятствуют предоставлению этими организациями микрофинансовых услуг широкому кругу потребителей. Также отсутствие возможности для поэтапного “роста” микрофинансовых организаций с достаточным потенциалом до уровня коммерческих банков требует пересмотра законодательных актов, регулирующих данную сферу. В связи с этим в целях формирования связывающей “цепочки” между микрофинансовыми организациями и коммерческими банками, а также создания возможности для микрофинансовых

организаций привлекать дополнительные финансовые ресурсы, в том числе депозиты, данным Законом создается правовая основа для внедрения института микрофинансового банка, уполномоченного оказывать банковские услуги на разрешенных условиях, а также для трансформации микрофинансовых организаций в микрофинансовые банки и микрофинансовых банков в коммерческие банки, и наоборот.

Пути ограничения задолженности конкретных заемщиков

Узбекистанский Закон о микрокредитовании запрещает начисление процентов, взимание комиссионных платежей и неустойки (штрафа, пени), применение иных мер ответственности по договорам оказания микрофинансовых услуг в сумме, составляющей более половины размера заимствования в год. Этот подход является более удачным, чем российский. Совершенно не идеализируя ситуацию с возвратом физическими лицами кредитов в Узбекистане, здесь все же нет такой степени закредитованности населения как в России, где по состоянию на начало 2024 года были открыты исполнительные производства о взыскании с примерно 13.3 млн граждан просроченных долгов по кредитам у профессиональных кредиторов. Так как российское население больше примерно в 4 раза, то пропорционально населению это условно сопоставимо с ситуацией, при которой 3.3 млн граждан Узбекистана имели бы просроченные долги по кредитам. Вряд ли такое способствовало бы социальной стабильности. Правда, существует персональное банкротство, но оно связано с рядом последующим ограничений для человека, и в любом случае вряд ли можно признать нормальной ситуацию, когда население должно было бы массово обанкротиться. По нашему убеждению надлежащее государственное регулирование на рынках финансовых услуг, выполняя превентивную функцию, должно предотвращать массовые банкротства граждан.

Фактически вышеупомянутый регуляторный подход Узбекистана означает, что предельный коэффициент платежей по кредиту / телу кредита (выданной сумме кредита) = 1.5 в год. Недостаток такого регулирования в Узбекистане заключается в том, что этот коэффициент не распространяется на кредиты, которые по сумме превышают лимиты, установленные для микрокредитов. Понятно, что здесь предполагалась борьба в первую очередь со сверхвысокими процентными ставками МФО, но сейчас их проценты соразмерны с банковскими. Однако нужно учитывать, что банк может выдать физическому лицу и больший кредит, чем 100 млн сум, на непредпринимательские цели, и получается, что тогда не будет защитного коэффициента, так как юридически такой займ не будет считаться микрокредитом. Разумеется, когда в Узбекистане принимали соответствующий закон, то было очень мало и кредитных карт, и автокредитов. Кредитных карт и сейчас немного, но даже когда их станет намного больше, что со временем неизбежно произойдет, то все же сложно представить, что будет большое количество их владельцев с кредитным лимитом более 100 млн сум (около 8000 долларов). В то же время автокредитование в Узбекистане сейчас уже хорошо развито, и там нередко на практике речь идет о кредитах в сумме свыше 100 млн сум. Полагаем, что здесь тоже должен быть установлен для банков, которые выдают такие автокредиты, коэффициент предельного долга к телу кредита.

В России в настоящее время коэффициент для потребительских кредитов профессиональных кредиторов, как правило, в большинстве случаев равен 2.3, за последние годы он несколько раз снижался с более высоких показателей. Но сейчас в России еще остается немало кредитов, выданных раньше при более высоком коэффициенте, поскольку его снижение никогда не имело обратной силы во времени. То есть, каждое законодательное снижение коэффициента распространялось только на новые будущие кредитные договоры. Кроме того, этот коэффициент в России вообще не распространяется на кредиты, выданные на срок более одного года, что создает предпосылки для значительных

переплат по таким кредитам несмотря на то, что процентные ставки по ним обычно меньше, чем по краткосрочным. С другой стороны в силу того, что в отличие от Узбекистана предельный коэффициент по кредитам, выданным на срок до 1 года, в России фиксированный и не зависит от срока фактического пользования кредитом, это создает финансовые стимулы для заемщиков как можно дольше их не возвращать. Ведь фактическая процентная ставка по такому кредиту с определенного момента падает тем больше, чем дольше не возвращается такой кредит.

Не является секретом, что в МФО кредиты берут граждане, платежеспособность которых вызывает сомнения, получившие отказ в рамках более жесткой оценки (кредитного скоринга), применяемого коммерческими банками. Либо уже впавшие в просрочку по ранее полученным ими банковским кредитам. По этой причине процентная ставка в МФО обычно выше, чем в банках. Тем не менее, если в Узбекистане разница в процентных ставках между банками и МФО обычно составляет в пределах 10%, то в России она иногда превышает 200%. Россия технически заимствовала подход некоторых стран Европейского Союза, заключающийся в том, что текущая ставка по тем или иным типам кредитов конкретных видов профессиональных кредиторов не должна превышать умноженной на определенный коэффициент среднерыночной ставки по аналогичным кредитам в прошлом квартале (подход некоторых стран ЕС) либо в позапрошлом квартале (подход России). Однако в России, где в данном случае был установлен коэффициент (его именуют ПСК) 1.33, при этом не было учтено, что такой подход может работать, то есть реально ограничивать закредитованность граждан, только на небольших ставках, как это и происходит в соответствующих странах ЕС. В качестве примеров укажем, что сейчас во Франции предельно разрешенные ставки профессиональных кредиторов по различным видам кредитов физическим лицам находятся сейчас в диапазоне 4.51% - 23.24%⁵, а в Португалии в диапазоне 6.4 % - 19.2%⁶. Гражданское уложение Германии запрещает ростовщичество по кредитным договорам "вопреки публичной политике", заявляя, что такая сделка является ничтожной. Как правило, согласно судебной практике кредитный договор будет считаться ростовщическим, если базовая эффективная процентная ставка примерно в два раза превышает среднюю процентную ставку или (в период высоких процентных ставок) превышает ее на определенную величину⁷.

При сверхвысоких же процентных ставках МФО в 100 % и даже иногда 200% годовых, как сейчас в России, этот коэффициент ПСК никак не ограничивает закредитованность населения. Он только может притормаживать темпы роста процентной ставки, если вдруг она необычно стремительно и радикально растёт, давая регулятору некоторый лаг во времени попытаться что-либо предпринять. По этой причине, в российской рыночной ситуации ПСК всегда был по большому счету ненужным, более того, Банк России его периодически даже вообще приостанавливал по тем или иным видам потребительских кредитов. С учетом изложенного полагаем, что в Узбекистане, если ставки по микрофинансовым в т.ч. потребительским кредитам будут в пределах 20%, такой коэффициент в будущем может быть целесообразен, в противоположном случае вводить его нет смысла.

Предельная долговая нагрузка (ПДН) и макропруденциальные лимиты

Как утверждает Центральный Банк РФ, применение макропруденциальных лимитов направлено на купирование системного риска потребительского кредитования в финансовой системе и сдерживание роста закредитованности граждан за счет дестимулирования кредитования заемщиков с высокой долговой нагрузкой и искусственного удлинения срока потребительских кредитов (займов). Рост закредитованности граждан в условиях структурной перестройки экономики может нести дополнительные макроэкономические риски. Проблемы граждан с об-

служиванием кредитов и займов могут приводить к сокращению спроса в экономике, а потери банков в результате списания "плохих" кредитов — к снижению их возможности по кредитованию экономики. Введение макропруденциальных лимитов сделает структуру кредитования более здоровой, приведёт к более равномерному распределению риска по системе, но при этом не создаст дополнительных требований к капиталу финансовых организаций при условии соблюдения лимитов⁸.

Банк России устанавливает указанные лимиты как, по сути, повышенные требования к резервированию в разрезе различных видов потребительских кредитов исходя из ряда факторов, таких как вид кредитора, вида кредита (например, является он ипотечным на готовое жилье, ипотечным на строящееся жилье, целевым автокредитом, нецелевым автокредитом или нецелевым потребительским кредитом), срок кредита. В дополнение к общим надбавкам сейчас применяется антициклическая надбавка 0.5%. Надбавки рассчитываются исходя из Показателя Долговой Нагрузки заемщика (ПДН - (Debt service-to-income (DSTI) ratio). То есть, оценивается, какой процент доходов он использует для платежей по кредиту исходя из шкалы: до 50%; 50-80%; более 80%. Здесь возникли две практические проблемы, которые на данный момент не решены. Во-первых, доходы части заемщиков на практике оказалось невозможно объективно оценить не учитывая по тем или иным косвенным признакам их неофициальные доходы. В этой связи среди российских банков возникли как сторонники того, чтобы методика определения доходов заемщика (знаменатель дроби) была унифицированной, так и приверженцы разработки своих собственных моделей. Во-вторых, для людей с высокими доходами уплата, скажем, 65% текущих доходов по кредитам может быть гораздо менее критичной, чем уплата по кредитам, например, 35% от текущих доходов для людей с очень низкими доходами.

Кроме того, макропруденциальные надбавки при кредитах под залог, в том числе ипотечных, в России зависят от показателя LTV, а именно от того вложил ли заемщик в покупку хотя бы 20% своих собственных средств. Правда, здесь существует практическая проблема, связанная с тем, что эти 20% в принципе могут быть взяты заемщиком в займ у какого-либо другого кредитора.

По мнению Центрального Банка Республики Узбекистан влияние рисков, связанных с кредитованием населения, на финансовые потери растёт даже в условиях низкой концентрации остатков по займам. С ростом кредитной активности домохозяйств и доли кредитов, выделенных физическим лицам, увеличивается численность населения с задолженностью. Средняя долговая нагрузка на физических лиц с учетом всех обязательств по итогам 2024 года достигла 34%. При этом около 40% кредитов приходится на заемщиков, у которых DSTI (доля доходов, уходящая на обслуживание долга) превышает 50%. ЦБ отдельно выделил риски, связанные с микрозаймами. Число их получателей и общая выделенная им сумма растут ускоренными темпами, при этом растёт концентрация остатков по микрозаймам. Во многих узбекистанских банках с высокой долей проблемных микрозаймов резервы для невозвратных кредитов оказались низкими, что усугубляет проблему⁹.

В этой ситуации Центральный Банк Республики Узбекистан в апреле т.г. ужесточил требования к банкам по концентрации микрозаймов и кредитных карт (в т.ч. овердрафтов по дебетным картам). Их доля не должна превышать 25% в общем кредитном портфеле банков. До 1 января 2029 года регулятор дал отсрочку банкам, которые не соответствуют новым требованиям, а именно до этой даты им необходимо постепенно — в сроки, согласованные с регулятором — снизить долю концентрации кредитов. В этом аспекте директор по банковскому сектору Fitch Ratings Павел Каптел заявил, что развитие розничного кредитования снижает уровень долларизации банковского сектора и

концентрацию кредитов, а также является более выгодным сегментом для банков. Однако, по его мнению, существуют риски перегрева на рынке розничного кредитования, что может в дальнейшем привести к проблемам с качеством активов банков. По мнению же Международного Валютного Фонда (МВФ) быстрый рост микрокредитования в Узбекистане может нести риски для финансовой стабильности. Центральному банку рекомендуется усилить риск-ориентированный надзор для ограничения этих рисков и при необходимости ввести дополнительные требования к капиталу или другие обязательные макропруденциальные нормативы¹⁰.

